

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 338.48.39

РЎЗИМУРОДОВ ФАЗЛИДДИН

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭТНОГРАФИК ТУРИЗМ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ**

5A610302 – “Туроператорлик хизматини ташкил этиш”

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар доцент Маматқулов Х.М.

САМАРҚАНД – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш

I Боб. Этнография тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти

- | | |
|---|---|
| 1.1. Этнография тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти | 2 |
| 1.2. Этнографиянинг фан сифатида шаклланиш тарихи ва унинг асосчилари | 4 |
| 1.3. Этнографик туризм – сайёҳликнинг махсус туридир | 7 |

II Боб. Этнографик туризмнинг ресурслари ва объектлари

- | | |
|---|----|
| 2.1. Миллий урф-одатлар, маросимлар ва кадриятлар | 8 |
| 2.2. Миллий кийимлар | 24 |
| 2.3. Миллий ҳунармандчилик соҳалари | 67 |

III Боб. Ўзбекистонда этнографик туризм ривожланиш хусусиятлари

- | | |
|--|----|
| 3.1. Этнографик музей туризми | 76 |
| 3.2. Этнографик қишлоқ туризми | 94 |
| 3.3. Музей ва тарихий ёдгорликларда – маданий туризм интеграцияси ва инновацияси | |

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Этнография (грекча сўз бўлиб, *ethnos*) этнология, халқшунослик, халқларни ўрганадиган, уларнинг келиб чиқиши, турмуш тарзи, урф-одатлари, моддий ва маънавий тараққиёт даражасидан қатъий назар, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи махсус фан соҳаси ҳисобланади.

Этнография ҳозирги даврда мавжуд бўлган халқлар ва элатларнинг келиб чиқиш тарихи, уларнинг шаклланиши, ҳудудий жойлашиши ва этник жиҳатдан тузилиши, урф-одатлари, маънавий маданияти ва миллий хусусиятларини тарихий жараён билан боғлиқ ҳолда ўрганади. У тарихий йўқолиб кетаётган халқ ва элатларнинг ўтмишдаги этник жараёни, маиший турмуш шароити ва маънавий маданият хусусиятларини тадқиқ қилади.

Этнографик туризм эса туризмнинг махсус тури бўлиб, у этнографик, яъни анъанавий, маданият объектларига, шунингдек, этник маданият ва ҳунармандчилик билан яқиндан танишиш мақсадида ташриф буюриш билан боғлиқ жараёндир. Этнографик туризм – бу махсус жиҳозланган территория бўлиб, туризм соҳасида маҳаллий аҳамиятнинг моддий ва маънавий маданиятини сақлаб қолишни таъминлаш учун анъаналарнинг давом этишини таъминлайдиган соҳадир.

Ушбу мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, ҳозирги кунда мамлакатимизда туризмни, шу жумладан унинг бир соҳаси этнографик туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, 2007 йилдан буён ўтказилиб келаётган анъанавий маданият фестивали «Асрлар садоси» миллий анъаналаримиз, тарихий-маданий ёдгорликларимизни бутун дунёга кўз-кўз этишда муҳим касб этиб келмоқда. Бундай фестивалнинг ўтказилиб келиши бутун мамлакатимизда катта қувонч, шодлик бағишлаб, фахру-ғуруримизни оширади. Чунки, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, тарихий обидаларимиз, халқ оғзаки ижоди меросимиз шу қадар бойки, уларни бутун дунёга намойиш этиш лозим. Мустақиллик шарофати билан бу орзумизни амалга ошириш имкони туғилди. Бунда

Президентимизнинг ғамхўрлиги, тарихий, маданий бойликларни асраб-авайлаш ва тарғиб этишга катта эътибор қаратаётганликлари асосий омил бўлмоқда. «Асрлар садоси» халқаро маданият фестивалининг республикамизда узлуксиз ўтказиши мамлакатимизда яшовчи ҳар бир кишининг қалбида чексиз фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади. Чунки бу фестивал умумбашариат тамаддунида биз яшаб турган заминнинг ниҳоятда катта ҳиссаси борлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистонда этнографик туризмни ривожлантиришда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган фикр, мулоҳазалар ва таклифларни ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Магистрлик диссертациясида асосан этнография тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистонда этнография фанининг шаклланиш тарихи, этнографик туризм-сайёҳликнинг махсус туридир, этнографик туризм ресурслари ва объектлари, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, маросимлари, қадриятлари, миллий кийимлари, миллий хунармандчилик соҳалари, Ўзбекистонда этнографик туризмнинг асосий йўналишлари (этнографик музей туризми, этнографик қишлоқ туризми, этнографик миллий урф-одатлар, қадриятлар, маросимлар ва хунармандчилик туризми соҳалари) кабиларни фарқлаш ва ёритишдан иборат.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистонда этнография туризм тизими таркибига кирадиган корхоналар, ташкилотлар, идоралар, Ўзбекистонда туризм соҳасини мувофиқлаштирувчи ва ягона туризм бўйича – сиёсий юрғазувчи давлат органи «Ўзбектуризм» МК ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил қилади. Тадқиқот предмети Ўзбекистонда этнография туризмини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар мажмуаси ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасига оид қонун-қоидалари, кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, фармон-қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари,

«Ўзбектуризм» МК томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар кабиларга таянилади. Унда гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндошиш, танлаб кузатиш, анализ ва синтез каби усул ва услублардан фойдаланилади.

I бoб. ЭТНОГРАФИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

1.1. Этнография тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти

ЭТНОГРАФИЯ, этнология, халқшунослик — жаҳондаги барча халқларнинг этник бирликнинг турли типлари, уларнинг келиб чиқиши (этногенези), турмуш тарзи, урф-одатлари, моддий ва маънавий тараққиёт даражасидан қатъий назар, тенг ҳолда ўзаро тафовути ёки умумийлиги ва ўхшашлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи махсус фан соҳаси. Этнография ҳозирги этносларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, жойлашиши ва этник тузилиши, урф-одатлари, маънавий маданияти ва миллий хусусиятларини тарихий жараён билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Тарихий этнография йўқолиб кетган халқ ва элатлар, ўтмишдаги этник жараён, маиший турмуш ва маънавий маданият хусусиятларини тадқиқ қилади.

Этнографик билимлар қадим замонлардан пайдо бўлса-да, лекин мустақил фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида шаклланиб бўлди. Дастлаб, бу атамани XVI асрнинг охирида немис ёзувчиси И.Зуммер ишлатган, кейин эса XVIII асрнинг охирларида ва 1808 йилда махсус журналлар шу ном билан чиқа бошлаган. Этнография сўзи машҳур француз табиатшуноси ва физиги Жан Жак Ампер таклифи билан Париж антропологлари конгрессида алоҳида фан сифатида қабул қилинган (1839).

Этнография дастлаб фактик билимларни тўплайди, кейин уларни таҳлил этиш орқали моҳиятини тушуниб олиб, назарий хулосалар чиқаради. Этнография фани, бошқа фанлар сингари ўзига хос махсус тадқиқот усуллари ва махсус атамаларга эга. Унинг услуби муайян дунёқараш ва назариялар (методология) билан боғлиқ бўлиб, ўз тадқиқотларини айрим фан соҳалари антропология, археология, лингвистика, социология, санъатшунослик билан алоқадор ҳолда амалга оширади.

Мазкур фанларнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли кейинги йилларда кўшалок илмий соҳалар ҳам юзага келди, масалан, этник антропология, палеоэтнография, этнолингвистика ва бошқалар. Ҳозирги даврдаги этник жараёнларни теран ва кенг миқёсда тадқиқ қилишда кейинги йилларда ўтказилаётган социологик тадқиқотлар яхши самара бермоқда. Натижада – этносоциология, этнопсихология каби янги илмий соҳалар юзага келиши муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, табиий-географик шароитга қараб ёввойи ўсимликларни экиб ўстириш ёки ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш, урчитиш каби ўзига хос турмуш хусусиятларига эга элатларнинг хўжалик хусусиятларини аниқлашда этнография билан ҳамкорликда этноботаника ва этнозоология каби янги соҳалар фаолият кўрсатмоқда.

Халқларни ўрганишда этнография фани ниҳоятда кенг ва хилма-хил манбалардан ва усуллардан фойдаланади. Бир жойда узоқ яшаб, кузатиш йўли билан ўтказилган тадқиқотлар энг самарали эканлигини машҳур этнографлар (Л.Морган, Н.Н.Миклухо-Маклай, В.Г.Богораз) алоҳида қайд қилганлар. Қисқа муддатда, айрим мавсумларда ўтказиладиган тадқиқот ишлари экспедиция усули бўлиб, ҳозир кенг тарқалган ва у мавсумий усул дейилади.

Дала ишларида, асосан, ахборотчидан суҳбат йўли билан ёзма ёки магнитофон орқали маълумотлар тўплаш, муайян маиший-маданий турмуш ҳодисалари, оила-никоҳ муносабатлари ва маросимлари, халқ сайиллари ва ўйинларини кузатиш, уларда бевосита иштирок қилиш ва уларни жиддий ўрганиш (ёзиш, чизиш, расмга олиш) каби усуллар қўлланилади. Маънавий маданиятни тадқиқ қилишда (айниқса айрим урф-одат ва маъросимлар, халқ ўйинлари, ибодат, миллий рақслар) замонавий техника (фото, видео ва киноаппаратуралар) воситаларидан кенг фойдаланилади.

1.2. Этнографиянинг фан сифатида шаклланиш тарихи ва унинг асосчилари

Ўзбекистонда этнография фани. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган қabila ва элатлар тўғрисидаги энг қадимий этнографик маълумотлар илк ёзма манбаларда, юнон вар им муаллифлари Гекатей, Страбон, Геродат, Арриан, Пталемей ва Ктесий, сицилиялик Диодор, Помпей Трог, Тацит асарларида учрайди. Ўрта Осиё халқларининг қадимий аجدодлари ва уларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари тўғрисида қимматли маълумотларни зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам кўриш мумкин. Милoddан аввалги VI-I асрлардан араб истилосигача Ўрта Осиё халқларига тегишли маълумотларни қадимий ахоманийлар даврига оид қоя тош битикларида, парфиёний, суғдий, хоразмий, бахтарий ёзма ёдгорликларида, хитой саёхатномаларида, сосонийлар Эронининг ўрта форсий-пахлавий тилдаги ёдгорликларида, арман тилидаги манбаларда, қадимий туркий ёзма ёдгорликларида учратамиз.

Илк ўрта аср (IX-XII асрлар) муаллифлари географ ва сайёҳлар Ибн Хурдодбех, ал-Балхий, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Масъудий, Ёкут Ҳамавийлар ўз саёхатномаларида Шарқ халқлари этнографияси бўйича қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган «Дада-Қўрқут», «Алпомиш», «Манас», «Гўрўғли» дostonлари тарихий ва этнографик жиҳатдан ниҳоятда муҳим манбалардир. Муҳаммад Хоразмийнинг «Сурат ал-Аарз», Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуний Масъудий», «Амударё тарихи», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарларида Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон шаҳарлари, уларнинг тарихи, табиий-географик шароити, этнотопонимияси, айрим шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг лингвистик ва этник таркиби, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маиший турмуши ва маданиятининг баъзи жиҳатлари, диний

этиқодларига оид ноёб маълумотлар мужассамлашганлиги билан муҳим илмий аҳамиятга эга.

Амир Тему рва унинг ворислари ҳукумронлик қилган даврда яшаган сарой тарихчилари ва солномачилари, жумладан, Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қиймоғи»), Низомиддин Шомий, Абдураззок Самарқандий, Ҳусайн Кубравий, Али Қушчи ва бошқаларнинг асарларида шу даврга оид этнографик маълумотларни учратиш мумкин.

Шунингдек, испан элчиси Рюи Гонсалес де Клавихонинг асарида, рус солномаларида, машҳур сайёҳ Марко Полонинг саёҳатномасида ҳам муҳим маълумотлар жамланган.

Бобурнинг «Бобурнома» асарида Мовороуннаҳр ва кўшни мамлакатларда яшаган элатларнинг этник таркиби ва тарихи, урф-одати ва маросимлари маданияти ва маиший турмуши ҳақида, Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» номли тарихий-биографик асарида Тошкент ва Андижондан то Қашқар ва Ҳинд океани бўйларигача қандай шаҳарлар, вилоятлар борлиги, уларнинг аҳолиси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўрта асрлар илмий мероси бўлган Ҳофиз таниш ал-Бухорийнинг «Абдулланом» («Шарафномаи шоҳий»), Маъсуд ибн Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Фазлуллоҳ Рўзбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» каби асарларида қимматли тарихий-этнографик маълумотлар бор.

XVI-XVII асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг вужудга келиши ва Россия давлати билан мунтазам савдо ва дипломатик муносабатлар ўрнатилиши натижасида рус элчиларининг ўзбек хонликларида қилган сафарлари жараёнида тўплаган материаллари ҳам этнографик маълумотлар мавжуд бўлиб, улар маълум илмий қимматга эгадир.

Туркистон ўлкасини жадал этнографик ўрганиш, ўлкани мустамлака қилиш мақсади билан нбоғлиқ бўлиб, ўзбек халқи этнографиясига оид илмий аҳамиятга эга материаллар тўплаш даври XIX асрдан бошланди.

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларни этнографик жиҳатдан ўрганиш йўлида 1872 й. Москвада очилган политехника кўргазмаси муносабати билан тайёрланган «Туркистон альбоми», шунингдек, Рус география жамиятининг Туркистон бўлими, Тиббиёт, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги, Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти, Хомутов тўғараги, Ўрта Осиё олимлари жамияти, Рус техника жамиятининг Туркистон бўлими, Шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлимининг роли катта бўлди.

XIX аср охирлари XX аср бошларида этнография бўлимларининг ривожига ўлкада фаолият кўрсатган рус шарқшунос, тарихчи, этнограф олимлари, сайёҳлари ва давлат арбоблари В.В.Радлов, В.В.Бартольд, М.С.Андреев, А.А.Диваев, В.Л.Вяткин, Н.П.Остроумов, Н.С.Ликошин, Н.Г.Маллицкий, эр-хотин Наливкинлар, И.И.Умняков, А.А.Семёнов, Е.Д.Паливановлар номи билан боғлиқдир. Улар амалга оширган ишлар мустамлакачиликка хизмат қилган бўлса-да, тўпланган катта этнографик материаллар XIX аср охирлари XX аср бошларидаги Туркистон ҳаёт тарзини тасвирлашга муҳим илмий аҳамиятга эга.

1918 йилда Туркистон халқ университетида ўзбеклар этнографияси бўйича махсус курс киритилиб, бу мавзу бўйича маърузалар ўқиладиган бўлди.

1920-30 йиллар Ўзбекистонда Этнография илмининг вужудга келиши, ташкилий ва таркибий шаклланиш даври бўлди. 1930 йиллар охирида маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан мутахассислар Г.Алимов, М.Бекжанова, А.Балтаев, Я.Ғуломов, Ш.Иноғомов, Т.Мирғиёсов, М.Саиджонов, Х.Хусанбоев, К.Юсупов ва бошқалар Ўзбекистонда музей ишини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга, музейларда этнографик коллекцияларни кўргазмага қўйишга тайёрлаш бўйича муҳим ишларни амалга оширди.

1943 йил 4 ноябрда ЎзФА Тил, адабиёт ва тарих институти асосида Тарих ва археология институти ташкил этилиб, уни атракибида 6-бўлим, шу

жумладан академик М.Андреев раҳбарлигидаги бўлими ҳам бор эди. Бўлим республикада этнографик тадқиқотларнинг етакчи маркази бўлиб қолди.

Хоразм археология- этнография экспедициясининг ташкил этилиши, фаолият олиб бориши (Раҳбарлар С.Толстов, Т.Жданко) Ўзбекистон этнография фанининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Хоразм экспедиция мобайнида ҚОРАҚАЛПОҚЛАР этнографиясини махсус ўрганилганлиги, Қорақалпоғистонда этнографик фикрларнинг шаклланиши учу насос бўлди.

1960-80 йилларда ўзбек ҳамда қорақалпоқ халқларининг этногенезиётник тарихи бўйича фаол тадқиқотлар олиб борилди (В.П.Алексиев, А.А.аскаров, О.Сухарева, Т.К.Холов ва бошқалар). Ўзбеклар этник тарих ўрганиш бевосита академик К.Шон номи билан боғлиқ.

1.3. Этнографик туризм – сайёҳликнинг махсус туридир

Музей (гр. *museum* – ибодат-хона музейи) – илмий тадқиқот ва илмий оқартурув муассасаси, тарих, маданият, табиий ёдгорликларни сақлаш ўрганиш, оммалаштиришни амалга оширади.

Коллекцияси таркибига кўра музейлар қуйидагиларга бўлинади: **тарихий, этнографик, адабий, театр, техника** ва бошқа профиллар. Бундан ташқари, музейлар мемориал ва ўлкашуносликка бўлинади. Ғарбий Европада биринчи музейлар XIV–XVI аср, Россияда XVIII асрда (Кунст-камера, 1914) вужудга келган.

Музейшунослик (музеология) – билим соҳаси, музейлар вужудга келиши ва ишлаши қонуниятини, уларнинг ижтимоий вазифаси, музей муассасаси фаолиятининг шакли ва йўналишларини ўрганади. Музейлар тарихи, музеография, музей ишлари назарияси, музей ишлари методлари. Музейшуносликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Музей аудиторияси – музейга ташриф буюрувчи одамлар (туристлар) муштараклиги. Музей аудиторияси турли типлари социал демографик асосга

(ижтимоий гуруҳ, ёш, жинс, касб, маълумот даражаси, яшаш жойи ва бошқ.), социал-психологик (тартиб қоида, нормалар, кадриятлар ва бошқ.), шунингдек, психологик характеристика асосига (хиссий соҳалар хусусиятлари, мотивлар, эътибор, фикрлаш ва бошқ.) бўлинади.

Музей заповедник – музей типи, тарихий, маданий, этнографик ёки архитектура ёдгорликлари жойлашган территория: тарихий-архитектура (Новгород тарих-архитектура музейи), тарихий-бадий (Сергиево – Пасад музейи), тарихий-маданий (Москва Кремль музейи), ҳарбий тарихий (Бородино ҳарбий-тарихий музейи), шунингдек, (Владимир, Суздаль тарихий-бадий, архитектура музейлари). Музей заповедникларда очик осмон остидаги қадимги ёғочдан узоқ турмайдиган тарихий-маданий, архитектура обидалари қурилишлари алоҳида ўрин эгаллайди. Карелия Республикаси Онега кўлидаги «**Киж**и», Новгород Великийдаги «**Витословлицы**», Архангельск области «**Малые Карелы**» қабилар шулар жумласидандир. Барча музей заповедниклар оммавий ички ва кириш туризм объектлари ҳисобланади.

Музейлар классификацияси – маълум белгиларига қараб, музейларнинг ҳар хил гуруҳларга бўлиниши. Соҳаси бўйича музейларнинг ҳар хил гуруҳларга бўлиниши. Соҳаси бўйича (яъни музейларни конкрет фан, техника ёки санъат тури ва бошқ. билан боғлиқлиги бўйича). Музейлар табиий-илмий, тарихий, бадий ва бошқ. бўлинади. Бу музейлар экспонатлар тўпланиши, уларнинг мазмуни, йўналиши, ўрганилиши ва фондларидан фойдаланишига қараб фарқланади. Музейлар ҳуқуқий ҳолатига қараб давлат, жамоатчилик, хусусийларга ҳам бўлинади. Музей экспонатлари умуммиллий, республика, маҳаллий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Музей кўргазмаси – музей экспозицияси. Унча узоқ бўлмаган вақт учун ташкил қилинади. музей кўргазмаси ташриф буюрувчиларга музей коллекциясида сақланаётган тарихий ёдгорликлар, табиат, маданиятни ва бошқа чет эл музейлари, хусусий коллекциялардан намуналарни намойиш қилади.

Музей нашрлари ахбороти – саҳифалари реклама ёки справочник характеридаги ахборотлардан иборат. Музей нашрлари ахбороти асосий типлари кўргазма каталоги (Экспозиция), музей коллекцияси каталоги, кўргазма проспекти, музейлар бўйича йўл кўрсаткичлар, ахборот хатлар, библиографик кўрсаткичлар, шарҳлар ва реферат тўпламлар ҳисобланади. Музей реклама нашри туроператорлар фаолиятида кенг фойдаланилади, янги туристик экскурсия сафарлари ва маршрутларини касбий қуришда ёрдам беради.

Музей-сарой – музей муассасаси, сарой ёки сарой-ҳиёбон ансамблида барпо этилган. Музей-сарой ичкарасида ансамбли экспозициялар, тегишли тарихий ҳужжатлар асосида экспонатлар, тарихий-маданий ашёлар жойлаштирилади. Унда шунингдек, бадиий-тарихий характердаги системали ва доимий экспозициялар ҳам ўрин олиши мумкин (Пушкин М.С. Навоий М.С. Тарих М.С. ва бошқ.).

Музей сувенири – музейга ташриф буюргани ҳақида эсдалик учун сотиб олинadиган буюм ёки босма нашр (значоклар, медаллар, алоҳида буюмларни қайта ишланган нусхалари, открыткалар тўплами, СД дисклар, сувенир билетлар ва ҳ.к.).

Музей туризми – туризм дастури (программаси) ҳилма-ҳиллиги, унинг территориясига туташ музейлар потенцилидан фойдаланиш хусусиятларидан иборат. Музейлар ва туризм тарихий-маданий, табиий территория шаклланиш системаси асосида ҳамкорликка асосланган. Ушбу территорияни ривожлантириш алоҳида регионлар туристик тараққиёти ва социал-маданий омилларни ҳисобга олган ҳолда тарихий-маданий меросни музей сифатида сақлашга имкон беради.

Музей туризми ташкилотлари олдидан бир қатор ўзига хос вазифалар турибди: музейларни туристик ихтисослаштиришни белгилаш ва музейга доимий туристик оқимни таъминлаш, туристик программа ва маршрут тузиш, реклама маҳсулотлари пакетини шакллантириш, молиялаштириш янги манбаларини қидириб топиш ва ҳ.к.лар.

Музей экскурсияси – экскурсовод раҳбарлиги остида гуруҳ бўлиб музей экспонатларини мақсадли кўздан кечириш. Музей ходими томонидан ташриф буюрувчиларни билиш ва эстетик талабларини қондириш мақсадида ўтказилади. Музей экскурсияси турлари бўйича фарқланади (тарихий, археологик, адабий, театрли ва бошқа); мавзу характери бўйича (шарҳли, мавзуйи, махсус); ташриф буюрувчилар таркиби бўйича (ёшга, маълумотига, касбга ва бошқа қараб); мақсадга қараб (умум таълим, ўқув ва бошқа); ўтказилиш жойи бўйича (экспозиция, фонд омбори ва бошқа).

Музей экспонати – буюм, музейда томоша учун қўйилган. Музей коммуникациялари асосини ва экспозициялар таркибий бирлигини ташкил қилувчи элементар структура ҳисобланади.

Музейлар (юнон. *museion* – музаларга бағишланган жой) – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш ишларини бажарувчи илмий, илмий-маърифий муассасалари. Музейлар илмий-ташвиқот ва тарбиявий фаолиятининг асосий шакллари – экспозиция, кўргазма (виставка)лардир.

Музейлар ижтимоий вазифасига кўра, илмий тадқиқот-маърифат (музейларнинг кўпчилигини ташкил этади: баъзи ҳолларда оммавий музейлар дейилади), тадқиқот (илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ўзига хос лаборатория вазифасини ўтайди) ва ўқув музейларига, йўналиши ва коллекцияларига қараб, тармоқ, ўлкашунослик (комплекс) ва мемориал музейларга бўлинади.

Тармоқ музейлари ишлаб чиқариш, фан, санъатнинг бирор тармоғига тегишли бўлади (масалан, тарихий музейлари, зоология музейлари). Ўлкашунослик музейлари муайян маъмурий территориянинг тарихи, табиати, ҳўжалиги, санъати, этнографияси ва бошқа соҳаларини комплекс акс эттиради. Мемориал музейлар муҳим тарихий воқеалар, атоқли арбобларга бағишланади.

Музейлар дастлаб қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўлган. Бу мамлакатларда айрим санъат ёдгорликлари ибодатхоналарда тўпланиб, турли

кўргазмалар ташкил этилган. Кейинчалик эллинизм даврида музейлар коллекциялари вужудга келди. Санъат, маданият ва фан эришган ютуқларнинг намуналаридан иборат коллекциялар тўплаш Уйғониш даврида Италияда, сўнг Англия, Франция, Германия ва бошқа мамлакатларда расм бўлди. Лондондаги Британия музейи (1753), Париждаги Лавр музейи, Ғарбий Европадаги илк оммавий музейлардан Жаҳондаги йиррик музейлар, асосан, 19 асрда пайдо бўлди. Мадриддаги Прадо музейи, Москвадаги Тарих музейи (1873), Ленинграддаги Эрмитаж (1852), Тошкентдаги Ойбек номи Ўзбекистон халқлари атрихи музейи (1876) шулар жумласидандир.

Улуғ Октябрь революциясига қадар Туркистонда фақат 3 та музей – Тошкент ўлкашунослик музейи (Ҳозирги Ойбек номи Ўзбекистон халқлар тарихи музейи), Самарқанд халқ музейи (Акмал Икромов номи Ўзбекистон Маданият ва санъат тарихи музейи), Фарғона Халқ музейи (Фарғона область Ўлкашунослик музейи) бор эди. Уларнинг коллекциялари кам, экспозицияларининг кўпи тасодифий материаллардан ташкил топган.

Октябрь инқилобидан сўнг музейлар халқ бойлигига айланди. Собиқ Совет ҳукуматининг декрет ва қарорлари асосида йирик музейлар ва маданият ёдгорликлари давлат ихтиёрига ўтказилиб, муҳофаза қилина бошланди. 1917 йил ноябрда Бутун Россия Музей ишлари ва ёдгорликларини муҳофаза қилиш коллегцияси, 1918 йил май ойида музейлар бўлими ташкил этилди. Ҳукумат Россиянинг чека ўлкаларида ҳам музей ишларини ривожлантиришга аҳамият берди. Жумладан, Туркистонда мавжуд музейларга раҳбарлик қилиш ва уларнинг ишларини яхшилаш мақсадида Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида Музей ишлари ва ёдгорликларини муҳофаза қилиш комитетлари тузилди. Ўрта Осиё бўйлаб илмий экспедициялар уюштирилиб, музейлар учун материаллар тўплаш ишлари йўлга қўйилди, кўплаб музейлар ташкил этилди.

Музейларнинг асосий қисми маданият вазирликлари, айримлари илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари қарамоғида, музейлар фаолиятининг назарий масалалари ва илмий методикаси асослари республикалар маданият

министрликлари ҳузуридаги методик марказ томонидан ишлаб чиқилади. 1972 йили собиқ СССРда 1190 давлат музейи (жумладан, 511 ўлкашунослик, 242 мемориал музейи), минглаб халқ музейлари, жумладан Ўзбекистонда (1975) 34 давлат музейи, 60 дан ортиқ халқ музейлари ишлади. Ўзбекистондаги йирик Масалан: Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи, Ўзбекистон Санъат музейи, Ўзбекистон Амалий санъат музейи, Ўзбекистон Табиат музейи, Самарқанддаги А.Икромов номли Ўзбекистон Маданият ва санъат тарихи музейи, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейи ва бошқ. Республиканинг деярли барча области марказларида ва айрим шаҳарларида ўлкашунослик музейлар бор.

Музейлар катта тадқиқот ва тарбиявий ишларни олиб боради:коллекцияларни ўрганади, монография, каталог, йўл кўрсаткичлар ва ш .к. нашр этади, экспозиция ва кўргазмалари орқали фан ютуқлари, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги тажрибаларни ташвиқ қилади ва ҳ.к. Музейлар маданият уйлари ва саройларида ва бошқа жойларда доимий ва кўчма кўргазмалар ташкил этади. Экскурсиялар музейларга кишиларни жалб этишнинг муҳим формаларидан биридир. Бир йилда музейларни ўрта ҳисобда 3 млн.га яқин киши кўради. Ҳозирги кунда жаҳонда 12 мингдан ортиқ музейлар бор. Жаҳондаги музейлар халқаро ташкилотларга бирлашган. ЮНЕСКО таркибида Халқаро музейлар кенгаши мавжуд. Унга миллий музейлар комитетлари, жумладан Ўзбекистон комитети ҳам киради.

II бoб. ЭТНОГРАФИК ТУРИЗМ РЕСУРСЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

2.1. Миллий урф-одатлар, маросимлар ва қадриятлар

Тарихан таркиб топган миллий анъана, расм-русм, таомил, маросимларнинг вужудга келиши ва ривожланишига бир қанча омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Айниқса, миллий маросимлар ва урф-одатлар тараққиётида моддий ва маънавий маданият, табиий муҳит, хўжалик муносабатлари таъсири беқиёс бўлиб, вақт ўтган сари улар тобора мустаҳкамланиб авлодларга мерос бўлиб ўтиб келган ва шу тариқа уларнинг барқарорлигини таъминлаган.

Жамият тараққиёти туфайли миллий маросимлар ва урф-одатлар ҳам ўзгариб, уларнинг айримлари амалиётдан чиқиб унутилган. Турмушга, замонга қараб янги-янги урф-одатлар ва маросимлар кириб, такомиллашиб борган. Халқчил урф-одатлар ва маросимлар замонлар оша давр синовларига бардош бериб яшаб келмоқда. Қолаверса, асрлар давомида бир маконда аралаш яшаб келган халқларнинг анъаналар ва урф-одатларида ўхшашликлар кўп. Турли тарихий даврларда Ўзбекистоннинг туб ерли турғун аҳолисига келиб қўшилган қабил ва элатлар ўтроқлашиб, ўзбекларнинг удумларини қабул қилганлар ва айна вақтда унга ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Ўзбекларнинг Мовороуннаҳр ва Хоразм ҳамда уларга туташ бўлган минтақаларида ўтроқ деҳқончилик ва хунармандчилик маданияти соҳиби бўлган туб жой маҳаллий халқ эканлигига халқимизнинг она табиатга, ерга, сувга, ҳавога, оловга бўлган чексиз ҳурмати ва уларни эъзозлаш билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлари, анъанавий деҳқончилик ва хунармандчилик удумлари мисол бўлади. Шунингдек, халқимизнинг қадимий миллий қадриятлари бугунги кунда ўзига хос тарзда ривожланаётган шаҳарсозлик ва меъморлик анъаналари, бой фольклор намуналари, ёзма мерос, адабиёт, санъатга бўлган қизиқишларда, Наврўз, Меҳржон байрамлари, гул сайллари, Ҳосил байрамлари ҳамда никоҳ, суннат

тўйлари маросимлари билан боғлиқ удумлар, расм-русмлар акс этиб келмоқда. Бу байрам ва маросимларда ўзбек халқининг мардлик, лафзи ҳалоллик, бағрикенглик, саховатпешалик, ҳожатбарорлик каби ҳислатлари ёрқин ўз ифодасини топган. Бу, айниқса, ўзбекларнинг тўй-тантаналар учун йиллар мобайнида йиғиб-териб элга тарқатишдан завқ-шавқ олишида, аза ва йўқлов маросимларини уюшган ҳолда ўтказишда, бола туғилишидан тортиб то мотам маросимларигача бўлган барча маросим ва урф-одатларда кенг жамоатчилик ва маҳалла аҳлининг доимо бош-қош бўлиши каби удумларда намоён бўлади. Миллий менталитетда, шунингдек, қадимий аجدодларга ҳос чиллик, чавгон, кўпқари, кураш каби миллий ўйинлар, «кулоқ тишлар», «бешик керти», «қалин», «тўққиз» каби расм-русм ва удумлари ҳам акс этган.

Ўтмишда Ўзбекистонда барча ҳаётий масалалар билан шаҳарда маҳалла, қишлоқда эса қишлоқ ва овул жамоалари шуғулланган. Маҳалла ва қишлоқ жамоасини жамоа йиғинида сайланган оқсоққол (Хоразмда – кадхудо) бошқарган. Ижтимоий ҳаёт масжид, чойхона ва бозорларда мужассамлашган, уларда асосан, эркаклар иштирок этган. Кишининг эътиқоди, миллати ва ижтимоий мавқеи эмас, балки, муайян жамоа ҳудудида яшашининг ўзи унинг ўша жамоага мансублигининг ягона белгиси ҳисобланган.

Жамоадаги кишилар, касб-ҳунари ва мавқеидан қатъи назар, жамоа ишлари (ҳашар) ва маросимларга қатнашишлари зарур бўлган, акс ҳолда бундай шахс халқ назаридан четда қолган. Ўзбек халқи оила куриш анъаналарига риоя қилишда, қиз узатиш ва куёв танлашда ҳам қуда бўлмиш томон хусусида маълумотга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқишини, жамоада тутган ўрнини ва обрў-эътиборини ҳисобга олади. Агар куёв ёки келин бўлмиш томоннинг ақли, одоби, ҳусни-малоҳати бир ҳисса бўлса, уларнинг қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтаган. Фарзандларини яхшига қўшиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчиликнинг кенгашли фикри муҳим

роль ўйнайди. Шу боис ҳам, жамоатчилик фикрининг шахс турмуш-тарзи, тақдирини белгилашдаги устуворлик мавқеи бекиёсдир. Шу боис халқ орасида «Ғарб қонунлари, Шарқ урф-одатлари билан бошқарилади», деган нақл кенг тарқалган. Дарҳақиқат Шарқда, шу жумладан, ўзбекларнинг турмуш тарзида ҳам кўплаб урф-одатлар қонун даражасида юқори туради.

Ўзбеклар орасида кенг тарқалган жамоатчилик анъаналари чуқур тарихий илдизларга эга. Бу тартиботнинг ибтидоси минтақа халқларининг энг қадимий ёзма манбаи ҳисобланган «Авесто» китобида баён этилган. Ёзма ва архиологик манбаларда минтақанинг қадимий шаҳарлари аҳолиси орасида жамоалар фаолият кўрсатганлиги, фақат турмушдагина эмас, балки ишлаб чиқаришда ҳам жамоа асослари мавжудлиги қайд этилган. Ўрта асрларда жамоа фақат жамоавий асослардагина эмас суғориш тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш, бинобарин, деҳқончилик билан шуғулланиш мумкин бўлган қишлоқ аҳолиси учун ҳам, шунингдек, шаҳар аҳолиси учун ҳам ўзининг илгариги аҳамиятини сақлаб қолган ва барча удумлар, маросимлар қишлоқ ва шаҳарда маҳалла жамоаларининг ташаббуси билан ўтказилган.

Ўзбек халқида **меҳмондорчилик** одати ҳам кенг тарқалган удумлардан. Инсоният тарихининг дастлабки босқичларидан шаклланган меҳмондорчилик одати ҳаётий заруратлар билан боғлиқ бўлган ва тарихнинг турли босқичларидан ўтиб ҳозирга қадар етиб келган. Маълум сабаблар билан тарқалиб кетган уруғ-аймоқлар бир-бирларини ахтариб топгач, улар улуғ меҳмон тарзида иззат-икром билан кутиб олинган. Бора-бора меҳмондорчилик халқларнинг удумига айланган; меҳмонга нафақат уруғдошлар ва қариндошлар, ҳатто бегона кишилар, мусофир йўловчилар ҳам қабул қилинган. Маҳалла ва қишлоқ жамоалари хонадонларида меҳмонни кутиш учун махсус хоналар – **меҳмонхона** қурилган. Одат бўйича меҳмон меҳмонхонада қабул қилинган. Меҳмонхонаси бўлмаган хонадон уни яшаб турган уйида кутган.

Хонадонга келган меҳмонни, қавм-қаридошни катталар билан болалар ҳам биргаликда чиқиб кутиб олганлар. Меҳмон, одатда, меҳмонхона ёки

уйнинг тўрига ўтказилади. Тўкин дастурхон ёзилиб, нон ва чой келтирилади. Кейинроқ таом пиширилиб (кўпинча палов, норин, қовурдоқ, шўрва) тортилади. Агар меҳмон от ёки от-арава миниб келган бўлса от-уловини бола (ўспирин) ёки махсус отбоқар отхонага киритиб, беда-пичан берган. Меҳмон кетар вақтда унинг оти ёки от-араваси йўлга ҳозирланган ва отга минишига ёрдам берилган; болалар меҳмон билан катталар қаторида хайрлашганлар. Мезбон иложи борича меҳмонга саховат кўрсатиши шарт бўлган. Меҳмон имкон даражасида кутиб олинмаса, хонадон соҳиби жамоа назаридан қолган.

Ўзбекистон меҳмондорчилик таомилидан яна бири – меҳмон кимнинг хонадонига келишидан қатъий назар, уни зудлик билан бориб кўришишга ошиққанлар. Чунки, меҳмон, айни вақтда, қишлоқ ёки маҳалла жамоасининг ҳам меҳмони ҳисобланган. Меҳмонни навбати билан бошқа хонадон соҳиблари ҳам ўз уйларига таклиф қилиш одат бўлган. Улуғ меҳмон оёғи тагига поёндоз тўшаб, баъзан қўй сўйиб уни кутиб олган. Зиёфатга кўшнилар, маҳалладошлар ёки қишлоқ оқсоқоллари, ҳурматли кишилар таклиф этилган. Меҳмонни кузатиш олдидан сарпо кийдириш одати ҳам бўлган. Ўзбек халқининг меҳмондорчилик таомиллари аجدодлардан авлодларга ўтиб, ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Катталарни ҳурмат қилиш ўзбек хонадонига умуминсоний қадриятлардан бўлиб, болага жуда ёшлигидан бошлаб ўргатилган. Ёши катта кишининг ишига ёрдамлашиш одат ва одоб ҳисобланган. Жамоа етакчисининг ёки оила бошлиғининг қарори оила ва жамоа манфаатларига мос келганлиги учун уни бажариш шарт ҳисобланган. Қариялар айни вақтда ўтмишдан мерос бўлиб келаётган ва кундалик ҳаёт учун зарур билимларни, хусусан, ўтмишдан мерос бўлиб қолган таомил (урф-одат)ларни ёшларга ўргатганлар. Болалар нафақат ота-онасининг, балки қишлоқ ёки маҳалла жамоаси катталарининг ҳам диққат эътиборида бўлган. Ёшлар айнан жамоада миллий мерос ва урф-одатларни ўрганиб боради.

Ўзбек халқининг ҳаётида мавжуд бўлган тартиб ва қоидалар халқ анъаналарида ҳамда ислом дини ва шариат қоидалари асосида юзага келган,

албатта. Одоб қоидаларига риоя қилиш оиладан бошланган. Ёз пайтларида, айниқса, барвақт турилган. Болалар бет-қўлларини ювиб катталарга салом берган. Катталар, айниқса, меҳмонлар қўлига сув қуйиб, сочиқ тутиш одати ёшликдан, болаликдан ўргатилган.

Дастурхон оиланинг кўрки, тўкинлик рамзи ҳисобланган. Унинг атрофида йиғилиб ўтириш ҳам маълум одоб доирасида бўлган. Дастурхонга ҳурмат бажо келтириш одатга айланган. Дастурхон «Бисмиллоҳ» билан очилиб, Яратганга шукрона айтилиб, ўтганлар ҳаққига дуои фотиҳа қилиб, тирикларга сиҳат-саломатлик, дастурхонга кут-барака, элу-юртга тинчлик ва фаравонлик тилаб йиғиштирилган.

Асосий ҳўжалик машғулоти деҳқончилик бўлган ўзбек халқида **нон азалдан эъзозланиб** келинган. Унга илоҳий неъмат даражасида қаратилган. Нонга ҳурмат билан муносабатда бўлиш болаларга жуда ёшликдан ўргатилган. Ўз навбатида, нон билан боғлиқ бир қанча урф-одатлар шаклланган. Жумладан, нон ҳеч қачон оёқ остига ташланмаган. Нон ушогини босиш оғир гуноҳ ҳисобланган. Нон ўзига хос риск-насиба рамзи бўлганлиги учун ҳам узоқ сафарга ёки ҳарбий хизматга кетаётганларни нон тишлатиб кузатиш удуми бўлган. Бундан ташқари келинни куёвникига кузатишда бошига нон қўйиш одати бўлган. Ўзбеклар орасида қадимий одатга кўра, ғалла сомонини ҳеч қачон ўчоққа ва тандирга ёқишмаган. Чунки донни-нонни ёқиш оғир гуноҳ дейилади. Қолаверса, халқ орасида нон бор жойга турли инс-жинслар ва ёвуз кучлар яқинлашмайди, деган тасаввур бўлганлиги боис ёмон кўздан, ёвуз кучлардан асровчи восита сифатида, янги туғилган чақалоқнинг ёки хатна қилинган боланинг ёстиғи остига бошқа қатор магик хусусиятга эга буюмлар билан бирга нон қўйилган. Хоразмда нон бўлаклари тумор қилиб тақилган.

Сувни қадрлаш одати ҳам ўзбек халқи турмушида чуқур илдиз отган. Катталар фарзандларига сувни булғамаслик, ифлос қилмаслик, туфламаслик ва шу кабиларни уқтириб борганлар.

Ёшларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашда **жамоанинг ўрни** ҳам катта бўлган. Жамоанинг ҳар бир аъзоси меҳмондорчилик, марака ва бошқа жамоат жойларида ёши ва мавқеига қараб жой эгаллаган. Катталар ва ҳурматли кишилар олдинда борган ва давра тўрига таклиф қилинган.

Ўзбек халқи ҳаётидаги маросимлар, асосан, 2 катта туркумга – **мавсумий** ва **оилавий турмуш** маросимларига бўлинади. Ўз навбатида бу маросимлар ҳам майда гуруҳларга бўлинади. Чунончи мавсумий маросимларга қишки маросимлар (гап-гаштаклар, биринчи қор ёққанда «қор хат» ёзиш), баҳорги маросимлар (шоҳ мойлар, қўш чиқариш, лой тутиш, Наврўз байрами, сумалак сайли, гул сайллари, лола сайли, сунбула сайли, «суст хотин»), ёзги маросимлар («чой момо», сув сайли, тут сайли, қум сайли) ва кузги маросимлар («обло барака», Меҳржон, Ҳосил байрами, қовун сайли, узум сайли, анор ва анжир сайли) киради. Иккинчи туркумга қирувчи оилавий-турмуш маросимлари ҳам бир неча гуруҳга бўлинади. Буларга бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимлар, никоҳ ҳамда мотам маросимлари киради. Шунингдек, ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзида ислом дини билан боғлиқ рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр), Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳо) байрамлари, мавлуд, ашуро, лайлат-ул қадр кечасини кутиш билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган маросимлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир маросим ва урф-одат ўз тарихига эга, у халқ ижодий меҳнати ва ҳаёт шароити билан чамбарчас боғлиқ. Инсон дини қарор топиши билан айниқса оилавий турмушга оид урф-одатлар ўзгарди ва янги динга мослаштирилди. Лекин исломдан аввалги баъзи урфлар ҳануз сақланиб қолмоқда. Масалан, оловни муқаддас билиш, азайимхонлик, фолбинлик ва ҳ.к. Кейинги вақтларда вужудга келган маросимлар ҳам мавжуд. Шўролар ҳукумронлиги даврида амалдаги мафкурага мувофиқ бир қанча маросимлар, жумладан, комсомол тўйи, қизил тўй, Октябрь (7 ноябрь) байрами, Совет армияси куни, Совет конституцияси куни, қўшиқ байрами, пахта байрам ива бошқалар жорий этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу байрамларнинг кўпчилигидан воз кечилди, лекин жорий тақвим билан боғлиқ

умумбашарий байрамлардан 1 январь – Янги йил, 8 март – Хотин-қизлар куни, 9-май – Хотира ва қадрлаш куни тарзида сақлаб қолинди. Айни вақтда мустақил Ўзбекистон республикасида янги халқ байрамлари таъсис этилди: 1 сентябрь – Мустақиллик куни, 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, 8 декабрь – Республика Конституцияси қабул қилинган кун, шунингдек, Рўза ва Қурбон ҳайитлари куни, Наврўз байрами.

Ўзбеклар баҳор фаслида яна бир канча бошқа сайиллар (бойчечак, гунафша, гулбарги, кизил гул, лола ва сунбула сайллари) ҳам ўтказганлар.

Ҳашар. Қадимдан анъана бўлиб келган ҳашарнинг бир неча тури мавжуд: жамоа ишларини бажаришда, кўни-кўшничилик ва қавм қариндошлик доирасида ўтказиладиган ҳашар ва бошқалар. Кейинги йилларда баҳорда «Наврўз» байрами арафасида ўтказиладиган ҳашарда жамоат жойларини тозалаш, янги кўчатлар экиш ва дарахтларни қирқиб шакл бериб оқлаш каби юмушларни оммавий равишда бажариш анъанага айланган. Жамоа ишлари бажариладиган ҳашар Ўзбекистоннинг барча қишлоқ ва шаҳарларида кенг қўлланган. Жамоа ҳашари билан кўприк қуриш ва таъмирлаш, ариқ-зовурлар қозиш, уларни тозалаб туриш, масжид қуриш ва таъмирлаш, мазорларни тозалаш ва бошқа ишлар бажарилган. Катта ҳашарлар тантаналари бошланиб, тугалланиши ҳам кўтаринки руҳда яқунланган. Умумхалқ ҳашар удуми ўтган асрнинг 30-40 йилларида Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Шимолий Тошкент каналларини, Бекобод ГЭС, Каттақўрғон сув омбори, Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасидаги кўлни (ҳозирги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида жойлашган кўл) бунёд этишда намоён бўлди.

Лола сайли ўзбек халқининг қадимий удумларидан бири бўлган. Хоразм, Бухоро ва Бойсунда «Қизил гул (гули сурх) сайли», Қўқон, Исфара ва Тошкент атрофларида «Лола сайли», баъзи тоғли туманларда, жумладан, Чустда «Сумбула сайли», яна бошқа жойларда «Бойчечак сайли» каби байрамлар уюштирилган. Лола сайли Наврўз байрамидан кейин (апрел

ойининг охири – майнинг бошларида) лола ва лолақизгалдоқлар очилган вақтларда ўтказилган.

Бойчечакнинг очилиши деҳқонларга баҳорги юмушларнинг бошланганлигини, табиатнинг уйғонганлигини билдирган. Лола байрамлари ва бойчечак сайли айниқса, Фарғона водийсида кенг нишонланган. Болалар «Бойчечак» кўшигини айтиб, уйма-уй кириб, баҳор даракчисининг пайдо бўлганлиги ҳақида суюнчи олишган. Улар бойчечакни аввалига кексаларга беришга интилишган. Чунки бу гул улар учун қадрли бўлиб, қишда омон-эсон чиқилганлигидан, яна баҳор келганидан, янги ҳаёт бошланганидан дарак берган. Шунинг учун ҳам кексалар бойчечакни кўзга суртиб, «Омонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик», деб яхши ниятлар қилишган.

Байрамни халқ томонидан сайланган «Лолачилар» бошқарганлар. «Лолачилар» ўз дўстлари билан лола сайлининг қачон ва қасрда ўтказилишини аниқлаб, халққа хабар берган. Байрам махсус жойларда (сайлгоҳларда) ташкил этилган. Сайил ўтказилишидан олдин «лолачи» махсус дарахт ёки дарахтнинг чиройли шохидан кесиб олиб, лолалар билан безаган. Кейин уни қишлоқ кўчаларидан олиб ўтган. Буни кўрган одамлар кўчага чиқиб, кўнглига тугиб қўйган ниятларини айтиб, дарахтлар шохига турли мато парчалари, рўмолчалар боғлашган. Сўнг «лолачилар»га эргашиб, ўйин-кулги қилиб, лолазор томон йўл олишган. Белгиланган жойга келишганидан сўнг «Гул дарахти» марказга ўрнатилган ва оқсоқоллар дуоси билан байрам бошланган. Байрамнинг иккинчи куни муқаддас мазор ва қабристонлар зиёрат қилинган. Бунда эркаклар ва аёллар алоҳида-алоҳида зиёратгоҳларга борганлар.

Хоразмдаги **Қизил гул сайли**да ёшлар ўзлари ясаган гулдасталарни қариндош-уруғларига, ёр-биродарларига совға қилганлар. Йигит-қизлар байрам бошидан охиригача ўз дўппиларига қизил гул тақиб қўйган. Байрамнинг биринчи куни йигитлар алоҳида, қизлар алоҳида саф-саф бўлиб тенгқурлари билан бир-бирининг уйларига бориб, ота-оналарини, ёшу

қарияларни байрам билан муборақбод қилганлар, қўшиқ айтиб, рақсга тушганлар. Байрамнинг иккинчи кунда хушманзара жойларда халқ сайиллари ташкил этилган. Сайил давомида «Ёр танлаш» маросими ҳам ўтказилган. Гул сайилларининг асосида, асосан, баҳордаги деҳқончилик юмушларининг бошланиши ётган бўлиб, гулларнинг очилиши деҳқонларга навбатдаги зироатчилик мавсуми бошланганлигини аңлатувчи ўзига хос фенологик тақвим ҳам ҳисобланган. Шу боис Хоразмда «Қизил гул» байрами бошланган куни жўхори, шоли ва бошқа экинлар уруғи экилган. Шунинг учун ҳам байрам тантаналари қанча яхши ўтказилса, баҳорда деҳқончилик ишлари ҳам муваффақиятли бошланиб ҳосил мўл-кўл бўлишига ишонч билдирилган.

Ўзбекларда ерни ҳайдаш, уни экишга тайёрлаш, сув келтириш, замин бағрида етиштирилган ҳосилни йиғиб олиш савоб, деҳқончилик энг шарафли машғулот ҳисобланади. Айниқса, деҳқончилик мавсумининг бошланиши ўзига хос тантана тарзида нишонланиб, республикаимизнинг қатор минтақаларида баҳорги шудгор олдидан «ис чиқариш» маросими ўтказилган. Ҳар бир оилада аёллар бўғирсоқ, чўзма пиширишган. Қозонда ёғ яхши қизитилиб, сўнгра унга ҳамир ташланган. Гўёки, марҳумлар шу ёғ ҳидидан руҳлари шод бўлиб, қариндош-уруғларга омад тилашади. Ерни ҳайдашдан олдин ҳўкизларнинг шохлари ва бўйинтуруғини ёғ билан мойлаганлар. Ҳўкизларни ёмон кўздан асрасин, деб тўморлар тақилган. Дастлабки эгат олиш ёки уруғ сепишни оила ёки қишлоқдаги ҳурматли кексалар бошлаб ебришган.

Наврўз. Шамсия (Қуёш) йил ҳисобида йилнинг 1-куни бўлиб Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари халқларининг қадимий анъанавий байрами ҳисобланади. Наврўз баҳорги тенг кунликка (21 ёки 22 март), яъни Қуёшнинг ҳамал буржига киришига тўғри келади. Наврўз деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади. Наврўз байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги ундан кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилган, баъзи экинларни экиш бошланган.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар мустақилликка эришгач, бошқа қадриятлар қаторида Наврўз байрами ҳам қайта тикланди. Ҳозир Ўзбекистонда Наврўз умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонланади. 21 март куни дам олиш куни деб эълон қилинган. Ҳар йили шу куни республикаимизнинг барча вилоятларидаги хиёбон ва майдонларда байрам сайиллари ташкил қилинади, концертлар берилади. Бир неча кун мобайнида маҳаллаларда Наврўзга бағишланган тадбирлар ўтказилади, сумалак, ҳалим ва бошқа тансиқ таомлар пиширилади. Наврўз кунлари ҳокимликлар, маҳаллаларнинг фаоллари, хайр-эҳсон ташкилотлари – меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳузурига ташриф буюриб, уларни қутлаб, совға-саломлар улашади.

Баҳор фаслидаги байрам ва сайиллардан ташқари куз мавсумидаги тўкин-сочинлик билан боғлиқ байрам ва сайиллар ҳам мавжуд. Шулардан бири **Ҳосил байрами**. Бу байрам ҳам ўзбек халқининг қадимий тантаналаридан бири ҳисобланади. Олдинлари байрам кузда барча экинлар ҳосили, мевалар йиғиб-териб олинганидан кейин қишлоқларда, шаҳарларга яқин ерларда ўтказилган. Мустақилликдан кейин шаҳарларда ҳам ўтказиш оммавий расм бўлди. Байрам кунлари (2-3 кун) деҳқонлар етиштирган маҳсулотларини сайил жойларига олиб келиб сотишган. Байрам сайилгоҳига шаҳар ҳунарманд-қосиблари ҳам ўз маҳсулотларини олиб чиқиб сотган. Сайилгоҳларда ҳар ким ўзига керакли нарсаларни харид қилиш имкониятига эга бўлган. Сайил кунлари пойга, кўпкари ва бошқа мусобақа ўйинлари уюштирилган. Баъзи қишлоқларда қўчқор, така, хўроз, туя уриштириш одати бўлган. Жамоаларда шу кунлари мол сўйилиб, элга худойи ҳам қилинган. Ҳосил байрами ва у билан боғлиқ маросимлар бирмунча ўзгаришлар билан ҳозирга қадар етиб келган. Ҳар йили дала ва боғларда етиштирилган ҳосил йиғиб олингандан кейин қишлоқ жамоалари маълум кунларни ҳосил байрами деб эълон қилади. Бу кунлар етиштирилган маҳсулотлар белгиланган жойларга (ярмаркаларга) келтирилиб сотилади.

Мусулмонлар, жумладан, ўзбек халқи ҳаётида рўза ва қурбон ҳайитлари ва улар билан боғлиқ удумларни бажо келтириш муҳим ўрин олган.

Ҳайит байрами маросимларига жиддий тайёргарлик кўрилган. Арафа кунлари қабристонларга бориб яқинлар мазорларини зиёрат қилиш одатга айланган. Ховли ва кўчалар тозаланади. Пишириқлар, тансиқ таомлар тайёрланади. Ҳайит куни тонг ёришиши билан катта-ю кичик кийимларини кийиб масжид ва намозгоҳларга бориб ҳайит намозини жамоа бўлиб ўқийдилар. Сўнгра яқин таъзияли хонадонларга бориб фотиҳа ўқиб қайтадилар. Ҳайитнинг биринчи куни шаҳар ва қишлоқларда сайил бўлган. Савдо ташкил этилган. Ҳайит кунлари (одатда 3 кун) оилада катта-кичик бир-бирларини табриклайдилар, сиҳат-саломатлик, бахт тилайдилар, қавм-қариндош, қўни-қўшнилари ҳам табриклайдилар, бемор ва ногиронларни бориб кўрадилар, тўкин дастурхон ёзиб, таом пишириб меҳмон кутадилар.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятининг айрим ерларида «келин кўриш» ёки «келин салом» деб номланган маросим ўтказилади. Никоҳ тўйидан кейин ёш келинлар ҳайит кунлари дастурхон безатиб, меҳмон кутишади. Маросимни ўтказишдан бир кун аввал келиннинг ота-онаси қизи келин бўлиб тушган хонадонга йўқлов юборади. Бу билан улар қудаларини, куёв ва қизларини муборак айём билан қутлашади. Ўз навбатида, куёв хонадонидоғилар ҳам ўзлари пиширган ширинликлардан бериб юборишади.

Ўзбек халқи тарихида жуда кўплаб тўйлар борки, ҳамон уларнинг қандай келиб чиққани, қачон бизнинг удумларимиз орасига киргани, уларнинг нима сабабдан турлича ўтказилиши ҳақида ўйлаб кўрилган эмас. Ана шундай тўйлар қаторига: «Туғиш тўйи», «Бешик тўйи», «Тиш тўйи», «Оёқ тўйи», «Суннат тўйи», «Мўйлов тўйи», «Никоҳ тўйи», «Кумуш тўй», «Олтин тўй», «Ховли тўйи», «Уй тўйи» сингари тўйларни киритиш мумкин.

Туғиш тўйи. Ушбу тўй маросими республикамизнинг бир қатор жойларида қайд этилган, лекин энг жозибали ўтказилган тўйлар Хоразм вилоятининг қатор қишлоқларида кузатилган. Хусусан, юқорида айтиб

ўтганимиздек, ушбу тўй учун асосий баҳона оилада фарзанд туғилган куннинг биринчи дақиқаларида, қариндош-уруғлар, яқин-кишилар, қўни-қўшниларнинг тўпланиши, уларнинг «туғулук» бўлган жойга келишлари ва муборакбод қилишлари билан бошланади. Янги фарзанд кўрган ота келган меҳмонларни хурсандчилик билан кутиб олади ва уларнинг «туғулук» табрикларини қабул қилади. Бу эса оилада тўйнинг бошланиб кетишига бош омил бўлади.

Бешик тўйи. Ўзбекистонда кенг тарқалган қадимий одатлардан. Тўнғич фарзанд туғилганда тўққиз-ўн биринчи кунлари ёки келин-куёвнинг ота-оналарининг ўзаро бирлашувлари билан белгиланган кунда, асосан, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар иштирокида ўтказиладиган тантанали маросимдир.

Бешик чақалоқнинг қариндошлари – бобоси, бувиси, тоға ва холалари томонидан қилинган. Халқимизда болани бешикка белашда қариндош-уруғлари маҳаллада ҳурматли, эътиборли, ували-жували аёллар қатнашган. Булардан доя момо (энага) ёки ўзининг катта бувиси бўлиши мумкин. Болани бешикка белашда бешик устидан турли сочқилар сочганлар.

Фарғона водийсида анъанага кўра, болани бешикка белашда ёстиғи остига туз, пичоқ, ойна, Сурхондарёда ойна, тароқ, Тошкентда эса ойна, пичоқ, қалампир каби нарсалар қўйилган. Бу нарсаларнинг ўз рамзий маъноси бўлган. Бу риск-насиба бўлиш билан бирга инсоннинг доимий йўлдоши ҳам бўлган. Пичоқ, ойна қўйишда гўдак ҳаёти ойнадек тиник, пичоқдай ўткир бўлсин дегани.

Ҳайит кунлари эрта тонгдан келинчак энг чиройли либосларини кияди, бошига нафис, ҳарир мато ёпиб, хонадон аъзоларига ва келган меҳмонларга бирма-бир салом беради ҳамда дастурхонга тиклиф этади. Бу маросим иштирокчилари, асосан, хотин-қизлар ҳисобланади, яъни келин кўргани, асосан аёллар ва қизлар ташриф буюришади.

Ўзбекистонда ҳам бошқа халқлар сингари инсон ҳаёти ибтидосидан интиҳосигача турли-туман маросимлар билан бурканган. Инсоният

ҳаётининг муҳим бурилиш нуқталари билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган тадбирлар оилавий маросимлар деб юритилади. Оила ва оилавий маросимлар этносга хос маданий ва маиший анъаналар узатувчиси ҳамда давомчиси ҳисобланади.

«Чилла тўйи» – ана шу муносабат билан куёв-келинднинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, яқин кишилари ҳамда қўни-қўшилари тўпланишиб, доямомо (энага) туғдиришда қатнашган бошқа аёллар ҳамкорлигида мазкур санани нишонлаганлар. Буни эса халқда «Чилла тўйи» номи билан юритганлар. Қирқ кунлик оғир ва хавфли, деб саналган палладан чиққанлари шарафига, боланинг ўзини ўнглаб олгани, кўзланмай, ёмон инс-жинсларнинг таъсирига берилмай, ёмон кўзлардан ҳамда суқ, кинна, назар-нафасдан эсон-омон чиққанлиги ота-оналар учун, атрофдагилар учун ҳам севинчли воқеа бўлганлиги учун уни тўй-тантана билан нишонлаганлар. Бу эса оналар қалбида ишонч уйғотган, уларнинг фарзанд доғида куймаслигига катта умид бахш этган. Чунки, онахонларнинг айтишларича, болаларнинг кўпчилиги чилла даврида ҳалок бўлар экан. Шу боис чилла даврини энг хавфли ва болага, онага оғир дамлар, деб санаб келган.

Ақиқа. Ўзбек оилаларида янги туғилган болага исм қўйиш ва «қорин сочи» (боланинг туғилгандаги сочи)га қайчи уриш билан боғлиқ одат. Ислом анъанасига кўра, одатда чақалоқ 7 ёки 14 ёхуд 21 кунлигида ўтказиш тавсия этилган.

«Оёқ тўйи». Бола биринчи марта мустақил қадам қўйиб юра бошлаши бида нота-она, буви-бувалар, қариндош-уруғлар ва яқин кишилар ушбу шодликни турли тарзда тантана қилганлар. Айримлар маҳалла болаларини тўплаб, уларнинг ҳар бирининг қўлига биттадан кулча нон ва унинг устига холвайтар, ширинликлар, қанд-қурс, мева-чевалар ва рўмолча бериб, боланинг устидан танга, ширинликлар сочиб нишонлассалар, бошқалар эса «Оёқ тўйи» деб аталган махсус тўй қилганлар. Хуллас, ҳар ким ўзича нишонлаганлар.

Ўзбек халқида қадимдан сақланиб келаётган яна бир маросим **хатна қилиш** (ўғил тўйи)дир. Халқ ўртасида хатна «суннат тўйи», «чукрон», «қўлини ҳалоллаш (поклаш)» каби номлар билан юритилади.

Бу маросим ҳам узоқ тарихий даврлар билан боғлиқ бўлиб, инсоният тарихининг илк даврларидаги ўғил болаларни бир ёш босқичдан иккинчисига ўтишини махсус маросим тарзида нишонлаш билан боғлиқдир. Бундай одатлар кейинроқ, ислом дини тарқалган мамлакатларда удумга айланган. Мусулмонларда суннат тўйини ўтказишдан мақсад «исломнинг сўннатини бажариш»дир. Бу маросим ўғил болаларда 3,5,10 ёшда, айрим ҳолларда 11-12 ёшгача ўтказилган. Қўни-қўшнилар ҳамда қариндош-уруғлар иштирокида тўй тайёргарлиги билан боғлиқ бир неча удумлар (кўрпа тикиш, тўй сарполарини бичиш ва тикиш), қишлоқ ва маҳалланинг кекса ва ўрта ёшдаги серфарзанд аёлларга топширилган. Тўйгача бўлган даврда тандир қурди (ёки нонвой солди), сўқим сўйди, маслаҳат оши каби маросимлар ўтказилган. Бу маросимлардан кейин тўй олдидан хатми қуръон маросими ўтказилган. Бунга қишлоқ (маҳалла)кексалари, масжид имоми ёки қари ва қариндошлар таклиф этилган. Дастурхон ёзилиб охирида фотиҳа қилинган. Шундан кейин катта тўй тантаналари бошланган. Тўй арафасида тўй болага қавм-қариндошлар ва ҳамқишлоқ (маҳалладош)лар оқсақоллар даврасида сарпо кийдириш маросими ўтказилган. Сўнгра тўй болани муборакбод этиб устига танга, ширинликлар сочилган.

Суннат тўйидаги энг катта маросим элга ош бериш. Ош бериш маросими охирида илгарилари кечқурун ҳовлида катта гулхан ёқиilib, унинг атрофида кураш, тортишмачоқ (арқон тортиш) ва бошқа ўйинлар қилинган. Меҳмонхоналар (аёллар ичкарида) базм, ғазалхонлик ўтказилган, бахшилар дostonлардан парчалар ижро қилган. Тўйнинг эртаси куни баъзан кўпқари ва бошқа мусобақалар уюштирилиб, ғолибларга совринлар берилган. Суннат тўйи якунида тўй бола уста-сартарош томонидан хатна қилинган. Уста томонидан хатна қилиш амали бажариб бўлингандан кейин, бола учун хатна чилласи бошланади. Хатна чилласи даврида бола хонадондан ташқарига

чиқарилмаган, унинг олдида доимо яқинларидан кимдир бўлиши лозим бўлган. Хатна жараёни кўпинча қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар иштирокида тор даврада ўтказилган. Хатна жараёнини эркаклар бажарганлар. Кейинги вақтларда хатна тўйида элга ош бериш ва бошқа айрим одатлар удумдан қолмоқда.

«**Мўйлов тўйи**». Қадим замонлардан буён республикаимизнинг кўпгина вилоят, туманларида, шаҳар маҳаллаларида ва қишлоқларида яшовчи аҳоли ўртасида йигитларнинг балоғатга етган даврида, унинг сабзи бўлиб чиққан мўйловларини биринчи марта олдиришларига ёки мўйлов қўйишларига атаб бағишловлар қилинган экан. Бу маросимни кўпгина жойларда «Мўйлов тўйи», «Мўйлов оши» атамалари билан юритилиб келинган. Ушбу тўй-тантаналарни ҳозирги кекса авлод вакиллари бўлмиш азиз-отахон-онахонларимиз яхши эслайдилар.

Аждодларимизнинг расм-русмлари, дунёқараши, ишонч-эътиқодлари, турмуш тарзи ва ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашлари, асрлар бўйи жамланган ҳаётий тажрибалари ва турмуш кўникмаларини ўзида мўжассамлаштирган энг жозибали маросимлардан бири икки ёшни бирлаштирувчи – **никоҳ тўйи**дир. Бундан мақсад никоҳни жамоатчиликка маълум қилиш ва ота-она, қариндош-уруғлар жомоа билан бирга нишонлашдир. Никоҳ тўйи тизимидаги бир қанча маросимлар мавжуд: совчилик, унаштириш, уй кўрар (қиз кўрар), сеп тахлар, тўққиз бериш (тўққиз товоқ), қиз оши (қизлар мажлиси), келин тушириш, бакон тушиш, юз очди, келин салом, чорлар, куда чақириқ каби маросимлар ва улар билан боғлиқ расм-русмлар. Буларнинг аксарияти ҳозиргача сақланиб, амал қилиниб келинади, баъзилари удумдан қолиб кетди.

XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб, куёвникида никоҳ тўйи тантана кечасини ўтказиш, иштирокчилар томонидан келин ва куёв шаънига самимий истаклар билдириш анъанага айланди. Тўйнинг эртаси куни «бет очар» ёки «юз очар», «келин салом» каби удумлар бажарилган. Ушбу удумлар орқали келиннинг нақадар тарбия кўрганлигига, феъли-атворига, уқувлилигига баҳо

берилган ҳамда ишчанлиги, эпчиллиги, овқат пиширишга нечоғлик тайёр эканлиги синовдан ўтказилган. Бу эса қизларни ёшликдан меҳнатга, рўзгор тутишга, меҳмон кутишга ўргатишни кўзда тутди.

Кейинги ўн йилликлар давомида юртимизга ажойиб бир тантана отад каби сингиб бормоқда. Бу кишиларнинг эркак ва аёлнинг биргаликда турмуш қурганликларини нишонлаш бўлиб, икки сана оила даврасида тўй сифатида кенг нишонланмоқда. Эр билан хотиннинг йигирма беш йиллик турмушлари ҳамда ҳар икки мўътабар кишиларнинг эллик йиллик турмуши тўй сифатида тантана қилинмоқда. Булар ўз номларига, тўй даврасига ва тантаналар мазмунига эгадирлар. Улардан бири **«Кумуш тўй»**дир. Мазкур тўй-тантаналари Европа халқларида анча қадимдан маълум бўлиб, бизнинг жумҳуриятимизга кейинги пайтларда кириб келди. Лекин шу нарсанинг ҳам ўзига яраша тарқалиш тарихи, ўтказиш йўсинлари мавжуд бўлган. Маълум бўлишича, у дастлаб шаҳарларда, зиёли оилаларда тарқалган бўлиб, кейинчалик кишиларнинг яхшиликка интиланлари сабабли қишлоқ жойларга ҳам кириб кела бошлади. Бунга кўпроқ фарзандлар ташаббус кўрсатишиб, ўз ота-оналарининг йигирма беш йил турмуш қуриб, вояга етказганликлари ва эл-юртга хизмат қилиб, маълум ёшга кирганликларини нишонлаш мақсадида тўй-тантана қила бошлаганлар.

«Олтин тўй». Тўй-тантаналарнинг ушбу тартиби ҳам бизнинг халқимиз учун янгилик, чунки бу нарса яқин вақтларгача турмушимизда йўқ эди. Лекин Европа халқларида «кумуш ва олтин тўй»ларнинг жуда кўпгина турлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор. Хусусан, булғорларда кишилар турмуш қурганларидан кейин йигирмадан ортиқ саналарини тўй қилиб нишонлашар эканлар. «Олтин тўй» асосан эр билан хотиннинг турмуш қурганликларига 50 йил тўлиши муносабати билан ўтказилиб келинади.

«Ҳовли тўйи». Ўзбек халқи жуда қадим замонлардан буён ҳовли-жойларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлиб келганлар. Улар иложи борида, саҳна тор бўлса-да, ўз ҳовли-жойига эга бўлишга уриниб келганлар. Кишилар ер олиб, мевали ва манзарали дарахтлар экиб, барча биноларни

қуриб бўлганларидан сўнг, ана шу янги ташкил этилган ва қуриб битказилган ҳовлига кўчиб келишни, узоқ вақт орзиқиб кутганлар ва буни тўй-тантаналар билан нишонлаганлар. Бундай тўйлар халқимизда «Ҳовли тўйи» деб юритилган.

Ушбу тўйларга ота-она, фарзандлар, қўни-қўшнилар, яқин кишилар ва ҳовли жойни қуриб битиришда иштирок этган усталар, ҳашарчилар қатнашганлар. Ҳовли тўйига келувчиларнинг ҳар бири янги ҳовлига кўчиб келаётган оилага уй-рўзғор буюмлари, хўжаликда керак бўладиган асбоблар совға қилганлар.

Зиёфат дастурхони атрофида маҳалла ёки қишлоқ оқсоқоллари, муллалар ва домлалар, бошқа эътиборли кишилар қатнашганлар. Қуръондан суралар ўқилиб, янги ҳовлига ва унинг соҳибларига эзгу-тилаклар билдирилган. Шу ҳовлида униб-ўсишларига, ўзларидан кўпайиб, увалижували бўлишларига тилаклар билдирилган.

Ўзбек халқи **мотом маросими** – инсон вофоти муносабати билан ўтказиладиган мунгли маросимдир. Шу боисдан ушбу маросимда ижро этилувчи фольклор жанрлари, маросим иштирокчилари ва уларнинг кийим-бошлари – ҳамма-ҳаммаси мунглидир. Мотом маросимлари жуда кўп расм-русм, одат ва кичик маросимлар мажмуидан ташкил топган. Марҳумни «меҳмон қилиш», («қора ош» тортиш), йиғи маросими, марҳумнинг гуноҳларини рамзий сотиб олиш маросими, дафн ва марҳумни хотирлаш билан боғлиқ ўтказиладиган турли маросим шулар жумласидандир.

Ўзбеклар ва бошқа мусулмон халқларда киши кечаси ёки куннинг биринчи ярмида вафот қилса уни, одатда, ўша куни чиқарилади; куннинг иккинчи ярмида вафот қилса марҳумни дафн қилиш эртанги кунга қолдирилади, яъни майит бир кеча «меҳмон» қилинади.

Мотом маросимларида йиғи (бўзлов, бўзлаш, марсия айтиб) алоҳида ўринни эгаллайди. Ўлган кишига марсия айтиб йиғлаш дунёнинг кўплаб халқларида учрайди. Бу одат илдизлари ибтидоий даврларга бориб тақалади. Қадим замонларда ибтидоий одамларга ўлим ҳаётнинг якунланиши

ҳисобланмаган. Жонсиз кўринишда ётган ўлик аслида физиологик ва руҳий ҳаёт бўлиб, эшитади ва кўради. Шунинг учун яқинларининг дастлабки кайғуси табиий равишда марҳум билан айрилиқ ноласи, яккаланишдан ҳасрат, ожизлиги, марҳумнинг мардона ҳатти-ҳаракатлари ва яхши амалларини мадҳ қилиш кўринишидаги баланд овозли бўзлаш шаклини олган.

Фарғона водийсида марҳумнинг яқин қариндошлари (эркаклар) дафн маросими куни янги, оҳорли тўн, дўппи кийиб, белларини белбоғ билан боғлаб кўлларига ҳасса (ассо, янги қирқилган қора тол навдасидан) олиб, унга суянган ҳолда марҳум кўйилган хона атрофида айланиб марсия айтиб йиғлаганлар. «Йиғичи»лар гуруҳи мотомга марҳумнинг ёки унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларининг ҳурмати билан келган кишилар ҳисобига кўпайиб борган. Халқона тасаввурга кўра, эркак киши ўлганда ҳассага суяниб йиғлашда ҳасса нафақат суянчиқ вазифасини, балки ушбу хонадоннинг устунидан айрилганликларининг рамзий белгисини ҳам ифодалаган. Аёллар йиғиси эркаклар йиғисидан ўзига хос томонлари билан фарқланган. Аёллар давра куриб (эркаклардан ажралган ҳолда) баланд овозда ўлган кишига марсия айтиб йиғлаганлар. Олдинлари аёлларнинг дафн маросимларида кўкракларига ўриб, бошларини очиб (айниқса, эри ўлган аёллар бошим очик қолди, деган маънода) сочларини ёйиб, дод солиб йиғлашлар учраб турган. Лекин ҳадису шарифда марҳумга бундай йиғлаш маъқул саналмайди. Марҳумнинг эл-юртга қилган яхши амалларини хотирлаб, унга Аллоҳдан раҳмат тилашга чақирилади.

Марҳум дафн қилинишидан олдин ғассол томонидан ювилиб, покланиб кафанланган. Олдинлари кафан оқ бўз, дока каби матолардан бичилган. Ҳозирда эса кафанлик учун асосан, оқ сурп ишлатилади.

Марҳум кафанлангандан кейин олдиндан белгиланган муддатда дафн маросимига йиғилган эркаклар иштирокида жаназа намози ўқилган. Жаназа намози қишлоқларда марҳумнинг ҳовлисидаги кенгроқ ерда, шаҳарларда эса маҳалла масжидида имом бошчилигида ўқилган. Жаназа марҳум билан

видолашиш учун мусулмонларга буюрилган, марҳум ҳақида ўқиладиган номоздир. Жаназа номозида қатнашаётганларнинг таҳоратли бўлишлиги ва марҳумнинг ўнг томони қибла томонда бўлишини эътибор қилинган. Жаназа ўқилиб бўлгач, марҳумнинг тобутини кўтаришни одатда кекса ёшли қариялар бошлаб берган. Тобутни хонадондан олиб чиқиб кетишда бу хонадонда қайта ўлим бўлмасин, деган ниятда уч марта ерга қўйиб кўтарганлар ва кабристонга олиб бориб дафн қилганлар.

Ўзбекларда марҳум дафн этилгандан кейин, уни хотирлаб бир қанча эҳсон маросимлари ўтказилган. марҳумнинг «уч», «етти», «йигирмасы» ва «қирқи»ни ўтказиш ёки руҳ (арвоҳ)ларга атаб қирқта чироқ қўйиш каби эътиқод ва удумлар, аслида, ҳеч қандай илоҳий ёки шаърий томони бўлмаган, улар ибтидоий даврлардаги эътиқодий қарашлар ва сеҳрли рақамлар билан боғлиқ қадимий халқ қарашлари асосида пайдо бўлган.

Марҳумларни хотирлаш маросимлари рамозон ва қурбон ҳайитлари кунларида ҳам ўтказилган. Марҳумларни ва ота-боболар арвоҳларини хотирлаш табиатдаги фасллар ўзгариши билан боғлиқ кунларда, жумладан, биринчи қор ёққанда («қор ёғди»), Наврўзда, лайлак келганда, қовун пишиғида, гул очилганда, дарахтлар (анор, жийда) гуллаганда ҳам ўтказилган. Мотом маросимлари билан боғлиқ маросимлар замон ва маконга оид фалсафий тушунчалар билан коинот ва инсоният ўртасидаги, табиат ва одам ҳаёти ўртасидаги муайян даражадаги боғлиқликни билдиради.

Ўзбек халқининг ижтимоий ва оилавий шароитидаги мавжуд маросимларнинг ҳар бирида бир қанча урф-одатлар, ирим-сиримлар ва расм-русмлар мужассамлашган. Маросим ва одатларнинг кўпчилиги, халқимизнинг асрлар давомида амал қилиб келган миллий қадриятларидир. Собиқ Советлар даврида олиб борилган мустамлакачилик ва атеистик сиёсат натижасида кўплаб миллий-анъанавий қадриятларимиз билан боғлиқ анъаналар ва урф-одатлар таъқиб остига олиниши маълум маънода маънавий қашшоқликка сабаб бўлди.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, халқнинг қадимий ва азалий қадриятлари аста-секин тикланди ва уларнинг кўплари халқимиз турмуш тарзидан ўзининг муносиб ўрнини топди. Ўз навбатида, собиқ советлар даврида коммунистик мафкура остида олиб кирилган айрим маросимлар халқ турмушидан чиқиб кетди ва қолаверса, янги қатор замонавий маросимлар ҳам кириб келди.

2.2. Миллий кийимлар

Миллий кийимлар. Ўзбекистон ҳудудида яшаган энг қадимий аجدодларимизнинг кийимлари ҳам дунёнинг бошқа минтақаларидаги қадимий кишилар кийимлари каби табиий иқлим, турмуш шароитлари ва уруғ-қabila анъаналари асосида шаклланган. Ўтмиш кийим-кечаги, уларнинг шакллари, маҳаллий хусусиятлари ва уларга ишлатилган матолар республика ҳудудидаги археологик ёдгорликлар (Афросиёб, Варахша, Болаликтепа, Холчаён, Айритом ва бошқ.)дан топилган деворий расмлар, майда нақшлар, торевтика (металлга ишланган рельеф), ёзма манбаларда, қўлёзма китобларга ишланган мўъжаз тасвир (миниатюра)ларда акс этган. Кийимларнинг дастлабки шакл тараққиёти тўқимачиликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиё ҳудудида тўқимачиликнинг вужудга келиши янги тош асри – неолитга бориб тақалади. Асосан, бу даврда Копеттон этакларида (Жойтун маданияти) тўқув дастгоҳларининг қолдиқлари аниқланган. Милоддан аввалги VI асрларда кийимда жун матолари тери матоларини сиқиб чиқарган. Милоддан аввалги II асрга оид кийим қолдиқлари Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган Сополлитепадан топилган.

Мунчоқтепа (Фарғона водийси)дан илк ўрта асрларга оид эркак, аёл ва болалар уст-бошлари топилган. Аёллар кўйлаги узун бўлиб, ипакдан тайёрланган ва этаги тўпиғигача тушган, этагининг энг қуйи қисмидан икки ён томондан 10-15 см қирқиб қўйилган, белларига эса камар (белбоғ) боғлаб

зеб берилган. Болалар кийими ҳам ипакдан калта қилиб тикилган бўлиб, белидан сал пастга тушиб турган. Кўйлак этагидан ,яъни бели атрофидан икки томондан 10-15 см қирқиб қўйилган. Ёқалари тўғри ва белида махсус тасма-белбоғи бўлган. Ташқи чоклар энсиз лента билан тикиб мустаҳкамланган. Қиз болалар кўйлагининг кўкрак қисми, енгининг учи ва этаги махсус кадама гуллар билан безатилган. Ўнг қўл томонидан эса ўйма чўнтак тикилган. Кийимга мунчоқлар тикилиб зеб берилган, енги ва кўкрак қисмига майда маржондан нақшлар ишланган.

Тохаристон ва Суғд кийим-кечакларини қиёсий ўрганиш шу нарсадан далолат берадики, Марказий Осиё халқларининг тарихий тараққиёт йўллари ва тақдирлари муштарак бўлган, маданиятлари эса бир-бирига таъсир кўрсатиб келган V-VIII асрларда Тохаристонда елкаси ёпишиб турадиган ва этаги трапециясимон кўринишдаги кийимлар кийилган. Топилган ёдгорликларда жамиятнинг юқори табақасининг ҳамда хизматкор ва санъат намоёндаларининг ҳаёт тарзи акс эттирилган. Айниқса, Афросиёб, Болаликтепа деворига ишланган тасвирий суръатларда кийимнинг ижтимоий ва жинсий тофовутларини кўриш мумкин. Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган халқларнинг кийим-кечаклари узлуксиз ўзгариши ва ривожланиши фақат шу ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ва этник тарихи билан боғлиқ бўлмай, балки бутун Марказий Осиё тарихи ва ижтимоий ҳаёти билан ҳам боғлиқдир.

Деворий суратлардан маълум бўладики, илк ўрта асрларда маҳаллий аҳолининг кийимлари бичими, асосан, бир хил бўлган. Енгсиз, узун, баъзи ҳолларда енги кенг қилиб бичилган. Кийимларнинг ён томонида, одатда, йирмоч-қийиқ жойи, ёнлама ёқаси бўлганки, бу ҳолни ўзбек халқининг бугунги кундаги кийим-кечакларида ҳам кузатиш мумкин. Маҳмуд Қошқарийнинг «Девону луғотит турк»асарида ҳам жуда кўплаб қадимий кийимлар ва газламалар (30 га яқин)нинг номи берилган.

Шунингдек, ўрта асрда яратилган миниатюраларда ҳам ўзбек халқининг ўша даврдаги кийимлари акс этган. XII аср миниатюраларида тасвирланган эркак ва аёл кийимлари этаги бирмунча кенг, ўзига хос

бичимда дўмалоқ шаклдаги кўйлақлар кийганини кўриш мумкин. Олд қисми қисқароқ, орқаси узунроқ бу кўйлақларнинг астари кўпинча йўл-йўл матодан тикилган. Эркак ва аёллар кўйлақлари ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлсада, уларда кўпгина фарқли жиҳатлар бор: аёллар кийимининг енги пастга қараб кенгайиб борган, эркакларникида эса билагига ёпишиб бурган. Эркаклар чолворнинг почасини узун кўнжли этика тикиб, бошига сала ўрашган. Аскарлар эса кийим устидан совут кийишган. Асосан, турли рангдаги силлик матолардан тикилган кийимлар урф бўлган. Мўғил боскинчиларининг келиши натижасида зўрлик билан киритилган мўғил-хитой анъаналари ўзбек халқи либосларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. XV асрга келиб, темурийлар ҳукумронлиги даврида эркак ва аёлларнинг турли рангдаги ички ва ташқи қаватли, яъни турли рангдаги авра-астарли икки узун либос кийиши одатга айланган. Ўз навбатида бу даврда Самарқанд, Ҳирот, Шероз каби шаҳарларда башанг, ранг-баранг, содда ва жозибали маҳаллий бичимдаги либослар шаклланиган. Шунингдек, турли минтақалар кийиминиш услублари, ранг танланиши ва айрим безаклари билан фарқланиб турган.

XVII-XVIII асрларда олдинги анъанавий бичимдаги кийимлар тараққий этган ҳолда кийимларда Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент каби шаҳарларга хос турлар ҳам шаклланиб борди. Бу ҳолат кийимларда ўзига хос қисмларнинг вужудга келиши, ўзгача пойабзаллар, бош кийимлар кийила бошланганлиги, турли матолардан фойдаланилганиги аниқ кўрсатиб туради.

XIX-XX асрлар бошида ўзбек миллий кийимлари мажмуи шаклланиб улгурган эди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бошқа минтақалари, шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, савдо алоқаларининг тараққий этиб кенгайиши ва подшо Россияси томонидан ўлкани мустамлака қилиб олиниши натижасида минтақага фабрика газламаларининг кенг миқёсда кириб келиши ва, ўз навбатида, янги иноэтник кийим-бошлар нусхалари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Айниқса, тикув машинасининг кириб келиши кийимлар тайёрлаш жараёнида ўзига хос «инқилобий» ҳодиса бўлди.

Ўзбекистоннинг анъанавий кийим-бошлари ичида эркакларнинг миллий либослари алоҳида ажралиб турган. Кийимлари (тўн, кўйлак, ятак, иштон ва бошқалар) яхлит бичимли, бичими тўғри, кенг ва узун бўлиб, эни бузилмаган бир бўлак мато ярмидан бир-бирига улаб узунасига тикилган, ён қисми эса тагига қараб кенгайиб борган. Дастлаб эркаклар кўйлаги узун, тиззадан пастга, кейинроқ эса белнинг ярмисига тушадиган қилиб тикилган. Умуман Ўзбекистон ҳудудида эркаклар орасида бир нусхадаги тўн, кўйлак-ятак, иштон, дўппи, сала, телпак, кавуш-маҳси, этик, чорик, турли ёрдамчи кийимлар кийилган. Эркаклар кўйлаги Фарғона водийсида узун, тик йирмоч-кийик жойи узунроқ мато булагидан бичилиб, бурчак-бурчак қилиб, 2 кийик кесилган ҳамда учлари кенг олиниб тикилган. Бошқа хил бичимдаги кўйлақларда йирмоч ётиқ, у елкадан бу елкагача олинган. Бундай кўйлақлар «муллавачча» кўйлак дейилган. XIX аср охири XX аср бошларида мамлакатнинг турли минтақаларида калта, тик ёқали «нўғай ёқа кўйлак», «бўғма ёқа» кўйлақлар кийиш оммалашган бўлиб, бу кўйлақни дастлаб шаҳар аҳолиси, айниқса савдо аҳли кийган. Ўзбеклар орасида бўз, ипак, ип газламалардан тикилган олди очик ятак кўйлақларни ёшлар ва қарилар бирдек ёқтириб кийишган. Эркаклар иштони юқори қисми кенг, почалари торроқ тикилиб, тўпикқача тушиб туради, юқори қисмига иштонбоғ ўтказиш учун милкига гир айлана баҳя чок қилинган. Совуқ фаслларда иштон устидан астарли ёхуд астарсиз шим кийилган, у асосан, ип газлама ва жун газмоллардан тикилган. Чавандозлар, овчилар наMAT-кигиздан, жун-муйнадан, ошланган теридан тикилган чолвор кийишган. Чопон (тўн), жома, камзул, желак, чакмон эркакларнинг мавсумий кийимлари қаторига кирган. Тўн (чапон)лар авра-астарли ҳолда пахта солиб қовилган. Олди очик узун бўлган. Юрганда, отга минганда, ерда чордона қуриб ўтирганида қулай, ихчам бўлиши учун ён томонларига кесик-йирмоч кўйилган, белбоғ боғланган. Тўнлар авраси беқасам, кимхоб, бахмал, шойи, сатин, чит ва бошқа матолардан тикилган.

Тўнлар маҳаллий хусусиятларга кўра ҳам фарқланган. Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразмда гавдага ёпишиб турадиган сирма-қавима чопонлар кўпроқ расм бўлган бўлса, Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз ва бошқа жойларда қимматбаҳо матолардан зардўз тўнлар тикилиб, ёқаси, этаги ва энг учларига зар ипларда кашта тикиб, атрофига гавҳар тошлари қадаб безатилган. Бундай тўнларни хон ва амалдорларга совға қилишган. Умуман, халқимиз орасида ҳурматли кишиларга, устозларга, қуда ва куёвлар, азиз меҳмонлар ва бошқага тўн кийгизиш удуми сақланиб қолган.

XIX аср ўрталари XX аср бошларида Ўзбекистон бўйлаб «камзул» кийиш одат тусига кирган. Камзул ёқалари тик, бўғиқ, баданга ёпишиб турадиган узун, белбурма сюртукни эслатиб, ортида қийиқ жойи – йирмочи, қайтарма ёқаси бўлмаган. Қора ранг матодан, асосан, сатиндан ёки костюмбоп қалин ип газламалардан тикилган, улар кўйлак устидан кийилган. Чакмонларнинг босма чакмон, боқоти чакмон, қоқма, тивит чакмон каби турлари мавжуд бўлиб, уларни рангига қараб кўк чакмон, мала чакмон, оқ чакмон деб аташган. Чакмон бичимига кўра тўнга ўхшаш бўлиб, асосан кўй ва туя терисидан фақат аврада тикилган ва чопон устидан кийилган. Шу сабабли ҳам у совуқ фасл кийимларидан ҳисобланган.

Чопон устидан боғланадиган белбоғ бўз, чит, сатин, беқасам каби матолардан тикилган. Ўзбек халқи орасида энг кўп тарқалган энгил бош кийими дўппидир. Анъанавий бош кийимларидан яна бири салладир. Сала Шарқда Мисрдан Ҳиндистонга қадар мусулмон мамлакатларида қадимдан маълум.

Эркакларнинг миллий оёқ кийимларидан этик, ковуш-маҳси, чориқ, такаки этик, мўки, тоштавон, чориқ-пойпуш каби оёқ кийимлар мавсумий ҳисобланган. Кўнжи тиззагача бўлган пошнали этиклар нўғай этик, қора этик деб юритилган.

XX асрнинг I чорагида аёллар кийимларининг ёқалари асосан вертикал ва горизонтал кўринишда бўлган. Кўйлак ёқалари этногенетик эмас, балки функционал аҳамият касб этган: вертикал ёқали кўйлақлар чақалоқларни

эмизишда кулай бўлгани учун, асосан, она бўлган аёллар кийган. Бундай кўйлаklar «оналик кўйлаги» ёки «аёл кўйлак» дейилган. 1920-30 йилларга келиб, «кўкрак бурма» кўйлаklar оммавий урф бўлган. «Кўкрак бурма» кўйлаklar дастлаб Тошкентда пайдо бўлган. 1950-йилларга келиб, аёллар ва кизлар кўйлаги орасида фарқ йўқолиб вертикал кўринишдаги кўйлаklar расм бўла бошлаган. 1980-йилларда «кўкрак бурма», ёқали, енги калта атлас кўйлаklarни кийиш расм бўлди.

XX асрнинг 20-70 йилларида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида анъанавий миллий кийимлар таркибига европача русумдаги кийимлар кириб келган. Буни миллий кўйлаklar билан бирга европача шим билан кийиладиган кийимларда кўриш мумкин. Айниқса, бу даврда эркаларнинг оёқ кийимларида европача бичимдаги пойабзаллар кенг расм бўлишига қарамай маҳси, этик каби оёқ кийимлар ўзининг анъанавий кўринишини сақлаб қолган ва асосан кексалар орасида кўпроқ тарқалган. Бу даврда эркаларнинг махсус иш кийими яратилди, ўғил болалар кийимларида ҳам эволюцион жараён содир бўлган бўлиб, миллий кийимлар Европа кийимлари билан уйғунлашган ҳолда кийилган. 1960-70 йилларга келиб пойабзал фабрикаларда ишлаб чиқарилган, турли шаклдаги аёл ва эркаларнинг ёзги туфлилари, қишки этиклар оммавий расм бўлган.

Аёлларнинг анъанавий кийим-бошлари кўйлак, лозим, чапон, мурсак, пешмат, камзул, нимча, паранжи-чачвонлардан ҳамда хилма-хил рўмоллар, ранг-баранг дўппилардан иборат бўлган. Маҳси, кавуш, бошмоқ каби пойабзаллар чармдан тикилган, калишлар резинадан қўйилган.

Аёллар кийимларининг нафислиги, хилма-хил гўзал бўлишига моҳир ўзбек заргарлари тайёрлаган тақинчоқ ва зеб-зийнатлар янада кўрк қўшган.

Кўйлаklarни йирмочи кўндаланг ёки «елка ёқа», «қазоқи ёқа», «вақвақа ёқа», «қайтарма ёқа» турларини кўпроқ қариялар ва келинлар кийганлар. Елка ёқа кўйлаklar йирмочининг чеккаларига турли хил жияк, чироз, широз, тасма ёки турли рангдаги ипак иплардан йўрма усулда кашта тикиб чиқилган. Кийим шакллари миллий йўл-йўл, сидирға ва гулли матолар

билан мослашган, олд этаги, енг учи, ёқаси гулли жияк билан хошияланган. Аёллар уст-бошининг иккинчи асосий бўлаги лозим бўлиб, почаси торайиб келиб, юқори қисми қайрилиб-бахяланиб орасидан иштонбоғ ўтказилган. Одатда лозимнинг кўйлак остидан кўринадиган қисми қиммат ва чиройлироқ матодан, кўринмайдиган тепа қисми арзонроқ матодан тикилиши билан эркаклар иштонидан ажралиб туради. Уйда кийиладиган оддий, арзон матодан, кўчалик эса шойи, атлас, парча ипакли, қимматбаҳо матолардан тикилади. Аёлларнинг устки кийимлари пахта солиб қавилган аёллар тўни ва пахтасиз авра-астардан иборат енгил халат кўринишида бўлиб, турлича номланган. Тошкентда – пешво, мурсак, Хоразмда – мисак, Самарқандда – мулисак, калтача, Фарғонада – мунисак, мунсак, Бухоро, Шаҳрисабзда калтача деб аталган. Мурсак 3 қисмдан – бўй, ён ва енглардан иборат бўлиб, ён қисми тўғри, узун қўлтиқ остига тўпланган, тўпланган қисми «чўчча» деб аталган.

Аёлларнинг миллий кийимлари ичида анъанавий бош кийимлари ажралиб туради ва у кийим эгасининг оиладаги мавқеини аниқ ифодалаган. Чунончи бош кийим ва соч турмагига қараб қиз болани турмушга чиққан келиндан, ёш онани фарзандсиз аёлдан, ўрта ёшли аёлларни кекса момолардан ажратиш мумкин бўлган. Бош кийимлар одатда 2 гуруҳга бўлинган: бошга кийиладиган кийимлар (қалпоқ, дўппи (тақя, каллапўш), кулоқчин, бўйрак, телпак) ва бошга ўраладиган ёки ёпинадиган рўмол, пешонабанд лочак, дурра, дурача, локки, ёғлик, ёвлик ва ҳ.к.

Аёллар ёшларига қараб, мавсумий тарзда ўрашган рўмоллар – дудок рўмол, ип рўмол, ипак рўмол, дока рўмол, мисқали дока рўмол, ғижим рўмол, қалаяки рўмол, қуроқли рўмол, беш гулли рўмол, балхи рўмол, гарди рўмол каби номлари билан аталган. Ёш қиз ва келинчаклар оқ рангли, ёрқин ранг, кексалар эса оқ ним ранг, кичик ҳажмли рўмоллар (катта рўмоллар тагидан) ўрашган. Фарғона водийсида рўмолнинг алоҳида тури расм бўлиб, у чорси шаклида, учлари бурчакма-бурчак қилиб тахланиб, бошга ўралиб устидан қора ёки қалампир тусдаги дуррача тахланган. Дуррача пешонага танғилиб,

учлари гарданда кесиштирилади ва пешона устига ўтказилиб боғланади, қора рўмол орасига қистириб қўйилади, сўнг устидан бир парча мато-дока боғланиб, учлари орқага боғланади. Бухорода дока ўрнига узун шаша дока ишлатилади.

Ҳозирги кунга ҳам рўмол устидан боғланган дуррачани Тошкент вилоятининг айрим туманларида яшовчи аёллар бошида учратиш мумкин. Кўп ҳолларда кичикроқ рўмол-дурра ўралади.

XX асрнинг 1 чорагигача ўзбек аёллари кўчага паранжи ёпиниб чиққан. Шунингдек, дўппи ёшларнинг асосий бош кийими ҳисобланган. Уни ёш қизчалар, қизлар ва ёш аёллар кийишган. Қашқадарё ва Сурхондарёда ўрта ёшдаги аёллар култа кийишган ва уни «дўппи» деб аташган. Дўппилар нақшлари ва матосининг турига қараб турлича номланган. Турли рангдаги дўппилар «чамандагул», бахмал, парча матодан тикилган, йўл-йўл нақш туширилган дўппилар эски ироқи дўппи деб номланган. Шаҳрисабз дўппичилик мактабининг ироқи чок усули: санама ва чизма усулга бўлинган.

Бора-бора содда бичимдаги либослар ўрнини мураккаб бичимли либослай эгаллай бошлаган. Кийимдаги аввалги уйғунлик йўқолди. Бу тарихан ҳаёт ўзгариши ва оммавий саноат ишлаб чиқаришнинг хунармандчиликдан устунлиги туфайли келиб чиқди. шу билан бирга қадимдан иқлим ва ижтимоий ҳаёт шароитлари белгилаган миллий кийим шакллари ҳам ўзгариб борди. Миллий бичимдаги кийимлар қоматнинг нисбатларига яқинлашди, аёл кўйлаклари торайиб ва катталашиб борди, олдинроқ юзага келган кокеткали ва қайтарма ёқали кўйлақлар ҳаётга кенг оммалашди. Ёш йигитлар ва ўрта ёшли эркекларга Европа бичимида тикилган кийимларни кийиш расм бўлди ва фақатгина кексалар орасидагина миллий кийимлар сақланиб қолди ва маросимий кийимларга айланди. Энг муҳими миллий кийимлар таркибига кўра соддароқ ва чиройлироқ бўлиб борди. XX асрнинг 20-30 йилларида миллий кийимга Европа кийими бичимларининг киритилиши миллий кўйлакни шим билан, аёллар кўйлақларини нимча билан кийилишига олиб келган. 1940-50 йиллар

эркаклар кийимини тўғри елкали қоматга мосланган пиджак, кенг шимлар ташкил этган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин собиқ колхоз раҳбарлари, зиёлилар ва хизматчилар орасида ҳарбий кийимлар: френч ёки гимнастёрка, қора ёки кўк рангдаги мовутдан тикилган галифе шимларни қора ёки жигарранг этик билан кийиш расм бўлган. Ёзда енгил кител ва қаттиқ матодан тикилган шим этик ичига тиқиб кийилган.

1960 йилларга келиб, Ўзбекистонда илк бор кийим андозаларини режалош бошланди. Натижада фабрикада тикилган янги бичимдаги костюм-шимлар кириб келган. Бу даврда минтақада эркаклар костюм-шимларни миллий бичимда олди ва ёқаси кашталанган кўйлақлар билан кийганлар, 1970 йилларда ёшлар орасида пастки қисми кенг қилиб тикилган клёш-шимларни ёқалари кенг, ҳаво ўтказмайдиган нейлон кўйлақлар билан кийиш оммавий тус олган. Қўлга соат тақиш урф бўлган. 1980 йиллар танага ёпишиб турувчи шерст ва жинси шимлар ҳамда ёқаси бирмунча кичкина бўлган пахтали ҳамда трикотаж кўйлақлар кийилган. Ёшлар, айниқса, ўқувчилар орасида оқ кўйлақ ва қора шим кийиш оммалашган. Қишда эса эркаклар фабрикаларда тайёрланган пальто ва плащчлар, бошга телпак кийиб, шарф ўрашган. Оёқларига ҳам фабрикада ишлаб чиқарилган пайпоқ, пойабзаллар кийишган.

Анъанавий тақинчоқлар мажмуи ҳам худди кийимлар сингари муайян халқнинг, этноснинг ҳамда этнографик вва локал гуруҳларнинг ўзига хос этник хусусиятларини маълум маънода акс эттиради. Аёллар либосини янада назокатли, жозибали ва чоиройли қилиб кўрсатадиган безак тақинчоқлардир. Музейларда сақланаётган топилмалар республика ҳудудларида (Юнон_Бақтрия подшолиги милoddан аввалги 2-3 асрларда, қадимий Хоразм милoddан аввалги 1 аср ўрталаридан 8 асргача заргарлик ривожланганлигини кўрсатади. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Андижон, Наманган ва бошқа ерларда заргарлик кенг ривожланган. Тақинчоқлар бош (тиллақош, тиллабаргак, гажак, бодомой, бибишак, қўшдуо ва бошқ.), бўйин-кўкракка (турли маржон ва марваридлар,

зебигардон, нозигардон, жевак, талгажевак, жавқ, бўйинтумор, кўкрактумор, кўшиқтумор, бозубанд ва б.), соч (сокпопук, туф), кулоқ-бурун (булоқи, исирға ва бошқ.), қўллар (узуқ, билагузуқлар)га тақилган. Археологлар томонидан топилган жуда қадимий тош мунчок, тўғноғичлар, жез даврига оид билагузуқ, тўғноғич ва тугмалар илк аждодларнинг дастлабки безакларидан хабар беради. Кейинги даврда яратилганлари эса ўрта асрларга оид деворий расмлар, қўлёзма асарларга ишланган миниатюраларда ҳам акс этган. Бу тақинчоқлар аста-секин вақт ўтиши билан бир-бирини тўлдириб, 19 аср охири, XX аср бошларида яхлит мажмуани вужудга келтирди.

Тақинчоқлар ишлаб чиқариш хом ашё сифатида қимматбаҳо ва рангли металллар (платина, олтин, кумуш ва б.) қотишмалари, қимматбаҳо ва яримқимматбаҳо тошлар (феруза, фионит, олмос, ақих, зумрад ,ёқут каби), пластмасса, табиий тошлар, суяк, эмал, шиша ва бошқалар ишлатилади. Тақинчоқлар жимжимадор қилиб раххори, кумушни қорайтириб саводкори, панжарали шабака ва бошқа усулларда ўйма ва бўртма нақшли қилиб турлича шокилалар билан безатилган.

1990-йиллар бошларида ёшлар орасида Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган кроссовкаларни кийиш оммавийлашган ва маҳаллий пойабзал корхоналарида ҳам кроссовкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Болалар кийимлари ҳам катталарникидай даврга қараб ўзгариб борган. Аста-секин кийимлар вазифаси ҳам ўзгарган ва айрим касб эгалари билан боғлиқ (ишчилар, шифокорлар, сотувчилар, сартарошлар, ўқитувчилар кийимлари ва бошқ.) ҳолда махсус кийимлар шаклланди.

Мустақилликдан сўнг тарихий миллий анъаналаримиз ва расм-русумларимизга, миллий либосларимизга бўлган эътибор кескин ошди. Айниқса, аёллар миллий матолар- шойи, атлас, адрас, бахмаллардан тикилган кийимлар кия бошладилар.

Ўзбек модельер рассомлари ишларида миллийлик хусусиятлари ўз уйғунлигини топмоқда ва республика миқёсида ўтказиладиган турли тантана ва сайиллар, байрамларда ҳамда оммавий маросимларда миллий

русумда кийиниш оммалашмоқда. Умуман олганда, 20 аснинг охирига келиб ўзбеклар орасида давр талабига, кишилар дидига мос келадиган кийимларни кийиш оммалашган бўлиб, миллий кийимларда қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин: шаҳарларда деярли барча ёшлардаги эркеклар асосан европача кийинган. Фақатгина эркеклар бошга кийиладиган дўппи ва кекса ёшдагилар миллий чопонлари, ятак, саллалари билан миллий хусусиятларни англатган.

Бизгача етиб келган кийимлар XIX аср охири ва XX аср бошларига тааллуқли. Қадимий даврларга оидлари сақланмаган.

Биз асосан 19 аср охири, 20 аср боши даврларини кўрсатадиган ёдгорликларга эгамиз. Музей фондларида шу даврга оид кийим-кечаклар, заргарлик буюмлари, газлама ва оёқ кийимлари сақланади. Ўзбек миллий кийимлари республика музейларидагина эмас, балки жуда кўп қисми (нодир ва қимматбаҳо кийимлар, зарбоф чопонлар, жиғалар, аёллар зеб-зийнатлари, заргарлик буюмлари) Санкт-Петербург, Москва музейларида сақланмоқда. Республика музейлари этнографик фондида сақланаётган ўзбекларнинг миллий либослари турли хил ижтимоий қатламга мансубдир.

Ҳозирги замон либосларида европача услуби бўлса-да, миллий анъаналарнинг давомийлиги сақланиб қолмоқда. Масалан, шаҳар ва қишлоқлардаги аёллар замонавий кўйлақларини анъанавий хонатласлардан тикиб киядилар. Эркаклар дўпписи, чопон анъанавий устки либосга айланган.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси томонидан 2005-2010 йилларга мўлжалланган Давлат дастури асосида давлат ва нодавлат ишлаб чиқариш бирлашмалари, ҳатто уй-хонадонда ишлаб чиқарувчилари ҳам бугунги кун талабига мос равишда анъанавий миллий либосларни ишлаб чиқармоқда (Масалан, «Машҳура», «Азиза зиё», «Ибратли келин» ва б.). 2006 йилда Қўқон «Шоҳи атлас» ишлаб чиқариш жамияти касаначилик иш ўринлари жорий қилинди. 2005 йилдан тўй либослари, жумладан болалар ва ўсмирлар ҳамда катта ёшдагилар учун 200 хилда трикотаж кийим-кечаклари ишлаб

чиқарувчи «Шарқ модели» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди. Муҳими, улар мамлакатимиз буюртмаларини тўлдириш билан бирга Россия, АҚШ каби давлатларга кийим-кечак экспорт қилмоқда.

Миллий либосларни яратиш, замонавий дизайнларни киритиш, миллий менталитетга мос ва хос бўлганларини яратишда Республика моделлари уйи, Республика пойабзал моделлар уйи, Республика трикотаж маҳсулотлари моделлар уйи ва бошқ. шуғулланади.

Бугунги кунда ўзбек миллий либосларининг анъанавийлиги, давомийлигини кўрсатишда «**Осиё рамзи**» республика моделлар уюшмаси, Тошкент модалар уйининг хизматлари каттадир. Бундан ташқари маҳаллий дизайнерларимиз томонидан тайёрланиб турли танлов, фестивалларда иштирок этаётган хилма-хил услубдаги анъанавий либосларимиз ҳам диққатга сазовор.

2005 йил 1 сентябрда Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида Ўзбек либослари галереяси ишга туширилди. Бу ерда енгил саноат корхоналаримизда ишлаб чиқарилган, дизайнерлар томонидан тайёрланган, ўзининг ранг-баранглиги, бетакрорлиги, гўзал ва нафислиги билан ажралиб турадиган ўзбек либослари ва газламаларининг намоёниши, танлов ва фестиваллари ўтказилади. Бу тадбирлар асосан «Осиё рамзи» республика моделлар уюшмаси, «Аёллар кенгаши» нодавлат форуми жамғармаси, «Соғлом авлод» жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилади.

Кийимларни тикишда ишлатиладиган матолар. XIX асрда ўзбек миллий кийимларини тикишда ишлатиладиган асосий матолар сирасига ип-газлама, ипак, нимшойи ва жун газламалар киради. Хом ашёнинг мўллиги ва арзонлиги Мовароуннаҳр шаҳарларида ипак туқувчилик, бўз туқувчилик, жун туқувчилик ва бошқа хил матоларни туқувчилик касб-ҳунарларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитни вужудга келтирди.

Туқувчиликнинг, асосан, икки тури: ҳаммабоп ип-газлама туқувчилиги ва нисбатан қимматроқ, ипак туқувчилиги кўпроқ тараққий этган. Ип-

газлама матоларни тўқиш билан, асосан, аёллар, ипак ва нимшойи газламаларни тўқиш билан эркаклар шуғул ланишган.

Ип-газлама матоларнинг турлари ва навлари жуда хилма-хил бўлган. Айниқса оқ, жигарранг, сариқ тусли бўзлар кенг тарқалган бўлиб, улардан барча ёшдаги кишилар учун чопонлар, шунингдек, ички кийимлар, саллалар тикилган. Аёлларнинг рўмоллари, дакана ва лачакларини тикиш учун шаша дока ишлатилган. Эркакларнинг кўйлаклари хом суруп, сидирға чит, содда тўқилган, қалами деб номланган ип газламадан тикилган. Йўл-йўл ип газлама мато-олачалар кўпроқ қишлоқ тўқувчилари томонидан тўқилиб, чопон тикишда ишлатилган.

Ўтмишда ўлкамиздаги бутун-бутун шаҳарлар фақат маълум бир нав ва ранглардаги газламани тўқишга ихтисослашган эди. Бадий тўқувчиликнинг маҳаллий мактаблари ҳам мавжуд эди. Буларнинг бари матоларни бўйаш санъатининг юксаклиги, маҳаллий газлама тўқиш услублари, улар қўлидан чиқадиган матолар ранги-бўёғи ва гулларининг бир-бирига ўхшашлиги, нафислиги билан ажралиб туради.

Тошкент косиблари бўз ёки карбос (оддий бўйалмаган ип газлама), босма (кўпроқ қизил тусдаги гулли бўз), олача (бўйалган ипдан тўқилган йўл-йўл ип газлама), чопон тикишда қўлланиладиган йўл-йўл нимшойи матолар тўқишга моҳир эдилар.

Бухоро, Самарқанд, Қуқон, Марғилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда анъанавий ўзбек ипак (кановуз, шойи, хонатлас), нимшойи (беқасам, банорас, адрас) газламалар тўқилиб, улардан тикилган турфа кийимлар ўзига тўқроқ, бой-бадавлат кишилар орасида расм бўлган.

Қуйида мана шу матоларнинг айримларига бир-икки оғиз таъриф бериб ўтамиз. Беқасам – йўл-йўл газмол бўлиб, ундан эркак, аёл ва болалар учун кундалик кийиладиган тўнлар, кўрпа-кўрпачалар тикишда фойдаланилган.

Банорас – беқасамдан ранг турлари билан фарқланиб, ундан аёлларнинг устки кийими бўлмиш паранжи тикилган.

Парипашша – беқасамдан қалинроқ матодирки, у паранжи, шунингдек, чопон тикишда ишлатилган.

Адрас – абр иплар билан гул солинган нимшойи газмолдир. Шунингдек, кановуз, шойи, хонатлас, гулдор кимхоб, духоба кабилар ҳам кенг қўлланилган.

Шойи ва нимшойи матолар – беқасам, адрас, якрўё, катак шойи, товланма шойи, абршойи ва ҳоказоларга турли-туман гуллар солинган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёга Русиядан келтириляётган ип газлама ва бошқа матоларнинг миқдори тобора орта борди. Бу матолар Ўрта Осиё ва Қашқар ўлкасида тўқиладиган газламалар билан рақобат қила бошлади. Русия фабрика эгалари Ўрта Осиё ўлкалари билан савдо-сотиқ қилувчи савдогарлар билан тил бириктириб, маҳаллий аҳоли дидига мос газмоллар ишлаб чиқаришга астойдил ҳаракат қилиб, бу ердаги бозорларда устунликка эришиш учун курашни авж олдирдилар. Русия моллари, жумладан, газмолларининг ўлкага келтирилиши натижасида улар маҳаллий ҳунармандчилик молларини бозордан сиқиб чиқара бошладилар. Фабрикада ишланган матолар косиблар қўлидан чиққан матоларнинг бозорини касод қилиб боравердики, бу ҳол ўлка хўжалигининг бозор эҳтиёжлари учун мол ишлаб чиқариш соҳасининг умумий тараққиёти жараёни ва натурал хўжаликнинг инқироzi билан боғлиқ эди.

XIX аср охири ва XX аср бошида ўзбеклар орасида ҳам асосан фабрикада тайёрланган ип газламалар: чит, бўз, коленкор, хом сурупдан тикилган кийим-кечакларни кийиш расм бўлди. Бой-бадавлат кишилар эса кимхоб, ипак, атлас, духоба, рангоранг мовутлардан кийим тиктириб кия бошладилар.

Шунга қарамай, косиблар дастгоҳидан чиққан маҳаллий газлама: мато, бўз, нимшойи газмол, адрас, беқасам, подшойи, кимхоб, хонатлас, катакшойи кабиларнинг турли хилларига ҳам эҳтиёж катта эди.

Ўрта Осиё газмолларини ишлаш ва уларга гул солиш техникаси хийла мураккаб иш эди. Уларга гул-нақш солишда икки хил услуб қўлланилганки,

бу эса йўл-йўл ва абр услубида тўкилар эди. XIX асрга келиб, йўл-йўл гул солинган матолар хиллари кенг расм бўлиб кетди. Ип газлама, шойи, ним шойи газмолларга шу услубда гул солина бошланди. Мазкур турдаги газламаларни чиқарадиган тўқувчилик марказлари Самарқанд, Ургут, Нурота, Бухоро, Ёждувон, Фарғона водийсида Наманган, Бешарик туманларида мавжуд эди. Хоразм усталари тайёрлаган газламалар ҳам ўзига хос гуллари билан кўзга ташланиб туради.

Матоларга гул босишнинг усулларида абрли иплар билан гул солинган, бўёқлари ёйиқ, қимматбаҳо ипак газмолларни ишлаб чиқаришда қўлланилган. Абрбанд усули билан ипларни ўраб-боғлаб қўйишдан иборат мазкур мураккаб ва сермеҳнат жараён асосан Фарғона водийси шаҳарлари ва Самарқанд, Бухорода хонатлас тўқишда қўлланилган.

Буларнинг ҳаммаси XIX-XX асрларда маҳаллий газламаларни бадий безаш санъати хилма-хиллиги ва ўзига хос эканлигидан, Ўрта Осиё халқ хунармандларининг нозик дидидан далолат беради. Шу боисдан ҳам, тўқувчи усталарнинг нафис ва пишиқ маҳсулотлари маҳаллий бозорлар чегарасидан чиқиб, бутун Ўрта Осиё ва ундан ташқари мамлакатларга харид қилиниб, олиб кетилган ва у ерларда жуда машҳур бўлган.

Маҳаллий миллат эркакларининг кийимлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларнинг минтақаларга қараб фарқланиши ва хусусиятлари эса матосининг ранги ва кийиниши билан белгиланади.

Эркаклар миллий кийими таркибига кўра ички (ичдан кийиладиган) ва устки кийимларга бўлинади.

Қадим замонларда эркаклар кўйлаги асосан бир хил тусдаги оқ матодан тикилиб, бу мато косиб дастгоҳида тўқилган. Кўйлақлар бичимига кўра узун бўлиб, эни бўзилмаган бир бўлак мато ярмидан бир-бирига улаб узунасига тикилган, ён қисми эса этагига қараб кенгайиб борган. Эркаклар кўйлаги узун, тиззадан пастга, кейинроқ эса белнинг ярмисигача тушадиган қилиб тикилган. Ёқаси эса икки хил андазага биноан бичилган. Фарғона водийсида узун, тик йирмоч-қийиқ жойи узунроқ мато бўлагидан бичилиб,

бурчакма-бурчак қилиб, икки қийиқ кесилган ҳамда учлари кенг олиниб тикилган. Бошқа хил бичимдаги кўйлақларда йирмоч ётиқ, у елкадан бу елкагача олинган. Фарғона водийси ва Тошкентда бу каби кўйлақларни «муллавачча» кўйлақ деб аташган. Баъзан, ёқанинг четларига жияк ҳам тикилган. Нафақат Тошкент ва Фарғона водийси ўзбеклари, балки Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм ўзбеклари ҳам кўпроқ ёқаси ётиқ кўйлақларни кийишган.

Тик ёқали кўйлақлар ҳам жуда кенг расм бўлган. Ёқанинг кўкрак қисмига тушадиган йирмочига икки бўклаб тахланган планка тикилган. Бундай кўйлақларни болалар ва ўрта ёшдаги эркаклар кийишган. Зарафшон хавзасида яшовчи қипчоқлар тик ёқали кўйлақларни «қозоқи кўйлақ» деб аташган. Фабрикада тўқилган матолар қўлланила бошлангач, кийимларнинг шакллари ҳам ўзгара борган. Харидоргир газмоллар фактураси жиҳатидан кенгрок, қалинрок бўлгани сабабли нафақат тўғри, балки қиялама бичиқ бўйича ҳам кўйлақ бичиш, бурма қилиш ва бошқа шакллар бериш мумкин эди. Бу эса янги-янги бичим-андазаларнинг вужудга келишига имкон яратди. Анъанавий енгсиз ва узун кўйлақлар билан бир қаторда елка қисми қия қилиб, ярим айлана ёй шаклида, енг қисми торроқ бичилган ва буриб тикилган, қадама енглар уланган, тик ёқали кўйлақларни кийиш расм бўла бошлади, буларнинг кўкрак қисмидаги йирмочини калтагина планка ёпиб туради.

Фарғона ва Тошкент вилоятларида олди очиқ яхтак кўйлақлар кийиш одат тусини олганди. Улар чит, бўз, ипак, ип газлама матолардан тикилиб, ёшлар ҳам, қариялар ҳам бирдек ёқтиришган. Енгил, кийишга қулай яхтакнинг этаги тиззагача ва тиззадан ҳам пастроққа тушиб турар, ёқаси узунасига илмоқ билан ёнма-ён қилиб қавилар (ҳозирги пайтда бу жой тикув машинасида зич қилиб бахяланади) кўкрак қисмига бир дона тугмача ёки қўлбола илгак, кўпинча ўз матосидан ингичка боғич ўтказиб қўйиларди. Эркаклар иштонига келганда, юқори қисми кенг, почалари торроқ тикилиб, тўпиққача тушиб туради, юқори қисмига иштонбоғ ўтказиш учун милкига

гир айлана бахя-чок қилинган. Иштонлар аксарият ҳолларда ип газламадан тикилган, яъни яхлит мато бўлагининг ўрта қисмига икки ён тарафидан почалар солинади, мазкур қисмининг тор ёки кенг тикилишига ва иштон оғининг тор-кенглигига қараб катта ёки кичик қадам ташлаб юриш мумкин бўлган. Йилнинг совуқ фаслларида иштон устидан астарли ёхуд астарсиз шим кийилган, у, асосан, ип газлама ва жун газмолдан тикилган. Чавандозлар, овчилар наMAT-кигиздан, жун-мўйнадан, ошлангак теридан тикиладиган чолвор кийишган. Дарвоқе, бундай устбош Ўрта Осиё эркак аҳолисининг қадимий кийимлари сирасига киради.

Умуман эса, эркакларнинг устки кийим-кечаклари бир неча хил бўлган: пахтали қавима тўн ёки чопон, қавиқсиз яхтак ёки авра тўн, қўлда тўқилган мовутдан чакмон, аврасиз пўстин, поча пўстин ва хоказолар. Бошдан-оёқ сарполар таркибига қўлбола ип-газлама ва нимшойидан тикилган қавима (олача, беқасам) тўн-чопон кийилган.

Одатда қўйлақ устидан албатта олди очиқ чопон кийиб юрилган, булар икки хил бичилган. Бири – яхлит мато бўлагидан тикилиб, олди-орқаси ва елка қисми чоксиз бўлган. Енг ўтказиладиган ўрни кийилмаган, енглари узунасига – тўғри ёки енг томон учлари торайтириб тикилган. Чопоннинг қултиқ ости қисмига деярли ҳаммавакт қулфак-хиштак, ёнларига пона шаклидаги мато уланган, булар ётик тарафи билан чопоннинг гавда қисмига тикиб қўйилган. Бошқа бир бичикка биноан тикилган чопонларда гавда қисми бири-бирига улаб чоклаб қўйилган бир хил энликдаги икки мато бўлагидан иборат бўлиб, мазкур бўлақлар ўртаси чокланиб, чопоннинг олд ва орт қисмини ташкил этади. Енгларнинг юқориси матонинг бир парчасини пона шаклида ўйиб-кесиби олиш билан юзага келади. Этак қисми эса, икки томонидан қирқиб, четлари бахялаб қўйилади, бу бемалол одим отиб юриш имконини берган. Чопоннинг ёқа ва этаклари барларининг четлари ва енгларининг учларига ипдан тўқилган торроқ жияк ёки узун қилиб кесилган мато бўлагини хошия қилиб, кўкрак қисмига эса, иккита боғич тикиб

қўйишган. Чопонлар юпка астарли ёки астарсиз қилиб тикилган, қиш фаслида кийиладиганларга пахта қавилган.

Фарғона водийсида, Тошкент ва Хоразмда гавдага ёпишиб турадиган сирма-қавима чопонлар кўпроқ расм бўлган. Қариялар учун ҳам айна шундай чопонлар тикилган. Буларни тикиш учун кўпинча қора сатин ёки кўк тусдаги сидирға ёхуд майда гулли сатин ишлатилган. Йигитлар киядиган чопонлар қўлда ёки фабрикада тўқилган йўл-йўл нимшойи беқасамдан тикилиб, «беқасам тўн» деб аталган. Астари одатда читдан бўлган, чопоннинг ўзи бошдан охиригача йирик қавиқлар билан қавилган. Шу тариқа енглари кундалангига чоклаб чиқилган.

Ўтмишда Ўрта Осиёнинг барча минтақаларида гуллари йўл-йўл газламалардан кийим тикиб кийиш жуда расм бўлган. Фарғонада кўплаб, хилма-хил гулли матолар тўқилган. Бунда газмолларнинг ранг-баранг гулли бўлишига, гулларнинг бир-бирига мос-уйғун келишига, шунингдек, йўл-йўл гулларининг ораси кенгрок олиб бўялишига алоҳида аҳамият берилган. Яшил тусли йўл-йўл гуллар, сариқ, гулгун ва сиёҳранг гуллар билан уйғун равишда алмашилиб келадиган беқасам, ипак ва нимшойи газмоллар жуда қадрланган, гуллари ораси бир хилда торроқ бўлиши, нафис ранглари бир-биридан кескин ажралиб турмаслиги шарт эди. Фарғона водийси шаҳарлари аҳолиси, марғилонликлар ва айниқса, қўқонликлар сариқ тусдаги йўл-йўл гуллар сиёҳранг ва гулгун рангдагилар билан уйғун бўлишини ёқтирганлар. Наманган чопонлари кўпроқ яшил ранг билан кўк ва қизил ранг гулли газмоллардан тикилган. Лекин Фарғона газламаларининг ранглари нақадар хилма-хил бўлмасин, булардан тикилган чопонлар кўринишда одми-сипо бўлган. Айниқса, мошранг беқасамларда бу хусусият бўртиб кўзга ташланиб турарди. Умуман, беқасамдан тикилган чопонлар Ўзбекистоннинг барча минтақаларида жуда расм бўлиб кетган эди. Энг дастлабки тўн суннат тўйига, кейин эса никоҳ тўйига атаб тикиларди. Тўйдан сўнг ҳам у устки иссиқ устбош сифатида узоқ вақтгача кунда уйда кийиб ҳам юрилган.

Мархумнинг яқин қариндошлари бўлмиш йигит-яланглар таъзия-мотам кунлари худди шу тўн устидан белбоғ боғлаб юришган.

Фарғона водийсида қизил тусдаги узун, енглари тор қавима тўнларни хонлар устидан халқ ғалабаси тимсоли сифатида кийиш расм бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам қизил чопон кийилган. Армия сафига чақирилган отлик қўшин жангчилари шундай чопон устидан аскарлик камарларини боғлаб, фронтга жўнашган. Бундай тўн ва чопонлар тикиладиган матолар фабрикада ишланиб, тўқ қизил бўёққа бўялган.

Мазкур тўн-чопонлар билан бир қаторда Фарғона водийсида авратун деб аталадиган ёзги тўн кийиш одат тусини олган эди, уни қўлда тўқилган беқасамдан тикишиб, сирма-қавима чопон устидан белбоғсиз ҳам кийишган. XIX-XX аср бошларида Бухоро хонлари ва амирлари аксарият маросимларда зардўзи чопон кийишган. Ёнг моҳир зардузи усталар уларнинг саройларида меҳнат қилар эди. Рассом (гулбур) зар ипаклар билан тикиладиган нақш-гулларни тери ёки қалин қаттиқ қоғозга тушириб, сўнг қирқиб ажратиб олган. Мана шу гул нақшлар заррин ва кумуш иплар билан тикилиб, гулдўзи ва заминдўзи кашталар ҳосил бўлар, булар қалин қоғоз ёки силлиқ тери устида бироз бўртиб, кўзга ташланиб турарди. Маҳаллий ва Европадан келтирилган баҳмал-духобага ҳам зар кашта тикиш расм бўлган.

XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида ўлканинг шаҳар ва қишлоқ маъмурлари орасида камзул (камзур) кийиш одат тусига кирди. Камзул ёқалари тик, бўғик, баданга ёпишиб турадиган узун, белбурма европоча сюртукни эслатиб, ортида қийиқ жойи – йўрмочи, қайтарма ёқаси бўлмайди. Камзул қора ранг матодан, аксар ҳолларда сатиндан ёки костюмбоп қалин ип газламадан тикилган, улар кўйлак устидан ва чопон остидан, ёз фаслида эса тўн-чопонсиз ҳам кийиб юрилган.

Ўзига тўқ эркаклар қиш фаслида пахтали қавима чакмон, кабанак, мўйнали почапўстин кийишни одат қилганлар. Андазасига кўра чакмон тўн ёки чопондан фарқ этмайди, аммо булардан кенгроқ қилиб тикилади. Ёқаси тор, орти тик, олди торроқ бўлиб, қуйи қисмида тор-кенглиги билинмайди,

четларига эса гир айланасига жияк тикилади. Чакмоннинг ўзи эса эчки ёки туя жунидан кўлда тўқилган матодан тикилган.

Чорвачилик билан шуғулланувчи ўзбеклар иссиқ астарли жун чопон-кабанак, ўрта ва кекса ёшдагилар эса, кўй терисидан қилинган пўстин кийишган. Пўстиннинг мўйнаси ичига қаратиб тикилган, териси эса қизғиш тусга бўялган. Чопонлар сингари пўстинлар ҳам икки ёғи тугмали бўлиб, чап ёни ўнг ёғининг устига тушиб турган. Мазкур ҳамма қишки кийим-кечаклар устидан одатда белбоғ боғланмаган.

Эркакларнинг кийим-кечаклари таркибида белбоғ алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Маҳаллий газмоллардан тикилган кўшоклар, тўғри тўртбурчак шаклдаги рўмоллар, белбоғ, белқарс, кашталар билан безатилган чорсилар қийиқчалар жуда расм бўлган. Бадавлат кишилар, амалдорлар камар тақишарди. Бундай камарлар бахмал ва зар уқалардан кенг қилиб тайёрланиб, кумуш шокилдалар, нақшлар билан безатилган. Уларга залворли тўқалар ўрнатилиб, тўқаларнинг усти сирланиб, қора бўёққа бўяб қўйилган. Маҳаллий заргарлар кўлидан чиққан нақшинкор тағнишонлар қадалиб, зийнатланган. Хоразмда қиш фаслида устки кийимлар устидан узунлиги ўн бир метргача етадиган, ип газлама ёки ипакдан ишланган ўрама белбоғ боғлаб юришган.

Ислом тарихи ва ақидаларига бориб тақаладиган одатга биноан, катта ёшдаги мўмин-мусулмонлар одатда бошьяланг юрмаганлар. Йилнинг иссиқ фаслларида эркаклар уйда, кўча-куйда, меҳмондорчилик ва ишхоналарда дўппи, қалпоқ, каллапўш деб ҳар жойда ҳар хил аталадиган бош кийими кийишган.

Дўппилар муайян минтақаларда, кишиларнинг ёшига қараб турлича бўлган. Масалан, эркаклар, аёллар, болалар, жумладан, ўғил болалар, қиз болалар, эмизикли гўдаклар, чоллар ва кампирлар ўзларига хос бош кийим кийишган. Дўппилар учи чўққи, конус шаклида, ярим қубба, тағи ясси думалоқ, тўртбурчак – чорси шаклида тикилиб, ипак, заррин ип, кумуш иплар билан кашта тикиб безатилган.

Бу дўппилар қора сатиндан, бахмалдан тикилган. Уларнинг шакли дастлаб чўққисимон, гардишида кенг тасмаси бўлиб, устидан салла ўрашга мосланган эди. Кейинги даврларда дўппиларнинг шакли ўзгариб, юқори қисми думалоқ ёки тўртбурчак шаклини олди, гардишидаги кизаги торроқ қилинадиган бўлиб қолди.

Фарғона водийсида ва Тошкентда чуст дўппилари кийиш расм бўлди, уларнинг қора тусдаги матоси узра оқ ип билан қалампир ёки бодом шакли тикилиб, кизаги қатор меҳробсимон нақшлар билан безатилган. Бошдан охиригача ироқи чоки тикиладиган рангоранг дўппиларни ҳам кўп учратиш мумкин. Қашқадарё вилоятида ҳам худди шундай ироқи чоки-бахя билан зийнатланган гиламдўппилар энг кўп расм бўлганини кўрамиз. Сурхондарё вилоятида пилтадўзи дўппилар, Тошкентда эса гул (кашта) тикилган дўппилар билан бир қаторда бахмал дўппилар ҳам кийишган.

Дўппиларнинг шабпуш деб аталадиган тури ҳам бор. У тикув машинасида ёхуд қўлда бахялаб тикилган ип газлама матодан тайёрланади. Шабпўшни қишда телпак остидан ёки тунги бош кийими сифатида кийишган. Аслзода, руҳоний ва бошқа шу каби табақаларга мансуб айрим кишилар, кекса чоллар кулоҳ кийиб юришган. Кулоҳ уч ёки тўрт бурчакли мато бўлакларидан тикилиб, узун, конус шаклида тайёрланган.

Ёз фаслида Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси оқ наматдан тикилган киргизча қалпоқ, қишда эса ичи мўйнали қилиб тикилган қозоқча тумоқ кийишни одат қилишганди. Хоразм воҳаси ўзбеклари чўгурма кийганлар, у кўйнинг узун, ҳилпилдоқ жунли терисидан тикилиб, чети юмалоқ ва тепаси ясси шаклдадир. Чўгурманинг мўйнаси остида думалоқ намат қалпоқчага ўхшаш астари ҳам бўлади.

Қиш фаслида дўппи устидан думалоқ мўйнали телпак кийилган. Бухоро воҳасида ва унга туташ туманларда эркаклар ичи ковак, конус шаклидаги мўйнали телпак кийишни расм қилишган, унинг юқори қисми қорақўл мўйнасидан ишланиб, қуйи қисмига эса мўйнаси сириб қўйилган. Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида одатда мато (кўпроқ қора

бахмал)нинг уч-тўрт бўлагидан тикилган телпак ҳам кийилиб, уқаси тулки ёки сувсар мўйнаси, баъзан эса қоракўл терисидаи тайёрланган. Албатта, бундай ноёб мўйнали телпакларни бой-бадавлат кишиларгина кийишган, кўпчилик эса салла ўраган ёки дўппи устидан қийиқчани гир айлантириб ўраб юрган.

Саллалар ип газлама, ип аралаш жун матолар, дока, баъзан қимматбаҳо наф матодан тайёрланган. Аҳолининг ҳар бир ижтимоий табақаси саллани ўзига хос ўраши билан ажралиб турган. Бухорода саллани махсус услубда бошга ўраб қўядиган кишилар бўлган. Кишилар иш билан машғул бўлган ёки уйдалик пайтларида саллани ечиб қўйиб, бошларига қийиқча ёки бир бўлак матони боғлаб олишган.

Октябрь тунтаришига қадар хатто ўсмирлар ҳам салла ўраб юрганлар, кейинчалик эса саллани кўпроқ кексалар, ёш намозхонларгина ўрайдиган бўлишди. Кекса ёшдаги кишилар одатда оппоқ, ўрта ёшдагилар - кулранг, ёшлар эса рангдор салла ўраганлар. Бухоро, Самарқанднинг айрим туманларида, Зарафшон водийси ва Тожикистонда яшовчи эркакларнинг катта ёшдагилари ҳам рангли салла ўраб юрганлар. Қиш фаслида пахмоқ матодан салла ўраш расм бўлган.

Салла биринчи марта ўғил болалар бошига суннат тўйида тантанали суратда ўраб қўйилган, кейин эса бундай маросим никоҳ тўйида такрорланган, яъни уйланган йигит бошига «куёв салла» қўндирилган. Салланинг матоси одатда олти метрдан кам бўлмаслиги шарт эди. Елкага тушиб турган салла учи устига қистириб қўйилиб, фақат намоз ўқиладиган пайтдагина туширилган.

Миллий эркаклар пойафзаллари. Ҳозирги вақтга қадар юмшоқ чармдан тикилган махсилар кекса ёшдаги кишилар орасида жуда кенг расм бўлган. Кейинги даврда уларни Ўрта Осиёда кенг расм бўлган резина калиш билан бирга кийиш одат тусига айланди. Бундай калишлар илгари чармдан тикилган кавушлар ўрнини босди. Махсининг қўнжи одатда баландлиги ўртача 31-35 сантиметрдан иборат бўлиб амиркон деб номланган чармдан

лаклаб тайёрланган кавушлар билан кийилган. Эркакларнинг махсиси аёлларнинг худди шундай пойафзалидан қўнжи узунлиги билан ажралиб турган. Йилнинг иссиқ фаслларида эса кавушнинг ўзи кийилган. Бундан ташқари, баланд пошнали, чармдан тайёрланган этиклар ҳам кийиш расм бўлган. Қишлоқ жойларда пойафзаллар одмироқ бўлган. Этик билан бир қаторда чорик деб номланган оёқ кийимидан ҳам фойдаланишган. Чорик қўнжсиз, ярим очик, кўриниши куполроқ бўлиб, яхлит хом теридан тайёрланган, юза қисми гир айлана қилиб чарм боғич ўтказилган, боғич бақувват бўлиши учун от ёки туя терисидан тайёрланган. Бахясиз калта этиклар одатда юмшоқ ёки қаттиқ чармдан ишланиб, пошнасиз бўлган. Айрим жойларда бу каби этикларни «тош-товон» деб аташган.

Қиш фаслида, айниқса, ёғингарчилик пайтларида қишлоқ жойларида жаккар кавуш ёки товулдирик-уч оёқли ёғоч бошмоқлар тагига похол ёки жун патак солиб кийилган. Шунингдек, қўй терисидан мўйнаси ичига қаратиб, тўпикча тушадиган махси кийиш ҳам расм бўлган.

Ўтмишдан бизнинг кунларимизгача миллий пойафзалларнинг турли хиллари, нафис намуналари сақланиб қолган бўлиб, уларнинг рангоранг ипак иплар билан, зардўзи кашталар билан безатилганлари ўзбек хунармандларининг гўзал санъат эгаси эканлигидан далолат бериб туради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, кекса авлодга мансуб ўзбеклар миллий кийимларида ўзига хослик намуналари сақланиб қолган. Бундай анъанавий хусусиятлар аввало кийим-кечакларнинг матоларида, андазаларида, ранг-бўёқларида яққол кўзга ташланиб туради. Айниқса, оқ сурупдан этаги тиззагача тушиб турадиган, ёқаси очик, енглари билак охиригача тушиб турадиган яхтақлар, оғлари мўл қилиб тикилган оқ бўз иштонлар кекса ёшдаги кўпчилик ўзбекларнинг севимли кийими бўлиб қолмоқда. Одатда ички кийимлар оқ рангда, устки кийимлар эса кўпроқ тўқ рангларда тайёрланган. Миллий мустақиллик қўлга киритилган йилларда, миллий қадриятлар тикланиши билан ёшларимиз ўртасида ҳам истифодадан чиқиб кетган анъанавий кийимлар – тўн, махси-кавуш, дока рўмол, тўрдан

тўқилган дўппи, ироқи дўппиларни замонавий матолардан тайёрлаб кийиш расм булмокда.

Аёллар кийими. Аёлларнинг миллий кийим-кечакларидаги анъанавийлик кўпроқ кекса авлодга мансуб хотин-кизлар орасида, шунингдек, айрим ёш аёллар либосларида ҳам сақланиб қолмокда. Маросим кийимлари ҳам ўзгаришсиз сақланган.

Мазкур кийимларнинг таркиби, бичим-андазалари турли ёшдаги кишилар гуруҳлари учун турлича бўлиб, кейинги ўн йилликлар мобайнида бу соҳада турфа ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Аёлларнинг анъанавий кийим-бошлари – кўйлак, лозим, чопон, мурсак, тўн, пешмат, камзул, нимча, паранжи-чачвон (шаҳарлик аёлларнинг мажбурий устки кийими ҳисобланиб, кўчага чиққан пайтларида уларни бошга ёпиниб юрганлар)лардан ҳамда, хилма-хил рўмоллар, ранг-баранг дўппилардан иборат бўлган. Пойафзаллар эса махси, бошмоқ каби чармдан қилинган ҳамда резинадан қуйилган калишлардан ташкил топган. Аёллар кийим-кечагининг нафислиги, уларнинг хилма-хил ва гўзал бўлишига моҳир ўзбек заргарлари томонидан тайёрланган зеб-зийнатлар янада кўрк қўшган.

Ўтмишда хотин-қизларнинг асосий анъанавий ички кийими узун кўйлак ҳамда лозимдан иборат бўлган. Кўйлакнинг этаги тўпиққача тушиб, этак қисми кенгайиб борган. Қизлар киядиган кўйлакнинг ёқаси ётиқ бўлиб, четлари бошқа рангдаги мато бўлагидан мағиз билан тикиб безатилган. Ёқани икки томонидан боғич ўрнатилиб, боғлаб ёки тугма билан қадаб қўйилган. Турмуш қурган аёллар либосининг ёқаси кўкрак ўртасида тахминан 25 сантиметр узунликда қийиқ олинган йирмоч шаклида бўлиб, икки тарафи боғичлар билан боғлаб, ёки бир томонига тугма ёхуд ўртасидан Тутўғноғич қадаб юрилган. Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бундай ёқаларнинг четларига зар ишлар билан тикилган жияк (зеҳи курта) тикилган. Кўйлак енглари тўғри узун олиниб, биалаклар устига тушиб турган.

XIX асрнинг 2-ярмида Россия Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг, кийимларда ҳам сезиларли ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Тик ёқали

кўйлақлар, ёқаси плиссе қилинган (дазмол билан узунасига қат-қат бўрма солинган), хошия билан безатилган шакллар пайдо бўлди. Шундай қилиб, аввал шаҳарлар, сўнграқ эса, қишлоқ жойларида тик ёқали кўйлақ кийиш одат тусини олди. Бундай либослар «татар ёки нўғай ёқа кўйлақ» деб, Зарафшон воҳасида эса «қозоқи кўйлақ» деб атала бошлади.

Ўзбек ёш жувонлари фарзанд кўргунларига қадар тик ёқали, яъни учи юқорига қараган учбурчак шаклида парпара ёқали ёки бурма хошияли кўйлақ кийишган.

Ўтган аср охирида кўкрак қисми улама қилиниб, кўкрак бурма кўйлақлар ҳам расм бўлдики, булар аста-секин аёлларнинг севимли кийими бўлиб, ҳозирги пайтда ҳам у миллий кийимнинг асосий шаклларида ҳисобланади. Ҳозирги вақтда тик ёқали ва енгил манжетли кўйлақлар ҳам аёллар орасида оммалашиб кетди. Ёқаси узун, хошиясиз ёки тик ёқали кўйлақлар кекса аёлларнигина кийими бўлиб қолди.

Енглари узун ва тор тикилган кўйлақларнинг, енг давомига алоҳида тирсақдан то биلاقча бўлган қисмига кашта билан безатилган бўлаги тикилиб қўйилган. Қадимда кўйлақнинг мана шу жойи иш пайтида олиниб ёки шимарилиб қўйилган. Бу остин деб аталган.

Илгари аёллар уй ҳолатида битта, қиш пайтида эса устма-уст иккита кўйлақ кийиб юришган. Аслзода аёллар байрам кунлари ва кўчага чиққан пайтларида устма-уст қилиб учтагача кўйлақ кийишган, уларнинг енгил узун-қисқалик бўлиб, енг учлари кашта билан безатилиб, бирининг остидан бири чиқиб турган. Кийим-кечаклари мўллигини кўз-кўз қилиш ниятида баъзи аёллар меҳмондорчиликка борганларида яна бир нечта кўйлақларни ўзлари билан олиб кетишар ва вақти-вақти билан алмаштириб туришган. Бухоролик ёки самарқандлик бой-бадавлат хонадонларга мансуб аёлларнинг кўйлақлари сони етти-саккизта бўлиб, никоҳ тўйидан кейин ёш келинлар буларни бирма-бир кийиб, хилма-хил сепларини ҳаммага намойиш қилишган. Баъзан аёллар либос остидан ип газлама ички кўйлақ ҳам кийишган. Устки либосларнинг узунлиги эса ҳар хил бўлган, масалан, кекса

аёллар деярли ерга тегай деб турган даражада узун, ёш қиз-жўвонлар бундан бироз калтароқ кўйлақда юришган.

Аёллар уст-бошининг иккинчи бир асосий бўлаги лозим бўлиб, почалари торайиб келиб, юқори қисми қайрилиб-бахяланиб, орасидан иштонбоғ ўтказилган. Кўпинча лозим икки хил матодан тикилган, яъни кўйлақ остидан чиқиб, кўриниб турадиган қисми қимматроқ ва чиройлироқ, юқори қисми тиззадан белгача арзонроқ газмолдан тайёрланган. Лозим почаларининг четлари нафис қилиб кашта тикилган жияклар билан безатилган. Лозимларнинг кенглиги ва узунлиги турлича бўлган. Барча катта ёшдаги аёллар узун почали лозимда, ёш қиз-жўвонлар эса калтароқ лозимда юрганлар.

Пахтали қавима чопонлар аёллар устки кийимининг бир тури бўлиб, улар эркаклар чопонидан фарқли ўлароқ бичими узунроқ, ёқаси очикроқ ва кенгроқ бўлган. Аёллар чопонининг енглари эркаклар чопони енгига нисбатан калтароқ ва кенгроқ қилиб тикилган. Хоразм аёлларининг пахталик чопонлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Улар устки қисми кўлда қавилмай, тикув машинасида майда йўл-йўл қилиб бахяланган, тирсак қисмида эса кўлни чиқариб ювмоқ учун 7-10 см. ҳажмда йўрмоч қолдирилган. Иш пайтида енг ҳалақит бериб, ифлос бўлмаслиги учун енг учлари шимариб қўйилган.

Қишлоқ жойларда, айниқса, Зарафшон водийсида аёллар ёзда астарсиз чопон кийиб юришган. Шунингдек, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг хотин-қизлари орасида ҳам кишилиқ устки кийим сифатида енгил, фақат аврадан иборат, узун, олди очик румча чопон кийиш расм бўлган.

XX аср ўрталарига келиб аёллар чопони ўрнини камзул эгаллаб, чопон фақат кекса аёллар устки кийими сифатида сақланиб қолди.

Чопоннинг яна бир тури – мурсаклар ҳам кийилган. Тошкентда – мурсак, Хоразмда – мисак, Самарқандда – калтача, Фарғонада - мунисак, мунсак, Бухоро ва Шахрисабзда – калтача номлари билан аташган. Мурсакнинг чопондан фарқи шуки, унда енг остидан бурма қилиниб,

барлари улама қийиқ ҳисобига кенгайтирилган бўлади, этаклар худди чопон барларига ўхшаб, бирининг устига бири тушиб туради, ён томонларда йўрмоч бўлади. Мурсак пахта солиниб қавилган бўлиши ҳам мумкин.

XIX аср иккинчи ярмига қадар Тошкент аёллари киядиган мурсакнинг энглари оддий чопонларнинг энгларидан бирмунча калтароқ бўлган. Кейинчалик мурсакнинг энглари тирсаккача узайтирилди. Самарқанд мурсакларининг энглари қўл панжаларигача тушиб турган. Бухоро ва Қашқадарёда мурсак энглари кенг тикилган. Хоразмда эса мурсак чопондан фақат энглари билан фарқланган.

Қадимда мурсак аёлларнинг одатдаги кишилиқ уст кийими бўлган бўлса, XX аср бошларига келиб, мурсак таъзия маросимларида устидан белбоғ боғланиб кийиладиган кийимга айланди. Самарқандда мурсак тўй маросимлар ва меҳмондорчиликларга кийилаверди. Кейинчалик мурсак ҳар бир аёл сандиғида ўлимлик либоси сифатида сақланиб, вафот этганида устига ёпиб қўйиладиган бўлди. Шундай қилиб, мурсак маросим кийимига айланди.

Россия Ўрта Осиёни босиб олгач, ўлкада янги бир шаклдаги кийим – камзул (камзухур, камзур, пешмат) расм бўла бошлади. Камзул белга бироз ёпишиб турадиган, калта, тор энгли, чуқур ўмизли қайтарма ёқали, баъзан белбандли, ёнларида, баъзан кўкрак қисмидан чўнтаги бўлган чопондир. Камзулларни кўпинча ёрқин рангли йўл-йўл беқасамдан, рангли бахмалдан, тукли духобадан ва бошқа хил четдан келтирилган газмоллардан тикилган.

Айни ўша даврда Тошкентда энгсиз, калта нимчалар, Фарғонада камзуллар пайдо бўлди. Нимчани кўпинча қора бахмалдан тикишган. Қиз болалар қора сатиндан тикилган этаги каштали нимча кийишган. Нимча аёллар миллий кийимининг зарурий бўлагига айланди.

Паранжи аёллар миллий кийимининг бири бўлиб, шаҳарлик аёллар ҳамда бой қишлоқ хотин-қизларининг қўчага кийиб чиқадиған ёпинчири эди. Урф-одат, одоб-қоида, ҳар хил ирим-сиримлар (булар болалик давридан

бошлаб қизлар қулоғига қўйиларди) паранжи тутишни албатта тақозо этган, мазкур ақидага риоя этиш-этмаслик ҳоллари тартибга солиб турилар эди.

Паранжи катта ва кенг чопонсимон бўлиб, узун, тор сохта енглари сочвоқлари орқага ташланиб, қуйи қисми бир-бирига улаб қўйилган. У аёлнинг бутун бўйи, қадди-қоматини бошидан то оёғигача яшириб турган. Юзи эса қора от ёлидан тикилган қалин, тўрт бурчакли тўр чачвон (чиммат) билан беркитиб юрилган. Чачвоннинг чети одатда қора сатин хошиядан тикилиб, тикув машинасида чокланган. Тўр қисмига кўзмунчоқлар кўз тегмасин деб, тақиб қўйилган.

Паранжи аслида форсча сўз бўлиб (фаранжи), либос, қўйлак, деган маънони англатган. Дастлаб паранжи Мисрда пайдо бўлиб, у ердан ўзга мамлакатларга тарқалган.

Ўрта Осиёда Шайбонийлар сулоласи даврида паранжи-чопон олимларнинг кийими саналган. Бундан илгарироқ Темурийлар замонида Марказий Осиёда ва сўнгра Бобурийлар замонида Ҳиндистонда алломалар, давлат амалдорлари, рухонийлар паранжи либоси кийиб юришган. «Паранжи» сўзи ҳам эркаклар, ҳам аёллар кийими маъносида ишлатилган.

Қадимда Ўрта Осиёда паранжига ўхшаш кийим ҳам бўлган. Бу чиройли, қимматбаҳо кийим феодализм даврида янгича дидга биноан ўзгариб, янгиланиб борган, аммо асл шаклини йўқотмаган. Шундай қилиб, Ўрта Осиё аёлларининг паранжиси қадимий фаранжи, яъни ёпинчиқ сифатида тутиладиган устки, байрамона кийимдан келиб чиққан. XVI асрдаёқ унинг узун ва ноқулай енглари безакка айланган. XVIII аср охирида эса «амалий вазифа»сини бутунлай йўқотиб, узун тасма шаклини олиб, ҳақиқий енг сифатида тикилиб, орқа тарафга ташланиб учлари бир-бирига тикиб қўйилган.

Сўнги даврда эса паранжининг вазифаси ўзгариб, у аёлларни бегона назардан яширишга хизмат қила бошлаган. Паранжи тутиш аёл кишининг юзи ва қадди-қоматини мумкин қадар беркитишни талаб этган ислом ақидаларига мос келарди.

Совет даврида турмушни қайта тузиш жараёнида Ўрта Осиё республикаларида паранжи деярли йўқотилди.

Чачвон ёки чиммат («чашмбанд» сўзининг бузилгани, «кўз боғлогич мато» маъносида келади) пайдо бўлиши дастлаб паранжи билан боғлиқ бўлмаган. Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган юзни ёпиб юриш одати XV асрдаёқ қайд қилинган. XIX аср охири XX аср бошларида чачвонни асосан лўли қавмига тегишли тўқувчилар тўқиганлар.

Ўзбек аёллари кийим-кечагининг таркибий қисмларидан бири – **бош кийимидир**. Энг анъанавий бош кийим – жуда хилма-хил услубда ўраладиган чорси, яъни тўғри бурчак шаклидаги рўмолдир. Бухорода катта кийик рўмолни – ридо, Фарғона водийсида – қалгай, Хоразмда – ипак рўмол деб аташган. Ўтган асрда Русия фабрикаларида ишлаб чиқилган рўмоллар, айниқса, машҳур бўлиб кетганди. Гуллар тикиб ишланган ипак рўмол – фаранг рўмол, бурчакларига гулдаста ва ўртасига безак солинган – чоргул, хил-хила, харир рўмол, нақшли кашмири шол рўмоллар шулар жумласидандир.

Бадавлатроқ аёллар маросимларда олтин ёки кумуш ишлар билан зийнат бериб тикилган рўмол ўрашган, булар Русиядан ёки Афғонистон ва Ҳиндистондан келтирилган. Бегим кунлари аёллар бошларига оқ дока рўмол ташлаб юришган, уларнинг айримларининг четлари кашта билан безатилган.

Ёш қизлар асосан дўппи кийишган. Қадимда дўппи ўрнига қалпоқча кийиб, устидан рўмол ёки дастор ўрашган. Қалпоқчалар култа ёхуд кийигич деб аталиб, гардиши юмшоқроқ матодан энли, пешонани сиқиб турадиган қилиб тикилган. Қадимги қалпоқчаларнинг учида узун, тўғри бурчакли мато бўлаги билан бирга думалоқ шаклда очик жой қолдирилган, кўпгина ўзбек қиз-жўвонлари унинг атрофини чоклаб-тикиб, шу қопча орасидан сочларини ўтказиб-тушириб қўйишган. Хонлар саройида ёхуд бой-бадавлат хонадонларнинг аёллари асосан зар ишлар билан гул солинган калтапушак кийиши асримиз бошларигача давом этиб, кейинчалик гул тикилган дўппилар кийиш расм бўлган.

Қадим замонларда аёллар бош кийимидан яна бири салла - дастор ўраш расм бўлган. Аммо Самарқанд шаҳрида XIX аср ўрталарида, Тошкент ва Андижон вилоятларида эса, ўтган асрнинг сўнгги чорагидаёқ дастор ўраш одат бўлмай қолган эди. Ўтмишда чорвачилик билан шуғулланган аҳоли ҳудудларида ҳозир ҳам дастор шакли бироз ўзгарган ҳолда учраб туради. Кўпгина аёллар дасторни махсус бош кийим – лачак устидан ўрашган. Лачак аёллар юзини ўраб, кўкракни ёпиб турган. Айрим ўзбек уруғларида, хусусан, Амударё маисабида яшайдиган уруғларда лачак бошга ўраладиган бир парча мато бўлагидан иборат бўлиб, орқа қисми бурчак шаклида елка ортига ташланган. Калтароқ қисми елка олди ва кўкракнинг бир томонини ёпиб турган, юз кўриниб турсин учун махсус кийик жойи бўлган. Лачак иякни қисиб, кулоқларни очик қолдиради, устидан култа, яъни калта чопон ташланади. Лачак қозоқ ва қорақалпоқ аёлларининг бош кийими – кимишекни эслатади.

Лачакни асосан карбос – ип газламанинг бир туридан тайёрланган. Самарқандда у узунроқ мато бўлагидан иборат бўлган.

Жанубий Хоразмда лачак, дастор ўралган, унинг бир учи кўкрак узра туширилиб, ияк остидан ўтказиб қўйилган ва юзни ўраб-чирмаб олган. Бухоро атрофида яшовчи аёллар, ўзбекларнинг қарлуқ қабиласига мансуб аёлларнинг қопдон, қасава ва шохбош каби бош кийимлари мавжуд бўлган.

Ҳозирги вақтда кўпчилик ўзбек хотин-қизлари юқорида тавсифланган қадимий бош кийимларни киймай қўйганлар. Турли хил рангдаги, катта-кичик матолардан тикилган рўмол уларнинг асосий бош кийими саналади. Рўмол ўраш услублари ҳам ўзгарган, булар эндиликда аёлларининг оилавий ва ижтимоий мавқеини акс эттирмайди. Рўмол осон ўралса, ўзи чиройли бўлса, бас.

Фақат кекса авлод аёллари доқа рўмол ўраб, учларини икки елка ортига ташлаб қўйишади.

Фарғона водийсида рўмолнинг алоҳида бир тури расм бўлган, у чорси шаклида бўлиб, учлари бурчакма-бурчак қилиб тахланиб, бошга ўралиб,

устидан қора ёки қорамтир тусдаги дуррача ташланган. Дуррача пешонага тангилиб, учлари гарданда кесиштирилади ва яна пешона устига ўтказиб боғланади, қорамтир рўмол орасига қистириб қўйилади. Сўнг шу рўмол устидан бир парча мато – доқа боғланиб, учлари орқага боғланади. Бухорода доқа ўрнига узун шаша доқа ишлатилади.

Бизнинг кунларимизда ҳам рўмол устидан боғланган дуррачани Тошкент вилояти айрим туманларида яшовчи аёллар бошида учратиш мумкин. Кўп ҳолларда рўмол ўрнига фабрикада чиқарилган кичикроқ рўмол – дурра ўралади. Баланд мартабали кишиларининг аҳли аёли бошларига куббадор зардузи телпак кийишган, зардузи пешонабанд тақишган. Айниқса, янги турмуш қурган келинлар, ёш жувонлар меҳмон кутган ёки меҳмондорчиликка борган кезларида қуйидаги зеб-зийнатларни кўз-кўз қилишган, улар аёллар кийимининг таркибий қисми ҳисобланган.

Тиллақош - юпқа тилла ҳал юритилган кумуш пластинкадан ясалиб, феруза ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Айниқса Бухоро, Тошкент ва Фарғона водийсида расм бўлган.

Осмадўзи – қошга ўхшаб ишланиб, пешонага тақилади, шокилалар, нодир тошлар билан зийнатланади, кўпроқ Хоразм воҳасида расм бўлган.

Баргак – бу ҳам пешонага боғланиб, ўртасида ноёб тошлар жойлаштирилган, унинг атрофи майда феруза тошлар, баъзан шокилдалар билан безатилган. Асосий қисми - тўғри тўртбурчак шаклидаги пластинкалари ошиқ-мошиқчалар билан бир-бирига маҳкамлаб қўйилган. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона водийсида энг кўп тарқалган.

Зебигардон - бўйинга тақилиб, кўкракка тушириб қўйилади, халқача, садаф, мунчоқ маржонлар бир-бирига бириктириб ясалишидан ҳосил бўлади, куббалари қимматли тошлар билан безатилган. Юқорида саналган вилоятларда кенг расм бўлган.

Узук – учинчи бармоқдан ташқари (бу бармоққа фақат ғассоллар тақишади) барча бармоқларга тақса бўладиган зийнат белгиси бўлиб,

ўртасидаги кўзига нодир тошлар ўрнатилган, ўзи олтин, кумуш, мисдан ясалган.

Билакузук, дастпона – тилла, кумуш, мисдан, мунчоқ, маржон шодаларидан ҳам ясаиб, бодомча, япалоқ, илонбоши, бақабوشي, росмана, кичик билакузук каби турлари мавжуд. Бухоро ва Самарқандда шабака, Хоразмда – залворли билакузук, Тошкент ва Фарғона водийсида – вазни енгил, ўйма нақшли қора кумуш суви юритилган билакузуклар кўпроқ учрайди. Бухорода шибирмак деб аталадиган хили ҳам бўлиб, кўзига ёқуттош, атрофига дурлар ўрнатилган, гултожибарг шаклида ишланиб, шокила ва баргаклари бўлади.

Исирга, зирак – аёллар ёқтирган бу зийнат буюмнинг кўзида ноёб тош ўрнатилиб, майда шиша тошчалардан иборат шокилалари ҳам бўлади, кашқар – балдоқ, ойбалдоқ, халқа кабилар ҳам қулоққа тақилиб, олтин ва кумушдан ишланади, кўпроқ Фарғона водийсида учрайди.

Булоқи, холбинни – бурунга тақиладиган исирғалардир.

Октябрь тунтаришидан аввал ўзбек қиз-жувонларининг зеб-зийнатлари жуда хилма-хил бўлиб, бош, пешона, гардон, чекка, соч, қулоқ, кўкрак, бармоқ, билак, бўйин, бурун, қўлтиқ, белга тақилган.

Биз таърифлаб ўтганларимиздан ташқари кўкракка - мурғак, нозигардон, бўйинга - тумор, маржон, бозбанд, бошга олтин тумор, қўлтиқ остига - қўлтиқ тумор, белга - камарбанд, сочга - сочпопуклар, туф, зулфи тилло, осма безак, бутундирноқ, яримдирноқ кабилар тақиб юрилган.

Маҳаллий аҳоли турмушида заргарлик буюмларининг аҳамияти катта бўлиб, шу зеб-зийнатлар соҳибалари ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ўрни ҳамда мавқеи қай даражада эканлиги кўриниб турган. Бундан ташқари, бадий жихатдан қандай қимматбаҳо тошлар билан безатилгани, қайси моҳир усталар томонидан ясалганлигига қараб ҳам баҳоланган. Марварид ва ноёб тошлар билан безатилган зеб-зийнатлар асосан аслзодалар, хон ва амирлар саройи аъёнлари учун ишланган. Ўртаҳол аҳоли табақалари орасида кўпроқ кумуш суви юритилган, ранго-ранг тош ва

шишачалар билан безатиладиган тақинчоқлар расм бўлган. Камбағаллар кумуш, мис, биринж ва шишалардан ишланган заргарлик буюмларини тақишган. Энг оммавий равишда тарқалган зийнатлар асосан кумушдан ясалган.

Зеб-зийнатлар турли техник усуллар қўлланилиб ясалган: олтин, кумуш, мис, қалайи, жез каби хомашё маъданларни эритиш ва қўйиш (табанак), хойис болға билан болғалаш (хоискори), қолиплаш (қолипаки), (шабака), майда-нозик ишларни бажариш (рахкори), зиғирак ва ҳоказо.

Заргарлик буюмларини жимжимадор уйма нақшлар (кандакори), шакллар (чизма) билан безаганлар. Гул-нақшлар ва улар атрофига қора кумуш суви ёки мийно эмалини бир текис суртиб, жило берганлар. Узук, зирак, тиллақош, зебигардон ва бошқаларга феруза, маржон, садаф, ёқут, зумрад, дур кабилардан кўз солганлар, бундай кўзлар ўрнига кўпинча шиша ва маржон, рангдор ойна ҳамда майда мунчоқларни ҳам ўрнатишган.

Бухоро, Хива, Қуқон, Самарқанд, Шахрисабз, Қарши, Марғилон, Тошкент, Наманган, Андижон каби шаҳарларда яшаб, ижод этган моҳир заргарлар ўз нафис буюмларини ўша даврларда расм бўлган намуна - андазалар асосида истеъмолчиларнинг буюртмаларидан келиб чиқиб ясаганлар. Маҳаллий халқ усталари ижодида кўшни мамлакатлар билан маданий-иқтисодий алоқалар ва мазкур ўлкаларда яшаган усталарнинг тажрибаси акс этган. Улар нафақат аёллар учун, балки бу нафис ҳунармандчилик қадрига етадиган юксак дидли кишилар учун тинимсиз меҳнат қилиб, чинакам санъат асарларини яратганлар.

Пойафзал ҳам аёллар кийимининг муҳим қисми. «Дўст - бошга, душман - оёққа қарайди», деган мақол бор. Аммо ўлкамизда дўстлар ҳам пойафзалга алоҳида аҳамият беришади. Аёллар пойафзали хилма-хилдир. Улар кўчага пошнаси юмшоқ, қўнжи узун махси-калиш кийиб чиққанлар. Бойроқ аёллар чармга ироқи кашта тикилган махси ва кавуш кийишган. Айрим жойларда қиш фаслида ёғоч кавуш кийилган.

Юқорида қайд этилган либослар ўзбек аёлларининг бош-оёқ сарпоси, яъни миллий кийимлари тўғрисида тушунча беради, деб ўйлаймиз.

Маросимлар кийими. Маросимлар кийими тўй ва мотам кийимларидан иборат.

Одатда ўзбекларда қизнинг сепи тўйдан анча илгари тахт қилиб қўйилади. «Қизингни бешикка сол, сепини - сандикқа», - дейди халқимиз.

Хилма-хил буюмлар, уй-рўзғор жиҳозлари билан бир қаторда турфа газлама ва кийим-кечаклар келин сепининг энг муҳим зарурий қисмиини ташкил этади. Тўй кийимлари албатта оқ рангда бўлиши керак, чунки бу ранг бахт-саодат тимсоли ҳисобланган. Шу сабабли ип газламадан махсус оппоқ либос тикилган, унинг бичими узун олиниб, этаклари тўпиққача тушиб турган, ёқалари замонавий услубда, енглари эса, кенг ва бармоқларни ёпиб турадиган даражада узун бўлган. Бу каби оппоқ келин либоси ҳозиргача расм бўлиб келаётир. Келиннинг рўмоли ҳам шундай тусда, баъзан кашталар билан безатилган, ип газламадан тикилган, яп-янги пойафзаллар эса анъанавий маҳси ва туфли ҳамда кавушдан иборат бўлган.

Келин куёвнинг уйига узатилаётган пайтда бошига паранжи ёки чопон ёпиб, юзини харир рўмол билан бекитишган. (Мазкур одат Самарқанд ва Бухорода кенг тарқалган). Тўйнинг эртаси куни «келин салом» пайтида келин гул-нақшлар билан безатилган рўмолни ўнг қўлида ушлаб турган. Самарқандда келин сарпоси 15 - 20 чиройли кўйлақлардан ташкил топиб, ҳаммаси одатда маҳаллий ва четдан келтирилган газмоллардан махсус бичилган, этаклари узун бўлиб, устидан мурсак, камзул, нимча кабилар кийиб юрилган.

Эркаклар тўй сарпоси одмироқ ва хиллари камроқ бўлиб, оқ кўйлақ ва иштон, оқ, салла, дўппидан иборат. Кўйлақ устидан кийиш учун маҳаллий косиблар дастгоҳида тайёрланган газламадан қавима тўн, белбоғ, чарм пойафзал, асосан, этик кабилар ҳам тўй кийимлари сирасига кирган.

Тўй кийимлари келин-куёвларнинг қайси ижтимоий табақага мансублигига қараб йиғилган. Камбағлароқ оилалар сарполарни кўпроқ

қўлда тўқилган ип газламалардан, бойроқ хонадонлар эса нимшойи, ипак, бошқа мамлакатлардан келтирилган фарангий матолардан тиктиришган.

Ўзбекларнинг мотам маъракаларида киядиган устбошлари, асосан, аёлларга мўлжалланган, эркакларда махсус таъзия кийими бўлмасада, белга белбоғ боғлаб, бошига дўппи кийиб туришган.

Агар оилада бирон-бир яқин қариндош вафот этса, аёллар уч кун ичида ўзлари кўк ёки қора тусдаги матолардан кўйлак тикиб олишган. Азанинг тўртинчи куни мана шу мотам кийимнинг кийиш маросими ўтказилиб, суюк таом тарқатилган. Мазкур кун «кўк кийди» деб номланган. Иримига кўра, мотам либосларининг энг ва этак учлари чокланмаган бўлади. Орадан йил ўтиб, кўк кўйлаklar ечилиб, оқ кўйлаklar кийиш маросими — «оқ кийди» уюштирилган.

Тошкент ва Фарғона водийларида таъзия кунлари аёллар мурсак кийиб, белбоғ боғлашган. Ҳозирги пайтда мурсак вафот қилган аёл кишининг тобути устига ёпиб қўйилади.

Самарқанд, Бухоро вилоятларида мотам маросимида аёлларга оқ кўйлак кийиш ва оқ рўмол ўраш расм бўлган.

Янги туғилган чақалоқнинг умрида биринчи кийими «чилла кўйлак» деб номланиб, у ип газламадан тикилар ва қирқ кун мобайнида, яъни гўдакнинг чилласи чиққунга қадар кийдирилган. Чилла кўйлак ёқасиз (ёқалилари оз бўлса-да, учраб туради), ўнг ёки чап елка томони кийилган бўлади. Чақалоқнинг нозик баданига заррача шикаст етказмаслик учун этаги ва енглари чокланмайди. Ундан ташқари одатга кўра, шундай кўйлакча кийган фарзанд кетидан яна бошқалари туғилади, деган иримга риоя қилинади, сўнг Дуолар ўқилади. Чақалоқнинг чилласи чиққач, унга аввалгиси каби яхлит мато бўлагидан тугмасиз яхтакча кийдирилади, бунинг ҳам енглари тўғри ва кенг қилиб бичилади, олди тарафи бутунлай кийилган бўлади. Кўпчилик оилаларда боланинг боши сиғадиган даражада, ётиқ ва учбурчак шаклида ёқа қийилади. Енглари яхлит тарзда бичилиб, қўлтиқ ости

ва елка қисмлари ҳаммавақт бус-бутун мато бўлагидан тиқилади, яъни чоки бўлмайди.

Уч-тўрт ёшдаги ўғил, қиз болаларнинг кўйлакчалари бир хил бичилади. Ёқаси тик турадиган «қозоқи кўйлақлар» тиқилади. Буларнинг елка қисми узунасига тўғри бичилиб, чокланиб, енглари учи томон торайиб боради, ёқаси кўшиб тикилиб, ётиқ шаклда йирмочи бўлади, унга мағиз қилинади.

Ётти-саккиз ёшларидан бошлаб болалар катталар кийимига ухшатиб бичилган кийим-кечакларни кия бошлайдилар.

Қиз болалар одатда этаги тўпикқача тушадиган кўйлак ва узун иштон киядилар. Болалар иштони қуйи қисмигача, тахминан болдир ўртасигача кенг бичилиб, пастки қисмига боғич ўтказилади.

Қиз болаларнинг устки ва ички кийимлари кўпинча бир хил, қизил ёки тўқ қизил тусдаги газламалардан иборат бўлган. Бош кийими - дўппи эса кашталар билан чиройли қилиб безатилган.

Ўғил ва қиз болалар ўн ёшдан ошганларидан кейин ёқаси ётиқ кийилган кифтаки кўйлакларда юрганлар, буларни ўғил болалар ўн олти - йигирма ёшгача, қиз болалар эса то турмушга чиққунларига қадар кийишган.

Болалар иссиқ кийими сирасига кирадиганлари орасида нимча билан камзулни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Нимча билан камзулни баҳор, куз ойларида асосан кечқурунлари ва қиш фаслида кийишган, шунингдек, калтароқ қавима пахтали, гуппича ҳамда ёқаси ётиқ, жун астарли кўйлаклар ҳам расм бўлган. Бунинг ичидан эса газламадан тикилиб, тиззагача тушиб турган кўйлак кийишган, у гуппича учун ўзига хос астарлик кийим саналган. Гуппича устидан пахтали қавима тўн ёхуд астарли, ёқаси очик тўн ҳам кийишган. Бўйи ўсганда ҳам кийсин, деб тўнни боланинг бўйи-бастидан узунроқ бичишган, дастлабки вақтда у оёқларнинг устини ёпиб турган.

Бола атак-чечак қила бошлагач, кўйлаги ёки бирон-бир устки кийими устидан белбоғ боғлаб қўйишган.

Устки кийимларни ифлос бўлишдан сақлаш учун 3 - 4 ёшгача болалар бўйнига «ошхўрак» деб аталган ва кўпроқ кўкракни ёпиб турадиган фартуклар кийдиришган.

Қавима пахтали дўппи (тахя), укпарлар, попуклар билан безатилган қалпоқча (дўппи), болалар бош кийимлари сирасига киради.

XX аср бошларида қизлар киядиган камзул ва астарли нимча - камзулчалар расм бўла бошлайди. Уларнинг юқори қисми бахмал ёки духобадан, баъзан ипак, беқасам ёки одми ип газламалардан тикилган.

Усти нафис газмолдан тикилганлари эса юпқа юмшоқ пахта билан қавилган. Буларнинг елка қисми чокланиб, ўйма ўмизи ҳамда барларида тугмалар ва ўйма илмоқлар бўлади.

Қавима тўн ёки чопон болалар қишда киядиган устки кийимлардир.

Бу фаслда улар бошларига қавима қалпоқ (тумоқ), мўйнали телпак кийганлар ёхуд дўппилари устидан қийиқча ва белқарс боғлаб олганлар. Кавуш, этик, махси ва ҳоказолар қишки пойафзал ҳисобланиб, қўлбола, бачкана махсилар қизил, жигарранг тусдаги чармдан тикилган.

Замонавий кийимлар. Ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитга боғлиқ ҳолда халқимиз турмуши мана шу даврга хос зиддиятлар таъсири остида ўзгариб борди.

Кейинги юз йиллик мобайнида барча моддий маданият соҳаларида бўлгани каби, ўзбек халқининг кийим-кечакларида ҳам мураккаб ўзгаришлар содир бўлди. Анъанавий халқ кийим-кечакларида янги белгилар аввалгилари билаи қоришиб кетди. Замонавий шаҳарга хос модалар қайта тикланган шакллар билан бирга кенг тарқалаверди. Турли авлодларга мансуб кишилар кийими турли даражада ўзгаришларга дучор бўлди.

Мазкур ўзгаришларнинг суръатлари ҳам гоҳ тез, гоҳо секинроқ кечди. Ўйигирманчи йилларда фақат эркаклар кийими жиддий равишда янгиланган бўлса, кейинчалик аёллар кийимида ҳам аста-секин ўзгаришлар рўй берди. Минтақаларда яшовчи кишилар кийим-кечаклари ҳам улар ижтимоий-сиёсий тараққиётига боғлиқ тарзда қисман янгиланиб борди.

Ўзбекистон собиқ совет даврида ҳам аввалгидек Россиянинг хомашё базаси бўлиб қолаверди. Республика қишлоқ хўжалиги бутунлай пахта толаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилаверди. Бу ниҳоятда кенг кўламда ишларни амалга ошириш учун жуда катта ишчи кучи бўлишини талаб этар эди. Шундай куч топилди ҳам. Унинг асосий манбаларидан бири ўзбек хотин-қизлари эди. Асрлар давомида ўнлаб фарзандларни боқиб, катта қилиб келган, кўпроқ уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган аёлларимиз мажбуран ишга солинди.

1927-1929 йилларда ана шундай каттиқ сиёсат юргизилиши натижасида аёлларимизнинг ҳам турмуш тарзи кескин равишда ўзгариб, кундалик ҳаётида, юриш-туришида, кийим-кечагида турфа янгиликлар содир бўла бошлади. Миллий кийимларга хос нафислик ва гўзаллик чекиниб, узун чиройли либослар энди ишхона ва деҳқончилик ишларига мослаштирилган калта енг, тор, қисқа этакли кўйлақлар билан алмашинди.

Умуман, хотин-қизлар кундалик кийим-кечаги трикотаж, чит ип газламалардан тикилган кўйлақлар, кичикроқ рўмол, туфли, калишдан иборат бўлиб қолди. Аммо қишлоқ жойларда, айрим шаҳар маҳаллаларида яшовчи аёллар бошларига албатта рўмол ўраб юрадилар, чунки у ёзда офтоб тигининг, қишда совуқ ва шамол таъсирининг кучини қирқади, офтоб уришдан, шамоллашдан асрайди.

Аёлларнинг кишилик кўйлақлари ип газлама, атлас, жун газлама, шойи кабилардан тикилади. Кун салкин келган вақтларда устидан жун кофта ва пиджак кийилади. Ёш қиз-жувонларнинг кузда ва қишда устки кийими - одатда фабрикада тайёрланган пальто ёки плаш, курткадан иборат. Баҳорда - кўйлақ, жемпер ёки енгил плашдир. Бошга жун тивит рўмол, мўйнали қалпоқ кийилади. Ёши олтмишдан ошган аёлларнинг кундалик ва кишилик кийимларида миллий ўзига хослик деярли сақланиб қолган. Туфли (қўнжли, пошнали ва пошнасиз), қўнжсиз этик ва қўнжли, мўйнали этик - аёллар пойафзали сирасига киради. Кейинги пайтларда эса, махси-калиш қайта расм бўлиб бормоқда.

Эркаклар кийими европача костюмдан фарқ қилмай қолган. Ёзда эркаклар кишилик кийими одатда енгил узун ёки калта кўйлак, жун ёки сунъий матодан тикилган шим, ип газлама пайпоқ ва туфлидан иборатдир. Салқин пайтда улар кўйлак устидан костюм, бошларига дўппи, шляпа ва енгил плаш, ва оёққа иссиқ туфли кийишади. Ич кийимлари - майка ва трусик. Қиш пайтида - иссиқ жун пальто, баҳор-куз фаслларида - енгилроқ астарсиз пальто ёки астарли плашда юрилади.

Миллий-анъанавий устбошлар орасида пахта солиб қавилган ёки астарсиз, енгил тўн, чуств ёки гулдор дўппи ҳамон кенг тарқалган. Шаҳарларда тўн ва дўппи уйда ёки маҳаллада, маърака-маросимларда кийилади, қишлоқ жойларда эса булар эркакларнинг кундалик устбошидир.

Ҳозирги пайтга келиб, катталар кийими каби болалар уст-боши ҳам жуда ўзгариб-янгилиниб кетди. Кўпгина ота-оналар қадимий урф-одатларга зид равишда ҳали бола туғилмасданоқ магазиндан йўргак, чилла кўйлак, қалпоқча кабиларни харид қилиб, сақлаб қўядилар ёки фабрикада тикилган шундай кийимлардан андаза олиб, ўзлари тикишади. Бола мустақил равишда ўтира ва юра оладиган бўлганидан кейин унга иштонча, кўйлакча, кофтача, иссиқ жун пайпоқ ва бошмоқчаларни кийдириб қўйишади. Ҳозир бир ярим, икки яшар болалар учун йилнинг ҳар бир фаслига мос ўз кийим-кечаги бут қилинади, бир ёшдан бошлаб унга иссиқ кийимлар - пальточа, қалпоқча, туфли кабилар ўз вақтида тахт қилинади. Ёш болаларнинг, айниқса, катта ёшдаги фарзандларнинг деярли жамики уст-бошлари фабрикада ишлаб чиқарилган бўлиб, уларда миллий-анъанавий унсурлари камдир.

Лекин қишлоқ жойларда айрим ота-оналар бундан мустасно равишда ўғил болалар учун қавима тўн, дўппи, этик, қиз болалар учун бурмали узунроқ кўйлак, каштали дўппи, тўпиққача тушадиган лозим тикишади ёки тайёрини бозордан сотиб олишади.

Шундай қилиб, ўзбеклар миллий кийими ҳозирги асрда деярли тубдан фарқ қилади, бичим-андозаси янгиланиб, бош кийим ва зеб-зийнатлардан фойдаланиш борасидаги анъаналар ўзгарди. Ёшга, мавсумга, минтақага

қараб кийиниш соҳасидаги талаблар ҳам ўтмишдагидан анча фарқ қилади. Эндиликда магазинлар ва бозорлардан сотиб олинadиган кийимлар хили, тури, ранги хилма-хил бўлгани ва мода талабларига мослиги сабабли, уларни танлаб кийиш эҳтиёжи ҳам табора ошиб бораётир.

Миллий қадриятлар тикланган сари анъанавий кийим-кечакларга бўлган қизиқиш ва талаблар ҳам ортиб бормокда.

Анъанавий кийим бичиқлар. Узоқ асрлар давомида бир-бирларига ўзаро маданий таъсир кўрсатиб яшаган Ўрта Осиё халқларининг қадимги кийимлари айрим миллий ва ҳудудий белгилари билан фарқ қилишларига қарамасдан, умумий асосдаги ягона этнографияда тахминий «туникообразный» деб номланган тўғри бичиқда бичилган. Бу бичиқ Ўзбекистан ҳудудида икки усулда бажарилгани ва ҳар икки усул ҳам жуда қадимдан мавжудлигини илк ўрта аср даври сарой деворларига чизилган расмларда ва XV-XIX аср миниатюраларидаги кишилар устидаги кийимларда кўриш мумкин.

Ўзбекларнинг анъанавий кийимлари асосан кўйлақ, иштон ва тўндан иборат бўлиб, уларни бичишда ўлчов бирлиги сифатида қариждан фойдаланилган. Бош бармоқ ва жимжилоқнинг ёйиқ ҳолати бир қариқ ҳисобланган, бундан ташқари бармоқларнинг ёйиқ ёки жипслашган ҳолатидан ҳам фойдаланиб, уларни 1,2,3 ва ҳоказо эн деб юритилган.

Кийим бичишда қайчидан фақат қия қисмларни қирқишда фойдаланганлар, бошқа пайтларда пичоқ ёрдамида матони йиртиб бичаверилган.

Чоршанба, пайшанба кунлари кийим бичиш, шунингдек, жума куни янги кийим кийиш ҳосиятли деб ҳисобланган.

Илгари ҳар бир хонадонда аёл киши оила аъзоларига кийим бичиб тикишни билган, бичиш қўлидан келмаган аёллар эса, яхши бичадиган аёлларга бичтириб, тикканлар. Шу билан бирга айрим кийимларни тикишга ихтисослашган тикувчилар ҳам бўлиб, уларни тўнчи, паранжи тикувчи, мурсак тикувчи, бичиқчи, чевар деб юритишган, кейинчалик тикув

машинаси ҳаётимизга кириб келгач, уларни олдинги номлари билан бир қаторда машиначи деб ҳам аташган.

Тўғри бичикнинг биринчи усулида бичилган кўйлак ёки тўн танаси, бўйи, қадди (олди-орқаси) елкадан буклаб ташланган яхлит бир, бир ярим эн матодан (илгари маҳаллий газламалар эни энсиз 24 см дан 51 см гача бўлган) ташкил топган. Тананинг елка қисмида ёқа ўрни ўйилиб, яхтак ёки тўн олди (кўйлақдан ташқари) бўйига ўртасидан қирқиб юборилган ва икки томонига этакдан кўкраккача чалгай тикилган. Пастга қараб кенгайиб кетган чалгай этак қисмида бир-бири билан чалишиб кийим олдини ёпиб туришга хизмат қилган. Ёқа ўйиғига икки бўлақдан ташкил топган орқаси тик, олди кўкраккача ингичкалашиб чалгай билан туташган тасмасимон ёқа ўрнатилган. Орасига юпка пахта солиб серчок қавилган бу ёқа халқ орасида «яхтак ёқа» деб ҳам юритилади.

Тананинг икки ёнига қўлтиқдан этаккача пастки қисми кенгайиб кетган (трапеция шаклидаги) ёнлар солинган. Кундаланг қирқилган енг танага тўғри тикилган. Енг ва ёнлар оралиғига учбурчак ёки тўртбурчак шаклидаги қулпак ёки қулфак тикилган. Қулфак енгни тортишиб йиртилишдан сақлаган.

Бу усулда бичилган тўнлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларида кенг тарқалган бўлиб, бу бичикни айрим жойларда «яхтак бичик» деб ҳам юритишади.

Болалар, эркак ва аёллар кўйлаклари ҳамда устки кийимлари асосан шу бичикда тикилган, фақат кўйлак олди берк бўлиб, у ёқа ўйиғининг тузилиши билан фарқ қилган.

Аёллар устки кийимлари мурсак, калтача, елак ва паранжилар ҳам айнан шу бичикда тикилган. Мурсак, калтача, елаклар бичиги тўнлардан ёқа ўйиғининг чуқур ва кенг олиниши билан фарқ қилган бўлсада, ёнларига тўн ёнлари каби йиртмоч қилинган. Паранжи ёқаси эса тўнлар ёқаси каби бичилган, аммо кенг ёнлар солинган паранжи ёнларига йиртмоч қилинмаган.

Тўғри бичикнинг иккинчи усулида бичилган тўн қадди (олди-орқаси) ва енгининг юқори қисми елкадан буклаб ташланган яхлит икки ёки ундан ортиқ эн матодан ташкил топган. Қўлтиқ остидан пастга қараб ўткир учбурчак шаклидаги қийтиқ қирқиб олиниб, этакнинг икки ёнига тикилган. Бундай бичикдаги тўнлар олдига чалғай тикилмаган. Дастлабки пайтларда ёқа ўрнининг фақат орқа томонига энсиз тўртбурчак шаклидаги бўлакча-ёқа, кейинчалик эса орқаси тик, олди кўкраккача ингичкалашиб тушган яхтак ёқа тикилган. Танадан ҳосил қилинган енгнинг юқори қисмига кундаланг қирқилган пастки қисми уланган. Бу иккинчи усулдаги бичик айрим жойларда « рум бичик » деб юритилган.

Бу бичикдаги кийимлар асосан бухороликларга хос бўлиб, қимматбаҳо матолардан тикиладиган аёлларнинг кўйлаги ҳам шу бичикда тикилган. Кўйлак олди берк бўлиб, ёқа ўйиғи кўкраккача тушган.

Шунингдек, тошкентликлар ҳам қимматбаҳо матолардан тикиладиган тўнларни, айниқса, куёв тўнларни шу бичикда тикишни афзал билишган, чунки бундай тўнлар киши устида чиройли туради, деб ҳисоблашади.

Чақалоқларнинг чилла кўйлаклари ҳам кўпинча шу бичикда тикилган.

Ҳар икки усулда бичилган тўннинг этак қисми юрганда, ўтириб-турганда қулай бўлиши учун йиртмоч қилинган.

Ҳар бир вилоят кийимлари қайси бичикда тикилишидан ташқари яна кенг-торлиги, узун-қисқалиги, матосининг ранглари билан бир-биридан ажралиб туради.

Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарёликлар кийими кенг ва узун бўлиб, йирик нақшлик шўх рангдаги матолардан тикилган.

Ўртача кенглик ва узунликдаги Тошкент, Фарғона кийимлари эса сипо ранглик матолардан тикилган.

Самарқандликлар кийимларига бир томондан, бухороликлар, иккинчи томондан тошкентликлар таъсир кўрсатганлар.

Ингичка йўллик, ялтираб кудунгланган, маҳаллий олачадан зич қавиқлар солиб тикилган Хоразм тўнлари эса қоматга ёпишиб, товланиб туриши билан ажралиб турган.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёга татарлар таъсирида янги бичиқдаги кийимлар кириб келган. Бу бичиқдаги кийимларнинг олди-орқаси алоҳида-алоҳида бичилган. Уларнинг елкаси қия, қўлтиқ ва енг боши чуқур ўйилган. Олди қўлтиқдан ёки белдан пастга қараб жуда кенг олинган, яна ёнларига турлича кенглик ва узунликдаги қийтиқлар солиниши натижасида кийим этаги кенг бўлиб, тўкилиб турган. Янги бичиқдаги кийим ёқалари буғма ёқа, қайтарма ёқа, яхтак ёқа тузилишларида бўлган.

Бели кенг кийимлар орқаси яхлит қилиниб, бели ёпишиб турадиган кийимлар орқаси эса икки бўлак матодан тикилган.

Бундай бичиқдаги кийимлар ёнига йиртмоч қилинмаган. Аҳоли орасида бу бичиқни камзул бичиқ деб юритилган.

Натижада янги бичиқдаги тўн, пешмат, камзул, нимчалар аста-секин аҳолининг анъанавий кийимларига айланган. Айниқса, яхтак ёқалик, енглари кундаланг қирқилган янги бичиқдаги эркаклар тўни ҳозирги пайтда ҳам тўғри бичиқдаги тўнлар каби кекса кишиларнинг ёқтирган кийимларидан ҳисобланади.

XX аср бошларида аёлларга урф бўлган янги бичиқдаги кўкракбурма кўйлак ҳам такомиллашиб бориб, ҳозирги кунда аёлларимизнинг севимли анъанавий кийимига айланган. Бу кўйлакнинг юқори қисми-кокеткаси гавдага ёпишиб турган, кўкракдан пастки қисми - эса, кенг олинган ва сербурма қилиб кокеткага тикилган. Этакнинг гавдада кенг туриши, бир томондан тўғри бичиқдаги кўйлақлар каби ўтириб-турган ва юрганда қулай бўлса, иккинчидан ёзнинг иссиқ кунларида салкин бўлган.

Ҳозирги пайтда кўкракбурма кўйлақларни нафақат ўзбек аёллари, балки ўлкамизда яшаётган бошқа миллат аёллари ҳам ёқтириб кийишади.

Анъанавий кийимлардан бири лозим, (пойжома, иштон) бичиги икки поча ва кенг оғдан ташкил топган. Улар бичиги оғнинг учлик томонини паст

ёки юқорига қаратиб қўйилиши билангина фарқ қилган. Кенг оғлар солиб тикилган иштонлар ўтириб-турганда, юрганда жуда қулай бўлган. Ҳозирги пайтда ҳам улар кекса кишилар, аёллар ва қизларнинг зарурий уй кийими ҳисобланади. Айниқса, келинларнинг ялтироқ жияклар тутиб, қимматбаҳо матолардан тикилган узун лозимлари ўзларига жуда ярашиб, улар чиройига чирой қўшиб туради.

2.3. Миллий ҳунармандчилик соҳалари

Ҳунармандчилик – миллий анъаналар хусусиятини сақлаб қолган ҳолда, оддий меҳнат қуроллари ёрдамида якка тартибда майда товарлар ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланади. Бу қадимдан кенг тарқалган бўлиб, турли хил соҳаларга ажралади: кулолчилик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштачилик, кўнчилик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, зардўзлик, бўёқчилик, тунукачилик ва бошқалар.

Ҳунармандчилик учта шаклдан иборат бўлиб: 1 Уй ҳунармандчилиги. 2. Буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган. 3. Бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик. Буларнинг ичида энг кўп тарқалгани уй ҳунармандчилик соҳаси, яъни **касаначилик** бўлиб ҳисобланади. Касаначилик чуқур ихтисослашган бўлиб, ўз таркибига хилма-хил касб эгаларини қамраб олади. Жумладан терини қайта ишловчи кўнчилар, этикдўзлар, махсидўзлар, ковушчилар, телпакчилар, пўстинчилар, эгар-жабдуқчилар, камарчилар, тўқимачилар (бўзчилар, атласчилар, гиламчилар, шолча ва наMATчилар ва бошқ.), мебеллни ишлаш соҳасида (темирчилар, тақачилар, мисгарлар, тунукачилар, чилангарлар, заргарлар ва бошқ.), тикувчилар (чеварчилик, каштачилик ҳ.к.) каби касблар.

Республикамизда ҳунармандчилик соҳасининг асосий марказлари Тошкент, Самарқанд, Ургут, Бухоро, Ғиждувон, Шахрисабз, Фарғона, Наманган, Андижон, Қўқон, Чуст, Марғилон, Хива каби шаҳарлари бўлиб

ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ҳунармандчилик соҳаси бозор иқтисодиёти қоидалари асосида ривожлана бордини. Мавжуд бўлган барча ҳунармандчилик катта-кичик корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди ва ҳунармандларнинг хусусий мулкига айлантирилди. Янги ҳунармандчилик корхоналари очилди. Улар фақат ички бозорга эмас, балки экспортга ҳам ишлай бошлади. Ҳунармандчиликда кичик оилавий корхона ва яқка тартибдаги меҳнат фаолияти шакли ривож топди. 1995 йил октябрь ойида Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси ёрдами билан Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандлари 1-республика ярмаркаси ташкил этилди. 1997 йилда республика халқ амалий санъати ва ҳунармандлари усталарининг «Усто» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди. Республика Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва бошқа тадбирлар Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг тикланиши ва янада ривожланишида, унинг унитилган баъзи турларини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги кунда республикадаги ҳунармандлар махсус ташкилот – «Ҳунарманд» республика уюшмасига бирлаштирилди. Ҳунармандлар субъектлари Ўзбекистонда тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермер хўжаликларининг ҳар йили ўтказиладиган «Ташаббус» республика кўрик-танловида иштирок этиб келмоқдалар.

Заргарлик. Заргарлик баддий ҳунармандчилик соҳасининг бир атрафи бўлиб, у олтин, кумуш, мисс, қалай каби рангли, қимматбаҳо металллардан турли хил зеб-зийнат буюмлари, яъни тақинчоқлар (сирға, билагузук, узук ва бошқ.), безак буюмлари ясашда қўлланилади.

Заргар усталар безак буюмлари тайёрлашда қуйиш, болғалаш (зарб бериш), ясаш, ҳазлаш (олтин ва кумуш суви юритиш), ўйиб ёки бурттириб нақш ясаш, босма, зиғирак, совоткори, қолипани, шабақа усулларида фойдаланилади. Қимматбаҳо тошлар (гавҳар, феруза, дурр, ҳақиқ ва бошқ.)га

ишлов бериб, заргарлик буюмлари, шу жумладан баргак, бибишак, билакгузук, бозубанд, бозгардон, болдоқ, булоқи, бўйин тумор, гажак, дуотузи, жевак, жиға, заркокил, зебигардон, зулф, исирға, кокил, ойбалдоқ, осматузи, санчоқ, тавқ, тилла баргак, тилла тузи, тиллақош, узук, шокила, кашкарбалдоқ, халқа кабилар ясайдилар.

Ўзбекистоннинг кўпгина музейларида сақланиб келаётган заргарлик топилмалари республиканинг ҳудудларида (Юнон-Бактрия подшолиги, милoddан аввалги 3-2 асрларда, Қадимий Хоразм, асосан милoddан аввалги 1 минг йиллик ўрталаридан милoddан VIII асргача) заргарлик соҳасининг ривож топганини кўрсатади. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда заргарлик ривожланган. XIX аср охири XX аср бошларида ўзига хос ишланиши, шакли, безаклари, хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилган хилма-хил заргарлик буюмлари кенг тарқалган, зийнат буюмлари тўпламлари вужудга келган. Аслар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган заргарлик санъати 20 аср бошларида инқирозга учради, халқ усталарининг сони қисқара бошлади. Заргар усталарга қимматбаҳо хом ашёлардан фойдаланишга йўл қўйилмасди.

Заргарлик санъати Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнггина жонланди. Қимматбаҳо металл материалларидан фойдаланишга имкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда республикада ижод қилаётган заргар усталар унитилиб борилаётган анъаналарни қайта тиклаш ва замонавий услубда заргарлик буюмларини яратиш устида катта ишларни амалга оширилмоқда. Якка тартибда заргарлар билан бир қаторда заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган бир нечта бирлашмалар, жумладан «Фонон» ва «Кумуш» бирлашмаси, «Нур» давлат заргарлик маркази, «Мусаввир», «Устазода» каби марказлари ишлаб турибди ва ички бозорни заргарлик буюмлари билан таъминлаб келмоқдалар. Республикада заргарлик буюмларининг бир неча бор (2000, 2001, 2002 йилларда) халқаро кўргазмалари намоёйиши ўтказилди.

Заргарлик санъати – юксак бадий ишлов бериш билан нодир металллар ва қимматбаҳо тошлардан, шунингдек бошқа металллардан буюмлар, тақинчоқлар ишлаб чиқарадиган санъат тармоғи бўлиб ҳисобланади. Заргарлик санъатида одатда хом ашё сифатида рангли металллар, жумладан платина, олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар (феруза, фионит, олмос, ақиқ, зумрад, ёқут), табиий тошлар, суяк, пластмасса, эмаль, шиша ва бошқалар ишлатилади.

Ўзбекистонда заргарлик санъати корхоналари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси ҳузуридаги «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибида. Уларнинг йирик корхоналари қаторига «1-сон Тошкент заргарлик заводи», «2-сонли заргарлик заводи», «3-сонли заргарлик заводи», «Нур» давлат бадий заргарлик маркази», «Кумуш» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси, «Эйши-Рей» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси (Тошкент ш.), Шаҳрисабз заргарлик корхонаси (Шаҳрисабз ш.), Бурчмулла заргарлик заводи (Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғи), Зарафшон заргарлик заводи (Навоий вилояти, Зарафшон ш.) кабилар киради.

Бу корхоналар ҳозирги кунда 585 ва 750 асллик даражали (пробали) тилла қотишмаси, 925 асиллик даражали кумуш қотишмасидан турли хилдаги заргарлик буюмлари (сирға, узук, заргарлик занжирлари, совғабоп маҳсулотлар, кумушдан ясалган ошхона анжомлари ва бошқ.)ни ишлаб чиқаради.

Зардўзлик – безак санъатининг бир тури бўлиб, амалий санъатнинг зар (тилла ва кумуш суви юритилган) ип, нозик зар сим, ипак билан кашта тикиб безак яратадиган соҳаси ҳисобланади.

Зардўзлик бадий ҳунармандчилик тури сифатида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Асосан бинолар ички қисмини безайдиган буюмлар, аёлларнинг байрам либослари, зардўзлик билан тайёрланган. Археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар Марказий Осиё халқлари орасида зардўзи кийим ва бадий буюмлар тикиш қадимдан

ривожланганлигини кўрсатади. Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавико ўз эсдаликларида зардўзлик усулида тикилган кўрпа-тўшаклар, ипак матога зар тақилган қимматбаҳо дар пардалар ва чодирлар ҳақида, эркак ва аёлларнинг зар ипдан тикилган кийимлари ҳақида завқ билан ёзади. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «Ҳиндистон сафарномаси» рисоласида Шохрух (1442 й.) Ҳиндистоннинг Калькутта вилояти ҳукумдори ҳузурига юборган элчилари орқали унга зардўзи дўппи совға қилгани қайд этилган.

XV-XVIII асрларда Бухоро, Самарқанд, Хирот шаҳарларида зардўзлик касби юқори поғонага кўтарилган. Зардўзлик касбининг XIX аср ва ундан кейинги даврлардаги тараққиёти Бухоро билан боғлиқ бўлиб, то шу кеча-кундузга қадар сақланиб келмоқда. Зардўзлик касби билан илгариги даврларда эркак кишилар шуғулланган бўлса, ҳозирги пайтда эса асосан аёллар ўртасида кенг тарқалган. Қадимги даврда зардўзи буюмлар, яъни тўн, камзўл, чакмон, чалвор, пойабзал, белбоғ, сала, қулоҳ ва жул кабиларнинг барчаси амир ва унинг оила аъзолари ҳамда хон саройи аъёнлари учун тайёрланган, айрим бой-бадавлат кишилар буюртмаси ҳам бажарилган.

Ҳозирги даврда зардўзи буюмларнинг турлари сезиларли даражада ўзгарди, аввалги ҳашамдор буюмлар ўрнини энди нафис ишланган, давр талабига мос буюмлар эгалламоқда. Зардўзи касбкорлар аёлларнинг байрам либослари (кўйлак, нимача, дўппи, камар, кавуш, сумкача ва бошқ.), анъанавий буюмлар, эркаклар учун совға тўнлари, дўппилар ишлаб чиқишга киришдилар.

Республикамизда зардўзлик санъатининг асосий марказлари Бухоро, Самарқанд, Ургут, Қарши, Жиззах, Андижон, Наманган, Фарғона шаҳарлари ва Сурхондарё вилояти ҳисобланади. Зардўз усталар чопон, дўппи, нимча каби либослар қаторида мавзули намаёнлар, театр пардалари ҳамда совға буюмлари, игнадонлар, кўзойнак ғилофи, атр-упа сўмқачалари зардўзлик усулларида безатишни ривожлантирмоқдалар.

Каштачилик — кашта тикиш касби, амалий санъатнинг қадимги соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Каштачилик барча халқларда

қадимийлиги билан иқлим, табиий шароити, муҳити таъсири билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Каштапчилик тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимда кишилар узоқ вақтлар давомида тошдан суяк бигизларга, ундан кейин металл бигизларга ўтиш билан мато тўқиш, бўйаш ва бошқа ишларни бажаришганлар.

Каштачилик илк бор Қадимги Осиё, Европа халқларида кенг тарқалган. каштачилик маҳсулотларининг энг қадимги нусхалари сақланмаган ва бизгача етиб келмаган. Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган кашта маҳсулотларидан сўзана, палак, чойшаб, кирпач, зардевор сингари бадиий буюмлар ва каштали кийимлар XIX асрга мансуб бўлиб, фақат музейлардагина сақланиб қолган.

Кашта тикиш азалдан ўзбек, туркман, тожик аёллари ўртасида кенг тарқалган бўлиб, сўзана, кирпеч, дорпеч, чойшаб, ойнахалта, чойхалта кабилар ҳар бир хонадоннинг ўзида тайёрланган. Кашта тикиш услублари, уларнинг турли-туманлиги республикамиз вилоятларида турлича йўналишларга эга. Масалан, Бухоро, Самарқанд, Нурота каштачилик маҳсулотлари кўпроқ йўрма чок билан, Шаҳрисабзда йўрма, кандахаёл, ироқи, Тошкентда эса кўпроқ босма чок билан тикишини кўришимиз мумкин. Каштачиликнинг айрим маҳсулотлари, жумладан, бўғжама, дорпеч, ойнахалта, паранжи, калтача каби ашёларни ишлаб чиқиш ўз аҳамиятини йўқотди. Каштачиликда дўппи, сумка, нимча, ковуш, сўзана, ёстиқбоши каби бадиий буюмлар ва ашёлар змонавий дид билан тикилиб безатилмоқда.

Кулолчилик. Кулолчилик ҳунармандчиликнинг лой (чил)дан турли хил буюмлар (сапол буюмлар) ишлаб чиқарадиган соҳаси бўлиб ҳисобланади. Кулолчиликда асосий хом ашё бўлиб тупроқ ҳисобланади. Кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тупроқнинг келиб чиқиши ва унинг таркиби алоҳида аҳамиятга эга. Ҳамма тупроқлар ҳам кулолчиликда ишлатила бермайди. Кулол идишлар ишлаб чиқариш учун махсус чил (ёпишқоқлилиги кучли бўлган) тупроқлар ишлатилинади.

Кулолчилик ҳунармандчиликнинг энг қадимий соҳаларидан бири бўлиб саналади. Кулолчиликнинг бошланиши неолит даврига бориб тақалади. Неолит даврига оид археологик топилмалар бундан далолат беради. Кулолчилик XIV-XVI асрларда Ўрта Осиё халқлари ўртасида анча ривожланади. Айниқса, меъморчиликда кулолчилик маҳсулотларининг кенг қўлланилиши кулол маҳсулотларига (кошин, парчин ва бошқ.) бўлган талабни кучайтирди.

Ҳозирги кунда республикамізда кулолчиликнинг асосий марказлари Самарқанд, Ургут, Китоб, Шаҳрисабз, Ғиждувон, Хоразм, Тошкент, Ғурумсарой, Риштон каби шаҳарлар ҳисобланади. Бу марказларда сапол идиш товоқларни сирлаб безатишнинг ўзига хос услублари мавжуд бўлиб, чиройли, нафис сири, кўркам нақшлари билан кишиларни ўзига жалб этади.

Ёғоч ўймакорлиги. Ёғоч ўймакорлиги бадий ҳунармандчиликнинг қадимий ва кенг тарқалган соҳаси бўлиб ҳисобланади. Ёғочни кесиб, ўйиб, чизиб, заминни тешиб нақш, бўртма шакллар ҳосил қилиб, ёғоч тахтача ва бўлақларини бир-бирига улаб, ёпиштириб (асосан панжарада) қандасий шакллар, ўсимликсимон тасвирлар, ислимий нақшлар ҳосил қилинади. Уста нақшни безатиладиган сиртга ахта воситасида туширади, устидан нақш чизиқлари чизиб чиқилади, сўнг асбоб-ускуналар ёрдамида ўйилади. Ўйишда турли усуллар (паргари, бағдоди) кенг қўлланилади.

Ёғоч ўймакорлиги кўп меҳнат талаб қиладиган соҳадир. Унда Ўзбекистонда ўсадиган маҳаллий дарахтлар (қайрағоч, арча, ёнғоқ, тут, ўрик, чинор, тол, терак ва бошқалар)дан фойдаланилади. Ўймакор усталар дарахт ёғочларининг хусусиятларини яхши билишган (дарахт ёғочларининг қуёш нури кўп тушган томони пишиқ, зич толали бўлади). Ёғоч 6 ойдан бир йилгача сувда сақланади, сояда қуриштилади. Нақш мутассамотида чирих, исломий нақшлар кенг ишлатилади, мустақил равшда чирих камдан-кам ҳолларда қўлланилади, чирих ва исломий нақшлар ўйғунлаштирилиб, ранг-баранг жозибали мутассамотлар, намоёнлар яратилади. Безак (нақшлар) яратишда паргардон кўпроқ фойдаланилиши туфайли нақшлар паргари деб

аталади. Ёғоч ўймакорлиги қадимдан тараққий этган. Қадимий Шарқда, антик дунё меъморчилигида кенг тарқалган Европа, Осиё мамлакатларида хилма-хил услублари вужудга келган. Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимдан меъморчиликда, рўзғор буюмларида кўп қўлланилган. Мавороуннаҳрда ислом дини тарқалгунига қапдар ёғоч санамлар тайёрлаш ривож топган. Наршахий «Бухоро тарихи» асарида VIII-асрда эшиклар ўйма тасвирлар билан безатилгани ҳақида ёзади. Ёғоч ташқи муҳит таъсирига анча чидамсизлигидан ёғоч ўймакорлигининг қадимий намуналари сақланмаган. Сақланганларининг энг қадимийси IX-XII асрларга мансуб. Қусам ибн Аббос мақбараси бино шарафлари нақшлар билан безатилган, забарравларида кушлар афсонавий махлуқларнинг тасвирлари ишланган (Самарқанд XI-XII асрлар). Бухорода Сайфиддин Боҳарзий мақбарасининг тўсинлари (XIV аср), Самарқандда Руҳобод мақбараси, Амир Темур мақбараси эшикларига ишланган нақшлар улкан маҳорат самарасидир. Бухородаги Улуғбек мақбарасининг эшиклари қисмларига ёғоч тахтачалардан елимсиз, мих ишлатмай чириқ нақшлар ҳосил қилинган. XIX асрда Хоразм услуби юксакка кўтарилгани, Хивадаги Тошҳовли айвонлари, хоналардаги устунларнинг каллаги, бошаларига ишланган муқарнасларда, эшикларнинг безакларида кўзга ташланади. Ўзбекистон ҳудудида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турувчи Тошкент, Хива, Қўқон, Фарғона, Бухоро ёғоч ўймакорлиги шаклланган. Тошкентлик усталар нақшларда ясси бўртмали, заминсиз чизмани кенг қўллаганлар. Хивада шаҳобатли ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган. Нақшнинг майдалиги, заминнинг намлиги, ўймоқорлилиги билан ажралиб туради. Бу ерлик усталар ёғочнинг табиий рангини сақлаб қола олганлар.

Самарқандлик усталар Замир ва бўртмани локлаганлар. Қўқон, Фарғона эшик, устунларни чуқур ясси бўртма нақшлар билан безаб, нақш юзасига тўқроқ ранг бериб сўнг лаклаганлар. Бухоролик усталар ўйма нақшларни олтин, кумуш суви билан безаганлар, нақш заминини ранглар билан бўяганлар.

XX асрда ёғоч ўймакорлигининг заминни ўйиб бир неча қават бўртма тасвир ҳосил қилинадиган (1,5 мм.дан 30 мм.гача ўйиладиган) мураккаб ва жозибали тури шаклланган.

1940-йилларда кўпгина жамоат бинолари (Бадий кўрғазмалар дирекцияси, Муқумий театри, Навоий театри ва бошқ.) учун ёғоч ўймакорлиги билан безатилган эшик, дераза, панжара, намоёнлар, бадий буюмлар тайёрланади. 1970-йилларда усталар томонидан ёғоч ўймакорлигидаги нақш мутассамотлари янги мавсумлар, янги безак турлари билан бойитиб борилмоқда (Халқлар Дўстлиги саройи, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Ўзбекистон ФА Марказий кўрғазмалар зали ва бошқалар).

Ўзбекистон мустақилликка эришгач барча соҳаларда бўлганидек амалий санъатга, шу жумладан ёғоч ўймакорликни ривожлантиришга катта эътибор билан қаралмоқда. Тарихий қадриятларни тиклаш, ривожлантириш, янги хусусиятлар билан бойитишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Халқ усталари ёғоч ўймакорли усул ва услубларини ривожлантириб, кўплаб барпо қилинаётган биноларни ушбу усулда безамокдалар. Темурийлар тарихи давлат музейи, Бухорий мажмуаси, Хотира майдони мемориал мажмуаси, Олий Мажлис бинолари ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

III бoб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭТНОГРАФИК ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Этнографик музей туризми

Ўзбек кийимларидан иборат туркум коллекциялар жаҳоннинг кўпгина музейларида учрайди, аммо уларнинг асосий қисми Санкт-Петербург, Москва, Оренбург, Иваново каби Русия шаҳарларидаги музейларда сақланади. Оз миқдорда Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар музейларида учратиш мумкин.

Ўзбек кийимига оид энг қимматли ва айти чoғда жуда бой, ноёб материаллар қуйидаги музейларда сақланади: Санкт-Петербургда – собиқ СССР халқлари этнография давлат музейида (ГМЭ), Русия Федерацияси Фанлар академияси инсон антропологияси ва этнография музейи ҳамда Давлат эрмитажида, Москвада – Оружейная палата, Давлат тарих музейи (ГИМ), Шарқ халқлари маданияти музейи, Халқ ижодиёти музейи (собиқ Кустарний)да; Ивановода - «Первый Совет» музейи (бу ерда «Бухоро амирининг карвони» деб номланган катта этнография коллекцияси мавжуд) жамғармаларида сақланувчи Марказий Осиё халқларининг тарихий аҳамиятга молик нодир кийим-кечаклари, газламалари, заргарлик буюмларидан иборат коллекциялар ғоят кўплиги билан кишини хайратга солади. Улар орасида уч мингдан ортиқ жуда ноёб ва қимматли буюмлар ичида кийимлар ва зеб-зийнатлар ҳам учрайдики, булар асосан XIX асрда тайёрланган бўлиб, 1866 - 1940 йиллар ичида ўлкамиздан олиб чиқиб кетилган. Мазкур коллекцияларни номма-ном санаб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Собиқ СССР этнография музейи 1-сонли коллекциясида 36 та буюм 1870 йилда А.П.Федченко томонидан Тошкентда тўпланган бўлиб, унда эркаклар ва аёллар кишилиқ кийимлари, аёлларнинг зеб-зийнатлари: булоқилар, зираклар, маржонлар, туморлари ва олтин жиғалари жамланган.

К.П.Кауфманнинг ўзбеклар бўйича коллекциясида 365 та буюм 5661-6026-тартиб рақамлари билан рўйхатда туради. У 1870 - 1871 йилларда Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида (яъни Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Чимкент шаҳарларида) тўпланган бўлиб, ўзбек халқининг ҳаёт тарзини, машғулот ва касб-корликларининг кўпгина жиҳатларини намоиш этади. Бу коллекция уй-жой, маиший, кийим-кечак, хунармандлар ишлаган турфа маҳсулотлар, газлама ва матолар, кундалик ва маросимларда кийиладиган эркаклар, аёлларнинг уст-бошларидан иборат.

4 ва 11-сонли коллекцияларда жами 366 та буюм, нодир зеб-зийнатлар ва кийим-кечаклар тўпланган.

1919-1928 йилларда ўлкамиздан олиб чиқиб кетилган 500 га яқин қимматбаҳо буюмлар собиқ СССР давлат жамғармасидан Рус музейига ўтказилиб, кейинчалик бу ердан собиқ СССР халқлари этнография музейига топширилган. Бу коллекцияларнинг тартиб рақамлари қуйидагича: 4186, 4457, 4463, 4467, 4469, 4646, 4651, 4705, 5148, 5155, 5183, 5474, 5899. Бу бойликларнинг кўпчилигини Бухоро амирлари ва Хива хонларининг 40 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Россия подшоларига юбориб турган бебаҳо тухфаларини ташкил қилиб, булар: кимхоб ва духобадан тикилиб, ранго-ранг ипаклар билан безатилган тўнлар, кумуш қадамасига тилла суви юритилиб, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган камарлар, моҳир тукувчи косиблар кўлидан чиққан ипак газламалар, бошдан-оёқ ипак билан кашта тикилган хон ва амирларнинг саройларида дастурхон сифатида ишлатилган сўзаналар, олтин ва кумуш қадамали зеб-зийнатлар ва бошқаларни ташкил этади.

31-сонли коллекцияда 89 та буюм бўлиб, эркак, аёл ва болаларнинг бошдан-оёқ сарполари, келин сарпоси, зеб-зийнатлари, туморларни ўз ичига олади.

18 та буюмдан яборат 41-сонли коллекция буюм давлат музейи жамғармасига Бухоро музейи томонидан 1927 - 1928 йилларда топширилган бўлиб, унда бухоролик, самарқандлик, шахрисабзлик усталарнинг нодир кашталари бўлган. Марказий музейларга мана шу каби бебаҳо меросни олиб

чиқиб кетиш ишлари Қизил салтанатнинг анъанасига айланиб қолган эди. 1934 йилда Тошкент халқ хўжалиги музейи ёпилганидан сўнг ундаги энг нодир буюмлардан 108 таси Санкт-Петербургга собиқ СССР, халқлари этнографияси музейига 58132-сонли рақам остида Бухоро аслзодаларининг зарбоф тўнлари, этик, кавуш ва ипак саллалари, зарлар билан зийнатланган сўзаналар, қиличлар, дўппилар, аёлларнинг ипак либослари, енгсиз кўйлак ва бошқа буюмлари жўнатилди.

Мазкур музей жамғармасида Ўрта Осиёга қилган сафарлари давомида рус олимлари тўплаб топширган материаллар ҳам анчагина.

Ўрта Осиё халқлари бўйича этнографияга оид коллекцияларни биринчи бўлиб махсус равишда тўплаган киши фоторассом Самуил Дудиндир. У 1900 йиллардан бошлаб то 1908 йилгача деярли ҳар йили Туркистон ўлкаси бўйлаб сафар қилиб, Самарқанд, Хужанд, Фарғона, Наманган, Марғилон, Қўқон каби йирик шаҳар ҳамда Бухоро хонлигидаги (Бухоро, Шаҳрисабз, Китоб) каби шаҳарларидан жуда бой материал тўпладики, булар юқорида тилга олинган этнография музейида «Дудин коллекциялари» деган ном билан 8, 22, 24, 32, 36, 39, 60, 62, 239, 241, 242, 245, 362, 363-рақамлар остида рўйхатдан ўтказилган. Ушбу коллекцияда жами тўрт мингдан ортиқ буюм бўлиб, ўзбек халқига оидлари ўнта коллекцияни ташкил этади. Улар уй-рўзғор буюмлари ва кийим-кечакларнинг хилма-хиллиги билан диққатга сазовор бўлиб, моҳир ҳунармандлар тўқиган ип-газлама, ярим ипак матолар, мовутлар, эркаклар, аёллар ва болаларнинг устбошлари, зеб-зийнатлар, дарвишларнинг хирқа, кулоҳ, жанда, кашкул, асо каби кийимлари ва бошқалардан иборат.

1906 йилда Дудин Бухоро хонлигида тўплаган туркум буюмлар (837-сонли коллекция) орасида амир амалдорларининг духобадан тикилган зарбоф туни ва купгина қимматбаҳо тошлар бор. Шунингдек, бир ярим мингдан ортиқ фоторасм бўлиб, булар этнография бўйича коллекцияларни яна тўлдирган. Дудин коллекцияларини қиммати шундаки, уларнинг ҳар бирига қисқа таъриф берилиб, деярли барча ашёларнинг номи, олинган жойи,

эгасининг қайси синф ва тоифага мансублиги қайд этилиб, мавзулар бўйича турларга ажратилган.

Хуллас, Санкт-Петербургдаги мазкур Давлат этнография музейининг жамғармаларида сақланаётган коллекциялар билан юзаки бир танишувнинг ўзиёқ Ўрта Осиё халқлари қанчалик бой этнография осори-атикалари соҳиби бўлганликларидан ёрқин далолат беради. Бу музейларнинг фондлари ўзбек миллий кийим-кечакларига шунчалик бойки, уларни қиёсий ўрганиш бичим ва матолардаги фарқларнинг, безатиш услубларининг, ёшга қараб кийиладиган устбошларнинг, маросим кийимларининг асосий хусусиятларини тўлароқ тасаввур этиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда Давлат этнография музейида сақланаётган ўзбек кийимлари коллекциялари жами 1570 та бўлиб, уларнинг 406 таси XIX аср биринчи ярмига мансуб, 375 таси октябр тунтаришидан олдинги даврда тайёрланган ва 800 таси эса кейинги собиқ Иттифоқ даврида давлат музейи жамғармасига ўтказилган.

Ўзбек кийимлари жамланган музейлардан яна бири Санкт-Петербургдаги Давлат эрмитажидир. Унинг Ўрта Осиё этнография жамғармаси 1924 йилда Царское Село аслаҳахонасидан ўтказилган «Хива хазинаси» деб аталмиш коллекциядирки, у 1876 йилда Туркистон генерал-губернатори Кауфман томонидан топширилган. «Хива хазинаси» олтин ва кумушдан ишланган зеб-зийнатлар, жумладан, қини ва дастаси олтин ва ёқут тошлар билан безатилган қиличлар, ханжарлар, нақшинкор эгар-жабдуқлар, зарбоф, кимҳоб тўнлар (Бухоро), енг ва ёқалари каштали тўнлар (Шаҳрисабз), оппоқ ипак либослар, сўзаналар, юмшоқ кийик терисидан тикилган гулдор шимлар, зар ипак билан тикилган духоба дўппилар, сидирға ва учлари кашталик саллалар, кумуш ранг ипак ва кумуш қадама духоба камарлар, қимматбаҳо тошлар билан безатилган, сидирға ипак иплар билан гул солинган камарлар, жами 100 дан ортиқ нодир буюмлардан иборат.

Аёллар кийими орасида маҳаллий ипакдан тикилган кашталиқ чопонлар, кашталиқ рўмол ва қалпоқчалар, қўлда тукилган матолар, яъни Бухоро ипак ва духоба газламалари учрайди.

Москва музейларида ҳам жуда қимматбаҳо, халқлар этнографиясига оид кўплаб коллекциялар мавжуд.

Москва Кремли музейи - Оружейная палатада Ўрта Осиё халқларининг кўп сонли ноёб коллекциялари, жумладан, кийим-кечак, зеб-зийнат буюмлари мавжуд. Давлат тарихи музейи жамғармасида Ўрта Осиёдан олиб кетилган 750 та буюм сақланмоқда. Улар мазкур музейга 1918 - 1920 йилларда давлат музей жамғармасидан берилган бўлиб, асосан XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида ўлкамизда ишланган қурол-яроғлар, кийим-кечаклар ва кўплаб уй-рўзғор буюмларидан иборат.

Москвадаги яна бир музей – Шарқ халқлари маданияти музейи 1918 йилда давлат музей жамғармаси томонидан берилган кўпгина коллекциялардан тузилган. Булар Ўрта Осиё халқларининг турмушига оид ярим мингдан зиёд буюмларни ташкил қилади. Кўпчилигини Хоразмда ясалган зеб-зийнатлар, эркакларнинг дўппилари (37 та), нозик ва нафис кашталар ташкил этади. Русия марказий музейларидаги жамғармаларга юқорида берилган таърифларни яқунлаб, шуларни алоҳида қайд этамиз:

Санкт-Петербург, Москва ва бошқа Русия марказий шаҳарларидаги музей жамғармаларини бутлаш, тўлдириш ишлари Ўрта Осиё музейларидагидан фарқли улароқ, ташкилий равишда олиб борилган. Бу музейларнинг жамғармалари рус қўшинлари Ўрта Осиёни босиб олган даврдан бошлаб, бу ўлкада Русия салтанатининг бутун 130 йиллик ҳукмронлиги даврида муттасил бойитиб борилди. Чор Русияси Ўрта Осиёни эгаллаб, уни ўз мустамлакасига айлантиргандан кейин рус олимлари ўлка халқлари бой тарихини кенг миқёсда ўрганиш ишларини бошлаб юбордилар ва кўп асрлик маданиятимизнинг бой меросини тўплашга киришиб кетдилар. Русия мустамлакачилари шарқшунос олимлар, ўлкашунослар, етук мутахассислар ёрдамида минг йилликлар мобайнида Ўрта Осиё халқлари

яратган ва йиғган бебаҳо, асл маданий хазиналарни Русияга олиб чиқиб кетишни ташкил қилдилар. Мана шу бебаҳо халқ меросини марказий музейларга жўнатиш иши бир неча йўллар билан амалга оширилди.

1. Мажбуран қўлга киритиш йўли.

Бухоро амирлиги, Хива ҳамда Қўқон хонликлари, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларига ҳарбий юриш уюштирилиб, амир ва хонларнинг, улар аъёнларининг жуда бой хазиналари босиб олинди. 1880 — 1889 йилларда эса, туркман қабилаларига қарши уруш очилиб, Қўктепа қалъаси эгалланди ва 12 мингдан зиёд овул бутун бойликлари билан бирга талон-тарож қилинди. Босқинлар пайтида рус қўшинлари қўлга киритган ўлжалар орасида бетакрор тарихий ва маданий аҳамиятга молик осори-атиқалар, қўйма олтин ва кумушлар, туркистонлик энг моҳир заргарлар ишлаган зеб-зийнатлар, ғоят кўп миқдорда кийим-кечаклар, гилам ва палослар, сўзаналар, мис кандакорлиги буюмлари. Хива хонининг олтин тахти ва шу каби қимматбаҳо моддий маданият бойликлари бор эди.

2. Бухоро амири ва Хива хони ҳамда аъёнлари томонидан Русия императорлари ва уларнинг Туркистондаги ноиблари бўлмиш генерал-губернаторлар ҳамда амалдорларига қилинган тухфаларни олиб кетиш йўли.

3. Петербург ва Москва шарқшунос ва этнограф олимлари, шунингдек, маҳаллий илм аҳлининг фан йўлида тўплаб келган моддий ва маданий бойликларни ўзлаштириш йўли.

Бунинг натижасида Ўрта Осиё ҳудуди ва Русияга тобе хонликларнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларидан энг қимматли ёдгорликлар арзон-гаровга сотиб олиниб ёки текинга олиниб, марказга жўнатилган эди.

4. Маҳаллий ва рус қадимиёт ихлосмандларининг тинимсиз хаваскорлик ташаббуслари оқибатида тўплаган бойликларни ўзлаштириш йўли.

Шу йўллар билан мазкур кишиларнинг қўлидаги тарихий аҳамиятга молик кўплаб тангалар, гиламлар, қўлёзма китоблар тортиб олиниб ёки арзимас баҳога сотиб олиниб, олиб кетилди.

5. Турли хил этнографик кўргазмаларни ташкил этиб, буларда жамланган энг нодир буюмларни ўзлаштириш йўли.

Ўша даврларда шахсан Туркистон генерал-губернаторлари ёрдами билан 32 марта Бутунрусия, Туркистон ва жаҳон кўргазмалари уюштирилиб, шу баҳонада император саройлари, марказий музейлар учун жуда ноёб буюмлар танлаб олинар эди. 1869-1914 йилларда мана шундай кўргазмалар ташкил этилган. Булар мажбуран Туркистон мустамлакачи маъмурлари тазйиқи остида амалга оширилар эди. Барча кўргазмаларда Бухоро амири хазиналари учун энг қўп жой ажратилар, уларда халқ хунармандчилигининг барча турлари: зардўзлик, каштадўзлик, гиламдўзлик, заргарлик, мисгарлик, тўқимачилик намуналари кўрсатилар эди. Кўргазмалар ёпилиши билан ҳамма мазкур нодир буюмлар Москва ёки Петербургга, император аслаҳонасига ёки музей жамғарма фондини бойитиш мақсадида жўнатилар эди.

Жумладан, 1872 йилда ўтказилган Политехника музейи кўргазмасига этнографияга оид жуда бой, қимматбаҳо материаллар жўнатилиб, кейинчалик булар 1902 йилда Дашков музейига топширилди. Бу ерда Ўрта Осиё бўлимини ташкил қилиш учун яхшигина замин яратилди. 1874 йилда шу музей жамғармасига Хива илмий сафари чоғида йирилган коллекция ҳам келиб тушган, у аёлларнинг кийимлари ва зеб-зийнатлари, бошқа нарсалардан иборат эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, «ўзбеклар бўйича Кауфман коллекцияси» ҳам мавжуд, у 329 дона аёллар кийими, 219 та эркаклар ва 9 та болалар кийимларидан иборат бўлган.

Туркистондан олиб кетилган жамики материаллар Санкт-Петербург, Москва музейлари ва Давлат эрмитажини шунчалик бойитиб юбордики, булар заминида Ўрта Осиёга оид янги-янги этнография жамғармалари ва музейлари ташкил этилди.

6. Ўрта Осиё халқлари асрлар давомида яратган моддий ва маънавий хазиналарни Русиянинг марказий музейлари тасарруфига ўтказишнинг яна бир йўли Октябрь тунтаришидан кейинги даврда амалга оширилди.

Мазкур тунтаришдан сўнг ўрта Осиё хонликлари, Туркистон генерал-губернаторлиги, унинг амалдорлари, бойлар, савдогарлар, хуллас, барча мулк эгаларининг молмулки давлат фойдасига мусодара қилинди. Тарихий ва маданий аҳамиятга молик ҳамма энг яхши нарсалар Москвага жўнатилиб, давлат музейи жамғармаси ихтиёрига топширилди, жумладан, хонликлар хазиналарининг тақдири ҳам шундай бўлди. 1918 йилдан то 1940 йилга қадар Москва ва Санкт-Петербург марказий музейларининг Ўрта Осиё жамғармалари худди мана шу давлат музейи жамғармаси ҳисобига муттасил равишда бойитиб борилди.

Масалан, Санкт-Петербург Фанлар академияси этнография музейи (ҳозирда у Русия Фанлар академиясининг антропология ва этнография музейи деб аталади) жамғармалари давлат тасарруфига ўтказилган хусусий кишилар қўлидаги нодир моддий бойликлар, Бухоро амирлари ва Хива хонлари ҳамда улар аъёнларининг Русия подшосига қилган тухфалари эвазига тўлдирилиб борилди. Мазкур музейнинг 2916, 2920, 2935, 2936-сонли коллекциялари таркибида косиблар ишлаган ипак ва хом ипак газлама, духоба каби газмолларнинг 514 та намунасини кўриш мумкин. Бухоро амирлари элчилари томонидан Русия подшосига тортиқ қилинган ушбу матолар 1924-1940 йиллар мобайнида музейга давлат музей жамғармаси томонидан топширилган эди. Худди шу йилларда у этнографияга оид 203 буюмни (2973 ва 2687-сон) юқорида номи зикр этилмиш музей ихтиёрига ўтказди. 219-сонли коллекция диққатга сазовор, унда эркак ва аёллар кийимига оид 28 буюм ҳамда бир бешик асбоб-анжом ва кийим-кечаги билан жамланган.

Шундай қилиб, Туркистон Чор Русиясининг мустамлакаси ўлароқ кўпгина энг яхши, қимматбаҳо, нодир бойликларидан ажралди. Октябрь тунтаришидан сўнг эса ўлка моддий ва маданий бойликларини талаш оммавий тус олди. Бухоро амири ва Хива хони хазиналари, Туркистон генерал-губернатори ва бошқа юқори лавозимдаги амалдорларнинг молмулки вагонлаб Москвага жўнатилди. Махсус буйруққа биноан қолган-

кутган жамики миллий бойликлар: санъат ва ҳунармандчилик намуналари, тарихий ва маданий аҳамиятга молик асарлар, қадимий осори-атиқалар, куйма олтин, қимматбаҳо тошлар, беҳисоб зеб-зийнатлар тўпланиб, турли йўллар билан марказга алоҳида вагонларда юборилди.

Шуни афсус билан таъкидлашга тўғри келадики, эндиликда Санкт-Петербург ва Москванинг машҳур музейларида сақланаётган мана шу ҳамма миллий бойликларимиз, хусусан, қимматбаҳо кийим-кечаклар ва зеб-зийнатларнинг фото тасвирларини **ушбу китобда** ҳатто намуна тарзида келтириш имконига ҳам эга эмасмиз, зотан мазкур марказий музей захираларидаги нодир бойликлар, мавзуимизга оид нарсалар сақланаётган бўлимларнинг эшиклари Ўзбекистон вакиллари учун така-так ёпиб қўйилган. Ваҳоланки, Россия музейларининг кўрки ва фаҳрига айланиб қолмиш мазкур ноёб буюмлар Санкт-Петербург ва Москва музейларининг энг намуна асарлари сифатида хорижий мамлакатларда намойиш этиб турилади.

«Оқ подшо»ларнинг ҳукмронлиги даврида ташкил қилинган Туркистон музейлари – Тошкент (1876 йилда очилган), Самарқанд (1896), Фарғона (1899), Закаспий (1899) ва Еттисув музейларининг жамғармаларига келсак, улар турли хил тасодифий коллекция ва буюмларнинг шунчаки бир йиғиндиси, таъбир жоиз бўлса, омборхонасига айланиб қолганлигини таассуф билан тилга олишга тўғри келади. 1920 йиллар бошида совет ҳукумати ҳудуд обидаларига бироз эътибор бера бошлади. 1921 йилда қадимий обидалар, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза этиш билан шуғулланувчи махсус комиссия – Турккомстарис (1925 йилдан - Средазкомстарис, кейинчалик - Ўзкомстарис деб аталди) тузилиб, у тарихий ва маданий ўтмишни ўрганишга даъват этилган йирик илмий сафарларни уюштирди. Музейлар ва илмгоҳларнинг ўзлари ҳам, масалан, ЎзФа тарих ва археология институти, Ҳамза номидаги санъатшунослик институти, Ўзбекистон тарихи музейи этнография ва археология илмий сафарларини ташкил қилдилар. Натижада музейларнинг этнографияга оид жамғармалари ҳам янги-янги ашёлар ҳисобига бойиб борди.

Мазкур ишларда академиклар А.П.Окладников, С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов каби йирик археологлар, А.Э.Шмидт, А.А.Семенов сингари атоқли шарқшунослар М.С.Андреев, А.А.Диваев, Т.Мирғиёсов каби етук этнографлар иштирок этишди.

Туркистон халқ музейи, ҳозирги Ўзбекистон тарихи Давлат музейи (у Марказий Осиё минтақаси музейлари ичида энг йиригидир) шунингдек, Самарқанд Давлат музейи жамғармалари нодир коллекциялар билан тўлдириб борилди.

1920 йилларда Ўзбекистон тарихи музейи этнография бўлимини бошқарган йирик этнограф олим, академик М.С.Андреев ёзганидек, ўтмишга айланиб бораётган турмушга оид намунавий, беиз йўқолиб кетаётган жамики нарсалар албатта асраб қолиниб, уларга тегишлича таъриф-тавсиф берилиши шартдир. Буларни йиғиш-тўплаш ишини бир дақиқа ҳам кечиктирмаслик лозим, чунки ҳар бир ўтаётган кун давомида шундай буюмлар йўқ бўлиб кетмоқдаки, уларга ўхшашини кейинчалик умуман топиб бўлмайди.

1922-27 йилларда М.С.Андреев томонидан ўндан ортиқ этнографик илмий сафарлар уюштирилди. Шундан кейинги йилларда унинг раҳбарлигида Т.Мирғиёсов, Ш.Иноғомов, М.Бекжонова, В.Г.Мошкова, О.А.Сухарева, профессор М.Ф.Гаврилов ва бошқалар иштирокида кўргазма учун ашёлар йиғиш ишлари жадал давом эттирилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда этнографик илмий сафарларининг қатнашчилари йўқолиб бораётган маиший буюмлар ҳамда кийим-кечакларни тўплаш билан бир қаторда халқ анъаналари давом қилаётганлигини кўрсатувчи коллекцияларни тўлдиришга алоҳида эътибор бердилар. Уларни тўплаш ишлари режа асосида олиб борилди ва асосий йўналиш ва мавзулар белгиланди. Жамғармаларда мавжуд коллекциялар пухта ўрганилиб чиқилгандан сўнг, етишмаётган ашёларни йиғиш юзасидан истиқбол режаси тузилди. 1954 йилдан то 90-йилларгача Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида кенг миқёсли мавзулар бўйича мақсадли илмий сафарлар

уюштирилди. Уларнинг вазифаси айрим минтақалар бўйича турмуш ва ҳаёт тарзига хос алоҳида хусусиятларни кўрсатадиган ашёлар йиғиш эди.

Шундай илмий сафарлар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, Фарғона водийси, Бухоро вилояти, Хоразм вилоятларига уюштирилди. Уларни ташкил этиш ва ўтказишда олимлардан Р.Ёқубова, Т.Файзиев, Т.Абдуллаев, Н.С.Содиқова, И.Тўхтиев, Ўзбекистон тарихи музейи этнография бўлими илмий ходимлари Г.Алимов, М.Х.Султонов, К.Турсуналиев, С.Ҳасанова, С.Саидхонова, А.Қосимов ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Этнограф олимлар томонидан фонд мажмуаларида илмий жиҳатдан яхлит тўпланган коллекциялар Ўзбекистон халқлари моддий маданияти, жумладан, кийимларини мунтазам ўрганиш ишларига замин яратиб берди.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи фондида эркаклар ва аёллар кийим-кечакларидан иборат 22 ва 74-сонли коллекциялар бўлиб, буларда кимҳоб, банорас, бахмал каби қимматбаҳо матолардан тикилган кийим-кечаклар мавжуд. Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари – Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Шаҳрисабз, Ургут, Жиззах вилоят ва туманларидан йиғиб келинган дўппиларнинг 260 та намунаси борки, булар шакл ва гуллари жиҳатидан жуда хилма-хил бўлиб, ўтган ва ҳозирги даврларга оиддир. Коллекциялар таркибига, шунингдек, ип-газламадан, заррин гулдор кимҳобдан тикилган тўнлар, ипак ва хом ипакдан тикилган кўйлақлар, чопонлар, камзуллар ва бошқа устбошлар киритилган. Буларнинг бари XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро, Хива, Тошкент, Самарқанд, Фарғонада кийиш расм бўлган кийимлардир.

Бухоро зардўзлик буюмлари коллекцияси (35-сон) ҳам эътиборга лойиқ, унинг ичида худди шу асрларга оид тўнлар, дўппилар, кавушлар, саллалар бор.

Маълумки, пойафзал устбош сарпонинг муҳим қисмидир. Музей жамғармасида косиблар томонидан тайёрланган хилма-хил оёқ кийимлари:

махсилар, кавушлар, чориқлар, этиклар, ипак ва зар иплар билан кашталар тикилган. пойафзаллар сақланмоқда.

Аёллар кийим-кечагини зеб-зийнатлар ҳамиша беаб, кўркига кўрк кўшиб келган.

21 ва 25-тартиб рақамлари остида сақланаётган заргарликка оид коллекциялар айниқса ноёбдир. Унинг ичида тилла узук ва билакузуклар, туморлар, тиллақош ва зебигардонлар, зирак, булоқи, маржонживак ва марварид мунчоқлар бўлиб, буларнинг сони икки мингга яқинлашади. Бу зеб-зийнатларнинг жами XIX-XX аср бошларида қўли гул усталар томонидан ясалган ва Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Фарғона каби шаҳарлардан олиб келинган.

37-сон коллекция таркибида эса юқорида саналган шаҳарлар ва шунингдек, Марғилон, Хисор, Шаҳрисабздан келтирилган ипак ва хом ипак газламалар, ипак чойшаблар, саллалар мавжуд. Сўнгги йилларда эса мазкур коллекциялар Ўзбекистон фабрикаларида тайёрланган хилма-хил миллий замонавий матолар билан бойитилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат санъат музейи ҳам бу каби бетакрор ашёларга бойдир. Улар орасида қимматбаҳо кийим-кечаклар, зардўзлик буюмлари, тўнлар, либослар, дўппилар, пешонабандлар, этик ва кавушлар, кашталар, салла, белбоғ, қийиқчаларнинг намуналари сақланади.

Шу музейнинг Бухоро зардўзлик буюмлари коллекциясида ўтган ва ҳозирги асрга мансуб 152 буюм, 14-сонли кийимлар коллекциясида эса, 804 дона устбош ва зеб-зийнатлар сақланади. Бу коллекцияларда Нурота ва Бухоро аёллари кийими намуналари алоҳида ўрин олади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва минтақаларида кийиш расм бўлган кўйлақлар, камзуллар, дўппилар, уст-бошни безайдиган майда қадама буюмлар ҳам мавжуд. Заргарлик буюмлари коллекциясида 302 хил ўзбек ва тожик аёлларининг олтин суви юритилган зеб-зийнатлари: исирға, узук, билакузук, бош, пешона, кўкрак устига тақиладиган безаклар, дур-марваридлар, туморлар ва хоказолар бор. Буларнинг кўпчилиги XIX аср

охири XX аср бошларида Бухоро, Хива, Тошкент, Самарқанд, Нурота, Шаҳрисабз ҳунарманд усталар ишларидир.

9-сонли коллекцияда Ўрта Осиёнинг ҳамма шаҳарларида касиблар тўқиган 900 дан ортиқ ипак, ярим ипак, духоба, ип газлама матоларининг намуналари сақланади.

Самарқанд тарих ва маданият музейи жамғармалари хилма-хил ашёларга ғоятда бойдир, булар бутун Зарафшон водийси, Нурота, Бухоро, шунингдек, Хоразм усталари ишларини ташкил қилади.

12-сонли коллекция 233 та кийимдан иборат. Улар орасида кўйлак-иштонлар, камзуллар, шаҳар ва қишлоқда яшовчи турли ёшдаги аёлларнинг паранжи, тўн, кундалик, байрам, тўй, таъзия кийимлари (XIX-XX асрлар) сақланади.

Самарқанд, Бухоро, Тошкентда расм бўлган эркаклар устбошидан иборат жами 153 та ашёдан ташкил топган 13-сонли коллекция ва 215 дан зиёд буюмдан иборат бош кийимлари коллекциялари (15, 19, 40, 43-сонли) ҳам диққатга сазовор. Булар республиканинг турли туманларида тикилган бўлиб, шакллари ва гуллари билан бир-биридан ажралиб туради.

159 ашёни ўз ичига олган махсус 42-коллекцияда эса аёлларнинг рўмоллари, эркакларнинг таъзияларда белга боғланадиган қийиқчалари, келин-куёвнинг дастрўмоллари, турли салла ва мўйнали қалпоқларни кўрамиз.

79-сонли коллекцияда 177 буюм бўлиб, булар Ўзбекистоннинг ҳамма минтақаларида ясалган заргарлик буюмларидан иборат.

Бухоро ўлкашунослик музейида бухоролик заргарлар ишлашган зеб-зийнатлардан иборат коллекция (жами 70 дан ортиқ буюм) сақланади.

444 та матодан ташкил топган газламалар туркуми ҳам эътиборга лойиқ, улар ичида дастгоҳларда тўқилган ип-газлама (1 ва 2-сонли коллекциялар) намуналари ҳамда ўзбек ва тожик аёллари тикишган 600 дан зиёд кашталар бўлиб, шундан 300 таси кийим-кечакларга тикилган майда гулли кашталардир. Айниқса, аёлларнинг либосларига ипак ва жун иплардан

тикилган кашталар диққатга сазовор, булар ўтган асрнинг 70-80-йилларида тайёрланган. Аёллар рўмоллари ва пешонабоғларига, эркакларнинг белбоғлари ва пичоқ қинларига тикилган кашталарни ҳам учратиш мумкин.

Сурхондарё вилояти музейи жамғармаларида 1949-1955 йилларда Термиз шахрига В.С.Симонова ва бошқалар томонидан уюштирилган илмий сафар вақтида йиғилган кийим-кечак туркумлари мавжуд. 58 ашёдан иборат 637-сонли коллекцияда Ангор ва Шўрчи туманларида яшовчи қўнғирот элининг эркаклар ва аёллар устбошларини қўрамиз. 988 ва 572-сонли коллекциялар таркибида (жами 78 буюм) эркак ва аёлларнинг бош кийимлари сақланади.

Хива музейининг 92 буюмдан ташкил топган аёллар зеб-зийнатлари коллекцияси ҳам ажойиб, унда жумладан, дарвешлар кийими ва дарвешликка хос буюмлар (жами 12 дона) ҳам бор.

Хулоса қилиб айтганда, музейлар фондининг ва ундаги жамғармаларни бутлаш-тўлдириш учун зарур ашёлар этнографик илмий сафарларни уюштириш йўли билан тўпланадики, бу ишлар Ўзбекистондаги барча музейларнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Тўпланган ёдгорликларнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки улар мутахассис ва олимлар, қизиқувчилар учун Ўрта Осиё халқларининг ҳаёт тарзини, турмушини, дид ва нафосатини тадқиқ қилишда бебаҳо манба ҳисобланади.

3.2. Этнографик қишлоқ туризми

Этнография кўп қиррали ижтимоий фан бўлиб, халқларнинг нафақат бугунги кундаги ҳўжалик ва маданий ҳислатларини, балки уларнинг узок тарихий жараёндаги этник келиб чиқишини, жойланишини, маданий-маиший алоқаларини, анъанавий машғулотларини ва уларнинг тилларини ўрганади. Бу масалаларни таҳлил қилиш натижасида, ҳар бир халқнинг ўзига хос этник

хусусиятлари ва анъанавий машғулотларини тарихий ривожланиши очилади, аниқланади ва тўлдирилади.

Этнографик муоммоларни ва этногенезни ўрганиш давомида маънавий ва моддий маданият намуналари асосий манба бўлиб ҳисобланади. Таниқли этнограф олим С.А.Токаревнинг ёзишича, "Халқнинг келиб чиқишини англаш – бу уларнинг тарихий ворислигини, унинг номини ва жойини топиш, аجدодлари қаерда яшаганлигини ёки қадимий маданиятдан қолган нарсалар эволюциясини шу ҳозирги ҳудудда кузатиш ва излаш эмас; бу уларнинг қайси тилда гаплашганлигини ёки тил тарихини аниқлаш ва ниҳоят бу халқ қайси ирк элементларидан вужудга келганини аниқлашдангина ҳам иборат эмас. Балки, буларнинг барчаси халқнинг келиб чиқишини ўрганишда, жуда жиддий ва керакли бўлсада, лекин масалани бутунлай ечиб беролмайди ва масалани ечишда ҳали бутунлай етарли эмас. Шундай экан, аввало халқнинг келиб чиқишини тушуниш учун, шу хилдаги маданиятни ривожланиши ва генезисини топиш керак, бу эса шу халқда кўпроқ ривожланган бўлади" [Токарев, 1949, С. 24-25].

Халқнинг этник хусусиятини, унинг тили аниқлайди" албатта бу ерда анъанавий-хўжалик компонентлари, яъни унинг хўжалик маданияти турлари - уй-жой, кийим-кечак, овқат, урф-одат, халқ санъати, оғзаки ижодиёти ва ҳоказолар муҳим аҳамият касб этади" [Бромлей, 1974, С. 64].

Юқоридаги айтилган фикрлардан келиб чиқиб, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Сармишсойда олиб борган археологик изланишлар даврида Ижонд, Учтут қишлоқлари аҳолиси билан кўпроқ мулоқотда бўлишга, этнографик материаллар, афсона, халқ анъаналари ва урф одатларини йиғишга ҳаракат қилинди. Маълум бўлишича, бу қишлоқларнинг оқсоқоллари, диярли XX асрнинг ўрталаригача Сармишсойда ҳаёт кечирганлар. Лекин, аср ўрталарида (1949-1952 й.) уларни Зарафшон бўйларига мажбурий кўчириш ишлари олиб борилган. Бунга собиқ совет даврида пахта толаларини ва далаларини кўпайтириш сабаб бўлган. Кўчириш ишларининг биринчи босқичида, одамлар тоғ ён бағирларидаги дашт ва

кирларни ўзлаштирганлар, натижада Вауш, Учтут, Ижонд ва бошқа қишлоқлар ҳудудлари кенгайган. Уларнинг аҳолиси эса қучиб келувчилар эвазига қўпайиб борган. Сармишсойдан келган одамларга бу жойларни маъқул бўлишини сабабларидан бири, бу қишлоқлар Сармишсой дараси қишлоқларидан 7,5-8 км жанубда жойлашгани, яъни ўз туғилган маконлари яқинлиги эди.

Сармишсой этнографик дала матнларини тўплаш асосан 2005 йилнинг баҳор ойларидан бошланди. Шу йили информаторлардан Сармишсойга таълуқли афсона, урф-одат ва анъаналар йиғиб олинди. Маълумотларни берувчилар Сармишсой дарасидаги Сармиш, Лойлиқ ва Юмушқанжик қишлоқларида туғилганлар. Улар бу жойларни ота боболари яшаган ва ўтган жойлар эканлигини фахр билан тилга олишади. Шунинг ҳам айтиш керакки, информаторлар орасида ўз ўтмишига қизиқувчи маҳаллий тарих ўқитувчилари ҳам бор. Улар ота боболаридан сўраб олган афсона ва тарихий маълумотларни ўз ўқувчиларига етказиб беришмоқдалар.

Ана шундай тарих ўқитувчиларидан бири Учтут қишлоғида яшовчи Ҳамид Хотамов бўлиб, у киши Вауш ва Учтут қишлоқлари номини қандай пайдо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни жуда жонли ва маънодор қилиб сўзлаб беради.

Афсонада айтилишича, Сармишсойдан қучиб келган бир аёл ўзининг ягона қизи билан тоғ этагидаги қишлоқда яшаган экан. Унинг қизи гўзал бўлиб, исмини Бибиш деб аташган. Онаси уни кўз қорачиғидек авайлаб асрар ва жуда яхши кўрар экан. Кунлардан бир куни Бибиш сув олиб келиш учун уйларида унча узоқ бўлмаган бир булоққа йўл олибди. Анча вақт ўтса ҳам Бибишдан дарак бўлмагач, ташвишга тушган она уни излаб чиқибди. Булоқ бўйида қизини тополмаган она, фарёд қилиб ҳар томонга қараб қичқирибди ва югурибди, лекин қиздан дарак тополмабди. Шу пайт бир отлиқ келиб қолибди, она ундан қизи Бибишни излаётганини айтибди ва сиз мени қизимни кўрмадингизми, деб сўрабди. Отлиқ киши, онанинг саволига савол билан жавоб берибди.

- Қизингиз сувга чиққанда ёлғизмиди ёки бирон бир киши билан биргамиди?

- Бу саволдан ваҳимага тушган она, кўрқиб писиб у ёлғиз эди, деб жавоб берибди.

Шунда бу нотаниш отлиқ, онанинг саволига жавоб бериб, йўлда фақатгина бир отликни учратганини айтибди, уни ёнида ҳеч ким бўлмасада, лекин унинг оти эгарида катта қоп борлигини ва уни ичида қандайдир бир нарс ҳаракат қилаётгани айтиб берибди ва ўз йўлига равона бўлибди.

Бу жавобдан кўрқиб кетган она, қизимни ўша отлиқ ўғирлаган, деган фикрга келибди ва жуда қаттиқ ҳаяжонга тушиб бор овозича "Вой Бибиш, Вой Бибиш" деб кичкириб, йиғлабди. Унинг овози баланд тоғ қояларидан акс садо бўлиб "Вауш" "Вауш" деган овоз, қайтарилибди.

Шундан бери, бу ернинг номи, Вауш деб аталаркан.

Кейинги афсонада Учтут қишлоғи номи ва у ердаги қадимий учта тутнинг қандай пайдо бўлганлиги тўғрисида келтирилган. Маълумки, Учтут қишлоғи Сармишсойнинг ўрта қисмидан 10 км жанубий-ғарбда жойлашган бўлиб, у нафақат республикамиз археолог ва палеоантолог олимларига балки дунёдаги жуда кўп мамлакатлар олимларига ҳам маълумдир. Бу жой тош (палеолит, неолит) даврлари одамлари учун, Зарафшон водийси ва унинг атрофига чакмоқтош қуроллари олиш макони бўлиб хизмат қилган. Палеолит даврида (миллоддан авв. 300-15 минг йилликлар) одамлар Учтут атрофларидаги чакмоқтош маконларининг ер усти қисми тошларидан қуроллар ясаш учун фойдаланишган. Лекин, неолит (миллоддан авв. VII-IV минг йилликлар) даврига келганда улар ер ости шахталари қазиб у ердан тош қуроллар учун чакмоқтошларни олиб чиққанлар. Бунга сабаб ер усти чакмоқтошларидан кўра, ер ости чакмоқтошлари қуроллар ясада бўлакраниб кетмаган, яхши рах ва қирралар берган. Археологларнинг ҳисоб китобларига қараганда Учтутдаги 800 м.кв. ер остида чакмоқтош маконлари жойлашган. Шундан фақат 1000 м.кв. жой ўрганилган ва бу ердан 40 дан

ортиқ тош даври чақмоқтош шахта конлари очилган [Касымов, 1963; Мирсаатов, 1973].

Учтут қишлоғида мана бир неча юз йиллардан буён, учта йирик тут ўсиб, ёзнинг жазирама иссиқ кунлари одам ва хайвонларга соя бериб атрофни салқинлаштириб туради. Кейинги йилларда бу тутларни атрофи ободонлаштирилиб, уларни асраб қолиш ишлари олиб борилди. Афсонада айтилишича, бир пайтлар бу ердан йўл ўтган, атроф очик ва ҳеч қандай дарахт бўлмаган. Саратонни иссиқ кунларининг бирида, бу ердан учта ака-ука ўтишибди, иссиқдан жуда терлаб, юришга ҳоллари қолмасдан, шу ердан бирон бир дарахт ёки бирон бир пана жой излашибди. Лекин, минг афсуски бу ерда улар излаган жой йўқ экан. Шунда улар кейинги баҳор ойларида бу ерга келиб бирон бир дарахт экишни кўнгилларига тугиб қўйишибди. Баҳор ҳам келибди, шунда улар бу ерга келиб, учта тут дарахтини экиб кетишган экан. Шундан бери, бу тут дарахтлари ўсиб, каттариб одамларга соя-салқинлик ва мева бериб келаркан. Ана шу ака-укалар экиб кетган учта тут дарахти номи билан бугунги кундаги Учтут қишлоғи аталадиган бўлибди. Учтутликлар шу учта ака-ука йўловчиларга ўз миннатдорчиликларини доимо айтиб юришади.

Ижонд қишлоғилик Остон бобо Муҳаммадиев 1939 йилда Сармиш қишлоғида туғилган. У умр йўлдоши Зулфия момо билан то 1950 йилгача Сармиш қишлоғида ҳаёт кечирган.

Остон бобо Муҳаммадиев ўзбекларнинг "баҳрин" уруғига мансуб. У кишини айтишига қараганда, Сармишсой аҳолиси XX асрнинг бошларида асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Чорва баҳор ойларининг ўрталаридан то кеч кузгача яйловларга олиб чиқилган. Қишлоқда, фақат бир нечта сигир ва ёш бузоқлар қолдирилган, улардан сут соғиб олиб, сут маҳсулотлари тайёрлаш учун фойдаланишган. Сармишсой водийсининг қир ва адирлари, тоғ оралари, очик яйлов сифатида молларни боқишда фойдаланилган. Сойнинг ички қисмидаги террасаларида эса

деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланишган. Чорва моллари алоҳида ташкил қилинган жойларда суғорилган.

Ўтган асрнинг 40-йилларида Сармишсой водийсида 18 та сув тегирмонлар бўлган. Уларнинг бир нечтаси 9-10 гуруҳ қоя тош расмлари жойлашган майдон атрофида, яна бири эса 15 гуруҳ расмлари ёнида бўлган, бугунги кунда улар археологлар томонидан ўрганилган. Остон бобони айтишича, анча илгари сармишсойликлар буғдойни экиш ёки кўпайтириш билан шуғулланишмаган, буғдой ўрнида ҳар хил тоғ ўтлари, ёки жухори ва тарик донларидан нон қилишган. Уларни майдалаш учун тут дарахтидан ясалган келилардан фойдаланишган. Келиларни икки кўл билан ушлайдеган келисоплари ҳам тут дархтидан ясалган бўлган. Ундан ташқари донларни ун қилиш учун тош ёрғучоқлардан ҳам фойдаланилган. Шундай ёрғучоқлар Сармиш қишлоғи устидаги Чамбар тепа ён бағирларидан ва 14 гуруҳ петроглифлари қоя тошларидан топилган. Бундай ёрғучоқларда кўп дон майдалаш ва ун олиш узок вақт ва кўп меҳнат талаб қилган. Бундай услуб билан олинган унни сифати ҳам албатта яхши бўлмаган ва уларни таъми сув тегирмони унларидан ёпилган нонлардан фарқ қилган. Маҳаллий аҳоли буғдойни яхши навларидан фойдаланиш ва уларни экиб кўпайтиришни жуда кеч бошлаганлар. Кейинчалик далаларга баҳорги уруғлари сепилиб у жойлардан йилига қараб, яхши ҳосил олишга эришганлар. Ана шундан бошлаб, сув тегирмонларини аҳамияти ошган ва улардан кенг ва кўп фойдаланила бошланган.

10-14 гуруҳ қоя тош расмлари жойлашган майдонда, яъни Лайлак оғзи деб аталадиган жойдан то Чамбарқўрғонгача бўлган ерда катта боғ бўлган. Бу боғда мевали дарахтлар билан бир қаторда мевасиз дарахтлар, яъни чинор, тут, қайроғоч, тол ва бошқалар ўсган. Айниқса, Сармишсой ўриклари Бухоро амирлиги ҳудудида жуда қадрланган. Бу боғ Бухоро амирига қарашли бўлиб, у ёз ойларида бу ерга келиб дам олишни хуш кўрган экан. Ҳозирги кунда бу боғдан бир неча дарахтлар сақланиб қолган, халос. Айтишларича ўша пайтда бу ерда ховуз бўлган, ундан ташқари амир учун сойнинг ичидан тошни ўйиб

махсус чўмилиш идиши ясашган экан. Ҳозирги кунда бу жойни амирни чўмилиш идиши, яъни **ваннаси** деб аташади.

"Хизр Мозор" номи билан аталган алоҳида болалар қабристони сақланиб қолган бўлиб, бу қабристон 10 гуруҳ қоятош расмлари жойлашган майдоннинг жанубий томонида жойлашган. У кишининг айтишича бу қабристонга фақатгина нобуд бўлган ёш болалар қўйилган. Остон бобони айтишича Сармишсойда бир неча "муқаддас тош"ли сиғинадиган жойлар бўлган. Маҳаллий аҳоли қадим замонлардан бошлаб бу тошларни қандайдир илоҳий кучга эга эканлигига ишониб, уларга сиғиниб, қурбонликлар қилиб келганлар ва бу авлодлардан авлодларга ўтиб давом этган. Бу ерга олиб келиб қўйилган қўй ёки эчкилар одамларни тезроқ тузалиб кетишига, овга чиққанида ови ўнгидан келишига, ёнғиндан қўйган жойларини тезгина битиб кетишларига ёрдам беришига қаттиқ ишонганлар. 2-4 гуруҳ қоя тош расмлари ёнида бир неча "муқаддас тош" бўлиб улардан бирини кўкйутал тош деб аташган. Бу тошлар ёнига йутал касалига йўлиққан касаллар олиб келинган. Тош ёнига келган касални қариндоши ёки бошқа бир киши бирон бир хайвонни ёки парандани қурбонлик қилиб, оллоҳдан касални тезроқ тузалиб кетишини илтижо қилиб сўраган ва дуо ўқиган. Шундан кейин, касал тошга ўйиб қўйилган қавакчаларга сув қўйиб, уни ичган. Бу тош сой ёнида бўлса унга шу сой сувидан қўйилган, агар четроқда бўлса, ўзлари билан сув олиб келишиб тош қавакчаларига қўйиб, кейин ичишган. Бундай даволаш тадбирлари кишиларни тузалиб кетишига ёрдам берган. Чунки, одамлар бу тошларни илоҳий даволаш ва сеҳрли хусусиятларига, қаттиқ ишонганлар.

Сармишсой дарасининг бир неча жойида хум ёки бошқа сопол идишлар ясовчи кулолларни махсус жойлари бўлган. Бу ҳунармандлар аҳолини сопол буюмлар билан таминлаб турганлар.

Тўртинчи гуруҳ қоя тош расмлари яқинида, **"Девона қамар"** деб аталган, тошдан терилган бинога ўхшаш жой бўлган. Бу ерда, йўлда манзили томон кетаётган йўловчилар, девонасифат одамлар тўхтаб дам олишган, шунинг учун бўлса керакки бу ерни "девона қамар" деб аташган.

Сармишсой дарасидаги қоя тош расмлари тўғрисида деярли ҳеч нарса гапириб беролмаган бўлсада, лекин, даранинг торайган жойига, яъни расмлар кўп солинган қоялар ёнига ёш болаларни ёлғиз бормасликлари қаттиқ назорат қилинганлигини айтиб бердилар. Бунга сабаб бу ерда жинлар бор, улар қояларга расмлар чизадилар. Кишилар бу нопок кучлар болаларга зиён етказди ва касал бўлиб қолади деб ўйлашган. Ҳаттоки шундай қояларга қўл теккизишга ҳам рухсат беришмаган. Одамлар ўртасида шундай бир ишонч бўлганки, кимда ким бу расмларга тигиб кетса ёки унга зиён етказса, уни оиласида албатта бахтсиз ҳодиса содир бўлади, ёки у касал бўлиб қолади, деб ўйлашаган. Афтидан маҳаллий аҳоли бу тошлардаги сирли расмларни кўриб ҳайратга тушган ва уларни афсунгар деб ўйлашган. Шунинг учун ҳам, кишиларни бу қояларга яқинлашмасликка ва уларга тегинмасликка чақиршган.

Сармишсойдаги ҳар учала қишлоқда ҳам мачит бўлган. У фақатгина номоз ўқиш учун фойдаланилмасдан, балким бу мачитларда болаларни ўқитиш ишлари ҳам олиб борилган. Шундай мачит харобаларидан бири Лойлиқ қишлоғи ўрнида ҳозиргача сақланиб қолган. Сармиш қишлоғидаги мачитни тошдан бўлган девори бугунги кунгача сақланган халос. У Чамбар тепанинг жанубий ён бағрида жойлашган. Айтишларича бу мачит анча кенг ва хашаматли бўлиб, у синчдан маҳаллий ҳунармандчилик услубларида қурилган бўлган. Мачитнинг устун пушалари мрамор тошдан ясалган. Шундай устун пушалардан бири ҳозирги кунда болалар дам олиш оромгоҳи (Горный) «музейида сақланмоқда. Мачит шипларига ганч ўймакорлик нақшлари солинган бўлган. Жума ва ҳайит намозлари шу мачитда ўқилган.

Сармишсойда сув ҳар йили бир хилда оқмаган. Бир йил кўп бўлса бошқа йиллари жуда кам бўлган. Сув етишмайдиган йиллари одамлар кўпроқ чорвачилик, яъни йирик шохли қора моллар ва қўй, эчкиларни боққанлар. Яқин орада бозор бўлмагани учун сут ва сут маҳсулотларидан тайёрланган маҳсулотлар сотилмаган, улар фақат оила эҳтиёжи учун ишлатилган. Сармиш қишлоғи анча сийраклашиб қолган. Чунки одамларни колхозларга

бирлаштириш натижасида кўпчилик ҳар томонга тарқалиб кетган. 1940 йилларда Сармишсойда 20 дан ортиқ оила истиқомат қилган. Ҳар бир оилада 12-15 киши бўлган. Улар мактабларга боришмаган, фақат мачитда қуръон ва бошқа диний адабиётларни мутоола қилишни мулла ўргатиб борган.

Улар болаларни тарбия қилишган ва чорва молларини соғиб, сут маҳсулотларини тайёрлаганлар. Аёллар зиммасига оила кийимларини тикиш ва ювиш ишлари ҳам кирган. Улар асосан болаларни кийимларига кўпроқ эътибор беришган. Буни учун қўй ва эчкилардан олинган жунлардан кўпроқ фойдаланишган. Бу пайтда қишлоқларда "ғўза" ўстиришган (пахтани тури, жойдори ғўза) ва ундан олинган толадан кийим кечак тайёрлашган. Сармишсой аёлларини деярли ҳаммаси гилам тўқишни яхши билишган, ундан ташқари кўрпача ва ҳар хил ётоқ маҳсулотлари тайёрлаганлар. Кашта тикиш сирларини қизларга ёшлигидан ўргатиб борилган. Улар ўзларини сеплари учун ҳар хил сўзана ва бошқа тикишларни тайёрлаганлар. Аҳоли пахсадан ясалган, кичик-кичик уйларда истиқомат қилишган, хоналарнинг деразалари бўлмасдан дарчалар қилинган. Уйда бир қанча кўрпачалар йиғиб қўйилган, баъзи бирларини ерга ташлаб қўйишган ва уларнинг устида ўтиришган ва ухлашган. Меҳмонлар учун алоҳида бир нечта пахта солинган кўрпа ва кўрпачалар тайёрлаб қўйишган.

Сармишсойнинг ўрта қисмида Сармиш, Лойлик, Юмушқанжиқ (Сувбоши) қишлоқлари бўлган. Мана шу қишлоқлар ва уларнинг атрофларида жуда кўп муқаддас жойлар бўлиб аҳоли бу жойларни қадим-қадим замонлардан ўз эътиборида тутган ва бу муқаддас жойларда ҳар хил маросимларни ўтказганлар. Ана шундай жойларга Сармишсойнинг ўрта қисмида, чап соҳилда жойлашган қабристонни (ҳозирги пайтдаги Сафаровлар уйининг шарқий қисми), сойнинг шимолий қисмидаги "Қиличлик ота" қабристонни ва сойнинг ўнг қирғоғида жойлашган "Озодхон ота" қабрини эсга олдилар. Бу қадамжойларга одамлар тез-тез келиб туришган. Улар ўзлари билан биргаликда қўй ёки эчки олиб келишган ва уларни шу ердаги арвоҳ ва руҳларга бағишлаб қурбонлик қилишган. Улар

оллоҳ ва руҳлардан боласи йўқларга бола беришни, касалларга шифо, бутун халққа тинчлик беришни сураб дуолар ўқишган. Бундай маросимлар уларга руҳан ёрдам бериб, касалларни тезгина оёққа туришига ишонтирган.

Сармишсой аҳолисини асосий қисми руҳоний ва эшонларга жуда ишонишган, улардан хаймиқишган. Чунки эшонлар пайғамбар авлодидан бўлиб, улар ҳар хил дуолар ўқишни билишган. Улар ўз билимларини ишга солиб, оддий бир сирли нарсаларни кишиларга мўъжиза қилиб кўрсатишган. Аҳоли уларни бу сирли ишларидан хайратга тушишган ва улардан кўрқишган. Сармишсойда кучли билимга эга бўлган бир эшон бўлганки, у бир дуо билан оқаётган сувни орқа томонга буриб юбораркан. Бундай ақидапарастлик кишиларни онгига ўрнашиб қолган ва уларни ҳар томонлама ривожланишига қаттиқ қаршилик қилган. Бу ҳол янги фикр ва ғояларни ривожлавонтириш йўлига ғов бўлган.

Сармишсой сувларида қадим замонлардан бошлаб Нурота балиқлари каби балиқлар (русчада маринка) сузиб юришган. Бу балиқларга аҳоли тегинмаган, чунки улар "муқаддас" ҳисобланган. Ҳозирги кунда Сармишсойда бу балиқлар жуда кам учрайди. Балиқлардан ташқари Сармишсойда ёввойи ҳайвонлар тоғ эчкилари, бухоро буғиси, жайрон, бўри, тулки, жайра ва бошқалар ҳам кўп бўлган. Уларни махсус овчилар овлаганлар.

Сармишсой топонимикасини талқин қилинишича Сармиш сўзи "Сармуш" атамасидан келиб чиққан, яъни сар - бу форсча "бош ёки бошланиш" деган маънони берса, "муш" бу ҳидни билдиради. Бу ердаги ўт ўланларни тарқатган ҳидидан баҳраманд бўлган Бухоро амири бу сойни "Сармуш" деб, атаган экан.

Учтут қишлоғидаги мактабда биология ўқитувчиси бўлиб ишлаган Толмас Пўлатов билан суҳбатимиз унинг уйидаги меҳмонхонасида бўлди. Суҳбатимизда Навоий вилояти ўлкашунослик музейи директори Рамазон Эгамов, маҳаллий мактабни тарих ўқитувчиси Ғайрат Ходиев ва Самарқанд Давлат университетини студенти Элдор Гисматулин иштирок этди.

Сармишсойдаги Юмушқанжиқ қишлоғи. Бу қишлоқ Сармишсойнинг шимолий қисмида, сойнинг унғ қирғоғида жойлашган. Юмушқанжиқ эса аста секин харобага айланган. Ҳозирги пайтда бу қишлоқни харобаларни "Булоқ боши" деб аталадиган жойнинг шимолий қисмида кўриш мумкин. Бу қишлоқда 1940-1950 йилларда 30 га яқин оила яшаган.

Юқорида айтилганлардан маълум бўлмоқдаки, бу қишлоқнинг ва унинг атрофдаги қишлоқларни аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғилланишган. Бой оилаларда албатта икки ёки учта асл зотли: қорабайир, лоқай ва бошқа отлар боқилган. Бунинг учун от боқиладиган хонадонларда албатта бир нечта ёғочдан ясалган мустаҳкам қозиклар бўлган. Бу қозикларга отлар узун арқонлар билан боғлаб қўйилган ва уларни алоҳида ҳолда беда ва арпалар билан боқишган. Бундай отлардан ўша пайтда тез-тез ўтказилиб турадиган байрам ва тўйларда кўпқари ва пойғаларда фойдаланганлар.

Яна бошқа информаторлар Сармишсой топонимикасини "мих" сўзи билан боғлиқлигини ўқтириб ўтдилар. Уларнинг айтишларича Сармишсой қадимда "Сармих" деб аталган экан. Чунки бу ерда жуда кўп от боғлайдиган "мих"лар яъни қозиклар бўлган.

Сармишсой аҳолиси юқорида келтирганимиздек, кўпроқ қўй ва эчкиларни кўпайтирганлар. Бошқа молларга нисбатан нега қўй на эчкиларни кўпроқ боқишган, деган саволга, улар бу чорва молларини боқиш қадимдан одат бўлганини, кейин уларни кўпайиши учун бу ерларда ҳамма шароитлар борлигини айтиб ўтдилар. Чорвадорлар орасида кенг тарқалган афсона ва маталларда айтилишича қўй жаннати бўлиб, уни жаннатдан олиб келишган экан. Ҳозирги кунгача чўпонларга ёрдам берувчи ва уларни қўллаб-қуватловчи илоҳий куч борлигини, яъни уларни пирлари борлигини гапириб беришади. Республикамизнинг турли жойларида чўпонларни ўз паноҳида сақловчи илоҳий "Чўпонота" борлиги ҳақида афсона юради. Шунинг учун бўлса керакки, Марказий Осиёни кўпгина тоғлиқ жойларида "Чўпонота"ни илоҳий қабрлари бор. Айтишларича ҳамма ҳам чўпон бўла олмайди, унинг

учун кишида иқтидор бўлиши керак. Шунинг учун ҳам, қадим замонлардан бошлаб чўпонлик касбига кишилар ҳурмат билан қарашади.

Сармишсой атрофида асосан зотли қоракул қўйлари боқилган. Бу қўйлар асосан қоракул терилари ва гўшт маҳсулотлари олиш учун боқилган. Эчкилар эса, жун ва гўшт маҳсулотлари учун боқилган. Бу урф-одат бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Қўй ва эчкилар бозорларга сотиш учун ҳам олиб чиқилган. Уларни эгалари уларни сотиб ўзларига керак бўлган бошқа хусусий ва хўжалик анжомларини сотиб олганлар. Қоракул терилари билан шуғулланувчи махсус кишилар бўлиб, улар қишлоқларга келиб териларни сотиб олганлар, ёки бирон бир керакли нарсаларга алмаштирганлар. Шундан сўнг уларга ишлов бериб ҳар хил буюмлар ясаганлар ва сотиб фойдаланганлар. Қўйларни гўштлири ҳам бозорларда сотилган. Бундай юмушлар билан қассоблар, молфурушлар, молжалоблар ва отжалоблар чармгарлар шуғулланишган. Қўй ва эчкиларни жунлари ҳам бозорларда сотилган, улардан гилам, кигиз, олача, қоп, хуржун, арқон ва бошқа хўжаликка керакли нарсаларлар тайёрланган. Теридан оёқ кийимлари, сув учун ва айрон учун меш қоплар тайёрланган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Сармишсой қишлоқларида сигир, хўкиз ва бузоқлар ҳам боқилган. Буқалардан фақаггина гўшт ёки насл олиш учун эмас, балки ерларни омоч билан ҳайдашда ҳам ишчи кучи сифатида фойдаланишган. Омоч тут ёки тол дарахтларидан ясалган. Бундай омочлардан Марказий Осиёнинг жуда кўп жойларида қадимдан то 20 аснинг 60 йилларигача фойдаланиб келинган.

Сигирлардан асосан насил олишда, сут маҳсулотлари тайёрлашда, баъзан эса гўшт етиштиришда ҳам фойдаланишган. Кармана ва бошқа жойлардан махсус кишилар Сармишсой қишлоқларига келиб, сут маҳсулотларини харид қилиб олиб кетганлар ва шаҳар бозорларида сотганлар.

Сармишсойда туялар ҳам боқилган. Туялар уларнинг оиласида чорва моллари билан биргаликда боқилган. Сармишсойда туяси бўлган кишилар

кўпчиликни ташкил этган. Бу жойларда асосан икки ўркакчи (бактриан) туялар кўпайтирилган ва улар чўпонсиз боқилган. Улардан асосан транспорт воситаси сифатида ёки айрим хўжалик ишларида фойдаланишган. Ундан ташқари, туялардан жун, сут ва гўшт маҳсулотлари олишган.

Сармишсой дарасидаги қишлоқларнинг оилалари кўп болали бўлишган. Ҳар бир оила 12-15 кишидан иборат бўлган. Бу ердаги болалар маълумот олишда қийналишган, чунки, қишлоқ мулласигина уларга қуръон сураларини ва бошқа диний адабиётларни ўргатган халос, бошқа фанлар умуман ўтилмаган. Фақатгина иккинчи жаҳон урушидан кейин, уларнинг қишлоғига бир ўқитувчи Карманадан келган ва мачитда ҳар хил ёшдаги болаларга дунёвий билимлардан дарс бера бошлаган.

Қишлоқдаги аёлларни ҳаммаси уй бекаси бўлиб, болаларни боқиш, овқат тайёрлаш ва бошқа хўжалик ишлари билан машғул бўлишган. Ҳамма учун кийим-кечак тайёрлаш ҳам аёллар зиммасига юклатилган. Урушдан кейин Сармишсойда ғўза экиб ундан ҳосил олиш ишлари ҳам олиб борилган. Бойвачаларнинг хотинлари ёки қизлари Бухородан келтирилган атлас ва қаламилардан кийимлар тикиб кейишган.

Сармишсойдаги қишлоқларнинг уйлари кичик-кичик бўлиб, пахсадан ясалган. Фақат баъзи бир уйларгина синчли бўлиб, улар асосан тол, терак ва чинорлардан ясалган. Бундай дарахтлар сойнинг икки соҳилига қатор қилиб экилган. Бу дарахтлардан ташқари Сармишсойда жуда кўп мевали дарахтлар ҳам бўлган. Сармишсой ўригидан тайёрланган туршаклар, ёнғоқлар ва узум ўтган асрнинг ўрталаригача одамларга жуда катта фойда келтирган. Бугунги кунда болалар дам олиш оромгоҳлари ҳудудида (Шабода, Горный), боғларда ўша пайтда экилган баъзи бир дарахтлар сақланиб қолган. Уларнинг асосий қисми қаровсиз қолгандан кейин кесилган, қуриган ва йўқ бўлиб кетган. Аҳоли буғдой ва арпа олиш учун сувсиз баҳори даштларидан фойдаланишган. Сармишсойдаги сув тегирмонлари буғдойни ун қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Сармишсойдаги халқ ўйинлари ва байрамлари ҳақида. Тўй қилинса албатта бахшилар таклиф қилинган, улар халққа Гўрўғли, Алпомиш, Аваз, Қурбон ботир ва бошқа дostonларидан айтиб берганлар ва уларни ота-боболари қолдирган маданий мерос билан таништирганлар. Ундан ташқари, тўйларда кураш, кўпқари, от пойгалари ташкил қилинган. Бундай байрамларда нафақат Сармишсойликлар балким, бошқа жойлардан келган полвонлар ҳам иштирок этганлар. Болалар қадимги халқ ўйинлари: чиллик, копток отиш, кўк теракми оқ терак, чор пичок, кулоқ тортиш ва бошқаларда иштирок этганлар. Аёллар ва ёш қизлар ҳар хил халқ таомларини тайёрлаганлар ва беш бармоқ, беш тош ва бошқа ўйинларни ўтказганлар. Айниқса рамазон ва қурбон ҳайитларида одамлар жуда фаол иштирок этганлар.

Шундай қилиб, Сармишсой қишлоқларида қизғин ҳаёт ўтган асрнинг ўрталаригача давом этган. 1945 йилдан бошлаб Сармишсой қишлоқлари аҳолисини Зарафшоннинг ўнг irmoғидаги жойларга кўчириш ишлари бошлаб юборилган. 1960 йилга келиб, Сармишсой қишлоқларида икки оила қолган ҳалос. Бошқа оилалар Ижонд, Учтут, Вауш ва бошқа жойларга кўчирма қилиб юборилган.

Сармишсой аҳолиси қаерда яшамасин ўз қадимлари, ота-боболари урф-одатларини сақлаб қолган, уларни авайлаб авлодлардан-авлодларга етказиб берган. Улар моддий ва маънавий маданият нишонлари бўлиб ўзбек халқи тарихий меросининг муҳим бир бўлагидир, сўзсиз Сармишсой аҳолисининг этнографияси ва анъаналари ҳали халқимиз тарихи учун ўз бағрида кўплаб маълумотларни сақлаб келмоқда.

3.3. Музей ва тарихий ёдгорликларда – маданий туризм интеграцияси ва инновацияси

Туризм сўнгги ўн йилликда иқтисодий ҳаётнинг глобал интеграциялашувида муҳим омил сифатида мамлакатларнинг жаҳон

бозорига киришида ўзига хос механизм сифатида иштирок этмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон миллий туризмнинг ривожланиши ҳам иқтисодий ўсишнинг таянч нуқтасига айланади. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди энг қадимий маданият марказларидан бири бўлган. Бу ҳудудда минг йиллар давомида шаклланган кўплаб маданият ва маънавий марказлари, минглаб илмий асарлар ҳамда тарихий ёдгорликлар халқимизнинг бой маданий-маънавий ёдгорликлари ҳисобланади. Маданий-маънавий мероснинг кўплиги, бой ва ранг-баранглиги ҳамда қадимийлиги билан Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Шуниси эътиборлики, бугунги кунга қадар Ўрта Осиё давлатларида жойлашган 6 та маданий мерос объектлари "Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати"дан жой олган бўлса, шундан 5 таси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган.

Мустақилликка эришилгандан кейинги даврда мамлакатимизда маданий мерос ва қадриятларни тиклаш ва тарғиб қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Миллий қонунчилигимизда маданий меросни муҳофаза қилишга оид 10 дан ортиқ қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги кунда Республикамизда тасвирий ва халқ амалий санъати асарлари, археологик ва меъморчилик объектлари, муқаддас зиёратгоҳлар миллий маданий мерос намуналари сифатида асраб келинмоқда.

Археологик қазишмалар, топилган осори-атиқалар бугун дунё эътиборини маданий туризм борасида Ўзбекистонга қаратилаётганидан далолат бериб келмоқда.

Турли халқлар ва ҳудудлар урф-одатлари, маданияти ва турмуш тарзини ўрганишга интилиш инсонларни саёҳат қилишга ундайди. Ана шу факторлар асосида маданий туризм индустрияси ривожланмоқда. Масалан, турли халқларнинг маданиятини яққол акс эттирувчи миллий буюмлар, миллий таомлар, маданий-тарихий ёдгорликлар туризм соҳасида энг оммалашган хизмат турлари сифатида кўринмоқда. Бугунги кунда кўпгина меҳмонхоналар маҳаллий рассом ва ҳайкалтарошларнинг ижодий ишларини

намойиш қилган ҳолда хорижий меҳмонларга ўз ватанларининг маданияти ҳамда санъатини таништиришга ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, меҳмонхоналарнинг махсус залларида санъат асарларининг кўргазма савдолари ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, сайёҳларга турли халқона миллий мусиқалар ва фольклор рақс кўринишлари намойиш этилмоқда¹.

Маданий кўриниш факторлари музейларда ва моддий ёдгорликларда намойиш қилиш давомида сайёҳларнинг қизиқишларини ўрганган ҳолда ташкиллаштирилиши ижобий жараёнларни юзага келтирмоқда².

Бир қанча маданий кўриниш жараёнларини тадқиқ этган ҳолда, туризм соҳасида турли миллатларнинг хизматлар доирасидаги талаб ва таклифлари қуйидаги кўринишларни бермоқда:

Иқтисодий ўсиш даврида музейлар янги ижтимоий-сиёсий маданият маркази бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда музейлар бозор иқтисодиётидаги ўзгариш ва янгиликлар билан ҳамнафас равишда муайян муҳитга мослашиш шарт-шароитини бошдан кечирмоқда. Ана шундай ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар жарёнида музей инсонларда кўникма бериш хусусиятларига эга бўлиши лозим. Ўз навбатида музейлар фақатгина тарихий мерос осори-атиқаларини тарғиб этиш билан кифояланмай, балки замонавий бадиий жараён кечинмалари ҳақида ҳам тушунча бериши лозим. Туризм музейларининг ривожланиши ҳудуд тарихий меросини тарғиб этиш билан бирга, мавжуд тарихий шаҳарлар номини оммага танитишда ва музей маркетинги шаклланишини таъминлайди. Замонавий музейлар концепцияси кўп қиррали кўринишда қуйидаги фикрларни умумлаштириши лозим: ёрқин ва намунавий экспозицияларни жамлаган, музей иши доирасидаги замонавий лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиққан ҳолда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги амалий аҳамияти; глобал муаммолар шакли ва кўринишидаги ижтимоий ҳаёт лавҳаларига асосланган кўргазмалар ташкил этиш ва уларни ёшлар ҳаётига тарғиб этиш.

¹ Моисеева Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. - М.; Финансы и статистика. 2007. - С.40-41.

² Дмитриев М.Н., Забаева М.Н. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. - С.14

Туризмни музей ва ёдгорликларда шакллантириш – кенг тарқалган соҳа бўлиб, турли мамлакат, халқ, миллатлар тарихи, уларнинг маданий мероси, дини, урф-одати ҳамда маросимлари, хусусан санъати тўғрисида атрофлича маълумот беради, шунингдек, унумли дам олишнинг турли-туман кўринишларини очиб беради.

Сайёҳликни ривожлантириш – унинг мамлакат иқтисодиётини кўтаришда муносиб улушга эгаллиги ва ижтимоий аҳамият касб этиши сўнгги йилларда дунё бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ўз асосини топди. Бундай тадқиқот, илмий изланишларни юқори самара бериши учун бугунги кунда Халқаро туризмда музейлар фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу музей ҳақиқий профессионал илмий марказ сифатида фаолият юритиб, ўз олдида сайёҳлик тарихи, технологияси тўғрисида маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва шу асосда сайёҳлик фаолиятини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқаришни асосий вазифа этиб белгилайди. Туризмда музейининг асосий ғоясига ҳудудларни маданияти ва тарихини ёритиш, комплекс ғояни тузиш, илмий-оммабоп ва бошқа музейга хос анъанавий қизиқишларни қамраб олади, лекин сўнгги навбатда ихтисослашмаган у ёки бу музей коллекциялар тўплами ҳам киради.

Туристлик музей маҳсулотларини яратишда қуйидаги базавий жараён билан боғлиқлик инобатга олинади: ҳудуднинг маданий мероси интерпретацияси, туристик музейларнинг ўзига хос специфик ишлаб чиқиш креативи (ижодий ечими) ва бошқалар.

Музейшунослик ва маданий туризм бўйича россиялик машҳур эксперт Н.А.Никишин бу муаммони батафсил текшириб, туризм музейининг ривожланишида кўринадиган бир қанча муҳим аспектларни кўрсатиб ўтган³. Уларнинг орасида: жамиятнинг постиндустриал (саноатлашган) даврга ўтиши, замонавий инсонлар ривожланиш (ўсиш) мобилизацияси, жараёнларнинг глобаллашуви, замонавий жамиятга ўтиш муаммолари ҳам

³ Музей и этнология: серия электронных изданий museum pro/ отв. ред. Е.Л.Галкина, Е.Е.Кузьмина, Н.А.Никишин. -М., 1997; Вып.2.0. Музей как социокультурное явления Е.М. Акулич // социологические исследование -2004-№10-С89-92.

ўрганилади. Шундай қилиб, Н.А.Никишин фикрига кўра, замонавий туристик комплексда музей бир қанча даражаларда кўринади: рамзий қийматда ишлаб чиқарилган, асосан интерпретацион ва коммуникацион техникалар ётади; рамзий ресурс сифатида, муҳим потенциал яратувчи бўлиш; ўзига хос маданий маҳсулот сифатида, жамиятнинг ҳудудини бошқарувчи; ҳудудий иқтисодий қурилишни ташкил қилишда кўп қиррали маҳсулот бериш. Музейларда туризм хизматларини тўғри шакллантириш музей менежменти ва музейлар ривожланишининг стратегик йўналишини белгилайди. Сўзсиз, туризм музейлар фаолиятидаги анъанавий йўналиш бўлиб кўринмайди. Бу жаҳон амалиётида 1990 йилларнинг ўртасида пайдо бўлган.

Илмий ва илмий-тарғибот йўналишларида соҳалар доирасида замонавий кўринишдаги режалар инновация ва концепциялар кўринишида жорий қилина бошланди. Концепция атамаси латинча "conseptio" сўздан олинган бўлиб "тушунча", "асосий ғоя" ва "бирламчи фикр" маъносини умумлаштиради. Назарий ва амалий доирадаги концептуал аспектлар конструктив принцип асосида асосий тушунча ва ғоя умумлашмасини маданий анъаналар доирасида тарғиб этади. Бу қонуниятлар барчаси фан, соҳа доирасида илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Концептуал лойиҳа негизи ўрганилаётган аспект доирасида билим, тажриба, илмий изланишлар, фалсафий қарашлар ва умумий дунёқараш асосида ишлаб чиқилади. Музейшунослик соҳасида концептуал лойиҳалар яратилиш ва ўрганилиши ХХІ асрга келиб шакллана бошлади. Туризм музейининг асосий концепцияси ижтимоий маданий қарашлар тузилмасидан иборатдир. Музей предмети музейнинг ўзаги ҳисобланади. Музей предметларининг ўрганилиши ва экспозицияга қўйилиши янги тартибларда талаб этилмоқда. Музей предметларининг функцияси аттрактив, информатик ва аутентичность қарашлардан иборатдир. Туризмни музейларда ривожлантириш жамиятимиз ривожига ижтимоий-маданий институт вазифасини ўташ билан бирга коммуникатив, эстетик, аксиологик ва креатив функцияларни

умумлаштиради. Замонавий бадий жараёнда музейларда туризмни ривожлантириш амалий аҳамияти муҳим кўринишлардан бири ҳисобланади.

Сармишсойдан топилган тош даври маконлари, устахона ва шахталари водийнинг жанубий қисмига жойлашган. Бу ердаги шахталар Марказий Осиё ҳудудида ноёб ва ягонадир. Учтут қишлоғи атрофларида бир неча сантиметр калинликда чакмоқтош қатлами бўлиб, у ибтидоий одамларни қадимдан ўзига жалб қилиб келган. Шунинг учун улар устахоналар очиб чакмоқтошдан меҳнат қуроллари ясаганлар. Бу қуроллар ўша давр одамлари учун катта аҳамиятга эга эди. Маълум бўлишича, палеолит даврида (300000 15000 йил бурун) одамлар ер устида жойлашган сифатсизроқ чакмоқтошлардан фойдаланишган. Аммо неолит даврида милоддан аввалги (милоддан аввалги VI-IV минг йиллик) Учтутликлар меҳнат қуроллари яшаш учун хом ашёни, ер остидаги чакмоқтош она жинсидан синдириб олишни ўрганганлар ва ер остига шахталар қазиб тушганлар. Чунки, ер юзасидаги чакмоқтошга нисбатан, ер остидаги нам тортиб ётган тошлардан қуроллар яшаш анча осон ва унумли бўлган. Учтут устахона, шахталари жойлашган майдоннинг умумий қисми 8000 м кв.ни ташкил этади. Шу майдони 1000 м.кв.да 40 та шахталар борлиги аниқланган. Улар бир-бирларига яқин жойлашган бўлсада, чуқурликлари ҳар хилдир. Шунинг учун археологлар уларни уч туркумга ажратишган: қудуқ шаклидаги – бир бўлмали, икки бўлмали ва зинна билан тушадиган кўп бўлмали. Баъзи шахталар бир-бирлари билан тўйнуқлар орқали туташтирилагн. Шахталарнинг қазилар вақтида уларнинг деворида сақланиб қолган қурол излари борлиги аниқланган. Бу излар асосан буғуни шохи, буқатурларни суяклар, ёғоч ва тош қуролларига таълуқли бўлиб, шахталарда айнан шу қуроллар кўплаб топилган. Улар ишқаланавериш натижасида ойнадан силлиқланиб кетган. Шахталар тубидан кўплаб тош қуроллар ҳам қазиб олинган. Улар чакмоқтошни синдириб олишда ёки улардан қуроллар яшашда ишлатилган. Шахталардан топилган тош қуролларга эътибор берилса, уларга шу ернинг ўзида ишлов берилган. Демак, бу ерда қадимдан устахоналар бўлган.

Сармишсойдаги бошқа археологик ёдгорликлар тўла-тукис ўрганилмаганлиги сабабли кўпгина тарихий саволлар жавобсиз қолмоқда. Бу ердан топилган ҳар хил даврларга оид сапол парчалари, остидон қолдиқлари ва бошқа мадрий маданият буюмлари археологларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўйлаймизки, яқин йилларда бу ёдгорликлар муфасил ўрганилади.

Сармишсой водийсида ҳаёт бундан бир неча минг йиллар олдин, яъни ўрта палеолит давридан бошланганлиги бизга археолог топилмалар орқали маълум. Лекин, бу ерда ҳаётнинг узлуксиз давом этиши, неолит давридан (милоддан аввалги VI-IV минг йиллик) бошланади. Фикримизча, неолит даврида Қизилқумда яшаган калта минор маданиятига таълуқли овчи ва балиқчи уруғларини баъзи бирлари Сармишсойга келиб жойлашган. Улар бу ерда ов қилиш билан бир қаторда аста-секин чорвачиликка асос солганлар. Бу ҳақда бизга Сармишсойдан топилган 4000 дан ортиқ бўлган расмлар ҳикоя қилади. Уларни археологлар 15 гуруҳга бўлиб ўрганганлар.

ХУЛОСА

XXI асрнинг сўнгги ўн йиллигида туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг глобал интеграциялашувида муҳим омил сифатида иштирок этмоқда. Ўз навбатида, мамлакатимиз Миллий туризмнинг ривожланиши ҳам иқтисодий ўсишнинг таянч нуқтасига айланиб бормоқда. Маълумки, Ўзбекистон ҳудуди дунёда, шу жумладан Марказий Осиё минтақасида энг қадимий маданият марказларидан бири бўлган. Ушбу ҳудудда минг йиллар давомида шаклланган жуда кўплаб маданият ва маънавий марказлари, минглаб илмий асарлар ҳамда тарихий ёдгорликлар ўзбек халқининг бой маданий-маънавий ёдгорликлари ҳисобланади. Маданий-маънавий мероснинг кўплиги, бой ва ранг-баранглиги ҳамда қадимийлиги билан Ўзбекистон дунё мамлакатлари ўртасида етакчи ўринлардан бири саналади. Шуниси эътиборлики, ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатларида жойлашган 6 та маданий мерос объектлари «Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати»дан жой олган бўлса, шундан 5 таси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг маданий мерос миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар, миллий кийимлар, хунармандчилик соҳалари кабиларни тиклаш ва тарғиб қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Миллий қонунчилигимизда тарихий обидаларни, маданий меърос объектларини, халқимизнинг турли хил миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини сақлаб қолиш, муҳофаза қилишга оид 10 дан ортиқ қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тарихий аҳамиятга эга бўлган объектлар, археологик, қурилиш, меъморчилик объектлари, халқ тасвирий ва амалий санъати асарлари, муқаддас зиёратгоҳ масканлари халқимизнинг маданий мерос намуналари сифатида асраб-авайлаб келинмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида топилган асори-атиқалар, археологик қазилмалар бутун дунё эътиборини маданий туризм, шу жумладан этнографик туризми

борасида Ўзбекистон Республикасига қаратилаётганидан далолат бериб келмоқда.

Шуни таъкилдаш жоизки, турли халқлар, элатлар ва ҳудудларнинг урф-одатлари, маданияти ва турмуш тарзини ўрганишга бўлган ҳаракат, интилишлар инсонларни саёҳат қилишга ундайди. Ана шу омиллар асосида этнографик туризм соҳаси ҳам ривож топиб бормоқда. Масалан, турли халқларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, миллий таомлари, кийим-кечаклари, рўзғор буюмлари, маданий-тарихий обидалари туризм соҳасида энг оммалашган хизмат кўрсатиш турлари сифатида намоён бўлиб келмоқда. Бугунги кунда туризмда деярли барча меҳмонхоналар миллий давлатлар, маҳаллий халқ рассомлари ва ҳайкалтарошларининг ижодий ишларини натижаларини намоёиш қилган ҳолда хорижий туристларга ўз ватанларининг маданияти ҳамда санъатини намоён қилиш учун ҳаракат қилишмоқдалар. Шунингдек, меҳмонхоналарнинг махсус кўргазма залларида санъат асарларининг кўргазма савдоларини ташкил қилиб келмоқдалар. Булардан ташқари, туристларга турли халқона миллий музыкалар ва фольклор рақслари, ўйинлари, кўринишлари намоёиш этилиб келинмоқда.

Халқ фольклори, декоратив ва амалий санъатнинг турли соҳаларини, халқ мусиқаси, кийимлари, уй-рўзғор буюмларини, кишиларнинг маънавий ва маданий ҳаётини ўрганишда этнографик музей туризмнинг роли ва ўрни беқиёс каттадир. Шу сабабли халқнинг маданий кўринишининг этнографик музейларда ва маданий ёдгорликларда намоёиш қилиш сайёҳларда жуда катта қизиқиш уйғотади. Туризмни музейларсиз тасаввур қилиш қийин. Музей туризми турли мамлакат, халқ, миллатлар тарихи, уларнинг маданий мероси, дини, урф-одати, маросимлари, хусусан маданияти, санъати тўғрисида атрофлича маълумот беради ҳамда унумли дам олиши, хордиқ чиқаришининг турли-туман кўринишларини очиб беради.

Этнографик музей туризмнинг ривожланиши ҳар бир ҳудуд тарихий меросини тарғиб этиш билан бирга, мавжуд шаҳарлар, жойлар тарихини,

халқаро номини оммага танитишда ва туризм маркетингининг шаклланишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бромлей Ю.В. Этнография на современном этапе. // "Коммунист". Москва. 1974, № 16.
2. Токарев С.А. К постановке проблемы этногенеза. // Советская этнография. 1949, № 3.
3. Касымов М.Р. Кремниевая мастерская у кишлака Учтут в районе горы Каратау Бухарской области (По материалам археологической экспедиции). Научные работы и сообщения, кн. 6, 1963.
4. Мирсаатов Т.М. Древние шахты Учтута. Ташкент. 1973.
5. Анне-Софи Хиген. Наскальные изображения Сармишсай Навоийская область Новбахорский район Республика Ўзбекистан. Отчет: Третий визит в Сармишсай, апрель 2005. Осло. 2005.
6. Маликов А.М. Узбеки группы кунграт долины Зеравшана в XIX начало XX века. Самарканд. 2007.
7. Khujanazarov M, Toderich K.N., Reutova M.A. The Sarmishsai Rock art site Navoi region Nowbahor district, Nowbahor area the Republic of Uzbekistan. Report 2005. Samarkand. 2006.
8. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1994.
9. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., 2001.
10. Дониёров А. Ўзбекистон этнографияси тарихидан айрим лавҳалар. Т., 2003.
11. Содикова Н. Ўзбекистон миллий кийимлари. Т., 2003.